

ОДИЛ ЁҚУБОВ, ҒАФФОР ҲОТАМОВ

# КЕЧА ВА БУГУННИНГ САБОҚЛАРИ

ТОШКЕНТ — „МЕҲНАТ“ — 1989

Редактор — М. Теиглашев.

**Еқубов О., Ҳотамов Ф.**

**E 93 Кеча ва бугуннинг сабоқлари. — Т.: Меҳнат, 1989. — 136 б.**

Севиқли едибимиз О. Еқубов ва 2ш ёзувчи Ф. Ҳотамов ижоди-нинг қишлоқ ҳаётига боғлиқ жиҳатлари кўп. Кейинги йилларда улар яратган қатор насрий ва публицистик асарларда заҳматқаш пахта-корларнинг оғир меҳнати, турмушнинг зиддиятди муаммолари ёрқин акс эттирилади.

Ушбу тўпламдан қайта қуриш йиллари нафаси билан ёзилган публицистик мақолалар жой олган. Мазкур асарларда ўзбек деҳқони-нинг оруз-уйлари, қувонч ва изтироблари, маънавий камолот сари интилиш ва изланишлари таъсирчан лавҳаларда ифода этилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

доп. сп.

**Якубов А., Хатамов Г. Уроки прошлого и настоящего.**

65.9(2)—94

302020000—243  
Я М 359 (04)—89 —89

ISBN 5—8244—0423—2

© «Меҳнат» нашриёти, 1989.

## ШАФҚАТСИЗ ҲАҚИҚАТ ВА ШАФҚАТТАЛАБ КИШИЛАР

Тўғрисини айтсам, сўнги пайтларда қўшни ўлкалар, қардош республикаларга унча оёғимиз тортмай қолди. Чунки йўл азобини тортиб борасан, эски таниш, дўсту ёрлар билан юз кўришасан, адабий жараёндаги ўзгартишлар, журналлардаги янгиликлар ҳақида сўрашга энди оғиз жуфтлаган пайтинг, дабдурустдан сени саволга тутишди: «Хўш, «оқ олтин» диёрида яна қайси наҳанг тўрга тушди?» Даврада ким бўлмасин, москвалик дўстингми у, молдавиялик ёки қозоғистонлик ҳамкасбингми, бундан қатъи назар, сенга худди шу саволни беришди. Табиийки, довдираб қоласан, нима деярингни билмай қийналасан, гоҳо шундай бўладикки, қардошингнинг саволига жавобан: «Нима, сиз тарафларда олам гулистонми?», дегинг келади. Тағин ўзингни тиясан, эҳтимол, ҳар биримизда интернационализм туфайли туғилган ўзаро ҳурмат ва эҳтиром туйғуси уни ранжитишга имкон бермас.

Тўғри, ҳозир бутун мамлакатда қайта қуриш жараёни кечаётир, демоқчиманки, баъзи мақолалар эпкини қанчалик оғир тегмасин, эътироф этмай илож йўқ: Бу аччиқ гапларни айтиш зарур! Ахир, ўз уйинг ўлан тўшагингни ҳар хил чангу ғубор, гирдибалолардан халос этиш ҳам қарз, ҳам фарзку! Шундайликка шундай, бироқ нима бўлганда ҳам ўз халқинг бошига тушган бу мусибат ҳақида ўйлар экансан, беихтиёр кўзларинг ёшланади, юракларинг қон бўлади. Кишига шуниси алам қиладики, на ўша турғунлик даврида ҳам ўзимиз, ҳам

марказий матбуот саҳифаларидан республика шаънига ҳамду саноларни ёмғирдай илиб турган йилларда, на ҳозир, яъни олтинларга кўмилиб яшаган ва ўз халқи бошига не-не кулфатлар келтирган ниқобли миллионерлар фош этилиб, адолат нуқтаи назаридан беомон қораланаётган бир пайтда, монокультура азобини тортган, захарли химикатлар бошига жаладек ёғилса ҳам кетмонини ташламаган деҳқон ва унинг уқубатли меҳнат сабаб ҳали ўттизга кирмай туриб, кампирдай қартайиб қолган аёли, ёки мактабга бориб савод чиқариш ўрнига ўқув йилининг қарийб ярмини пахта далаларида ишлаб ўтказадиган, ишлаганда ҳам Совет Конституциясида таққиланган болалар меҳнатининг аянчли «намуна» сини кўрсатиб ишлайдиган, аслида ҳали суяги қотмаган ўғли ва мўртгина қизи шаънига бир оғиз илиқ гап айтилгани йўқ, яъни олий мақом зўравонлар томонидан топталган, оёқости қилинган, хўрлаб-ҳақоратланган бу заҳматкаш одамлар, бу шўрлик деҳқон, надоматлар бўлсинки, ҳали-ҳануз ва республика ва на марказий матбуот саҳифаларида кўринмай келмоқда. Бу ғариб ва заҳматкаш деҳқон кам, унинг муштипар аёлию бола чақаси ҳам ҳали-ҳануз ўз дардларига ўзлари қовурилиб, ўзларининг кулфатларию кўргиликларига кўмилиб қолишаётир. Гўё зўравонларнинг кирдикорларига улар айбдор! Ҳолбуки, «халқлар отаси» Иосиф Виссарионович Сталин, пахта борасида империалистик мамлакатлар олдида СССР ўзининг мустақиллигига эришиши зарур деб шиор ташлаганда бу шиорни виждоний бурчи деб қабул қилганлар шулар эди-ку! Ўзларининг яшнаб турган боғ-роғларию ям-яшил яйловларини шудгор қилиб, норасида гўдакнинг кўз ёшларидай ранги бир, туси бир, шаклу шамоийли бир пахта плантациясига айлантиришларига рози бўлганлар ҳам шулар эди-ку! Улар, она табиатнинг соддадил фарзандлари бўлмиш бу пок инсонлар пахта ва ёки кофе монокультурасига ўралашиб қолган халқ бора-бора ўзининг ҳам маданий, ҳам маънавий истиқболини йўқотиб қўяжagini, монокультура асоратида авлодлари саломатлигига зиён-заҳмат етишини, бошларига ахлоқий ва иқтисодий талафотлар ёғилишини, инсон организми захарли химикатлар билан бешафқат тўйинтирилгач, охир-оқибатда шундай бир кун келишини, унда ҳатто насл бузилиб, генетик код вайрон бўлишини ўшанда хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Машъум йўқотишлар... Булар, «халқлар отаси» — Сталин-

нинг йўл-йўриқларини огишмай амалга ошириш борасида қанча қурбонлар беришди. Ахир, ўзбек халқининг Совет интернационализмига ишончу эҳтироми эмасмиди бу? Ахир, бизнинг заҳматкашлар ивановалик тўқувчиларни, ураллик металлурглари, камчатка балиқчиларию, армиямизни ўйлаб жон куйдирганидан ўзларини фидо қилишмаганмиди? Зеро, пахта дегани фақат иқтисодий қийматгагина эмас, балки ноёб стратегик аҳамиятга ҳам эга-ку!

Мана, менинг рўпарамда тасвирий санъат обидаси турибди. Унда қалбларни ҳаяжонга соладиган манзара тасвирланган: Леонид Ильич Брежнев Халқлар дўстлиги орденини Ўзбекистонга топшираётир. Мусаввир қунт билан мафиянинг олий табақасини асарига ботартиб жойлаштирган: Брежнев, унга бақамти Рашидов ва уларнинг содиқ шоғирдлари, сафдошлари! Уларнинг юзларидаги туйғулар шу қадар муштаракки, ҳайрон қоласан, гўё Леонид Ильич, яъни турғунлик даврининг отаси бўлмиш бу зотнинг ўзи азиз фарзандларига кўзбўямачиликка фатво бериб турибди.

Бот-бот биздан сўрашади: «Хўш, сиз адиблар қайда эдингизлар? Деҳқон-ку ҳамма нарсани кўриб турса-да, сукут сақлаган, начора, қўли калта, лекин сизлар-чи? Наҳотки, сиз ёзувчилар, ўша деҳқончалик зийрак бўлмасангиз? Афсуски, биз ҳам, аксарият ҳолларда сукут сақладик, сукут сақладиккина эмас, балки айрим москвалик ҳамкасбларимиз каби биз ҳам бу зўравонларга ҳамду санолар бағишладик. Кимдир рўй-рост алданди, кимдир нимаики қилинаётган бўлса, халқнинг фаровонлиги учун қилинаётир, деб астойдил ишонди, чунки сир эмас, бу қинғир ишларнинг барчаси юксак партиявий шиорлар ниқоби остида қилинган эди! Аммо ҳақиқат шундан иборатки, бу шиорларга учмай, деҳқоннинг кўзларидаги ҳасрат ва мунгни англаган, унинг дардини ҳис этганлар ҳам йўқ эмас эди. Худди шундайлардан эмасмиди ахир, Абдулла Қаҳҳор билан Мақсуд Шайхода? Ҳар қандай таъқибу тазйиқларга қарамай, адабиётимизнинг шарафу орини ҳимоя қилган, унинг виждони бўлиб қолган эмасмиди улар?»

Ўша оғир йилларда М. Исмоилий, Шухрат, Шукрулло, Миркарим Осим, Абдулла Орипов каби қанча адибларимиз озмунча жабру жафо кўришмади. Ёки, Темур Пўлатовни олайлик. Ахир унинг ҳар бир асари «Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон ҳаётига соя солмоқда, бу ёзувчи

нима қилаяпти ўзи?» қабилдаги қутқуларга сабаб бўлмаганмиди?

Бугун, ёзувчи ўз халқининг дардини баралла айтиши заруратга айланган туб бурилиш даврида аксар ижодкорларимиз дostonу романлар қораламасини бир четга суриб қўйиб, жанговар сўз қуроли — публицистикага мурожаат қилишаётир. Шу ўринда, ижодий ташкилот раҳбари сифатида Комил Икромов, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, С. Аҳмад ва П. Қодиров, Иброҳим Юсупов ва Айдар Осман, Евгений Березиков, С. Азимов, Сергей Татур ва Худойберди Тўхтабоев, шунингдек Тоғай Мурод, Муҳаммад Солиҳ, Мурод Муҳаммад Дўст, Усмон Азим, Ғаффор Ҳотамов, Исфандиёр ва яна бир қатор истеъдодли ёшлар (уларнинг ҳаммасини санаб ўтолмаганим учун узр) номини чуқур мамнуният билан тилга олишни истар эдим. Улар Владимир Карпов айтиб ўтган адиблар қаторида бугунги кунда елкама-елка туриб, турғунлик даврида содир бўлган иллатлар ва йўқотишларнинг асл моҳиятини англаш, теварак-атрофга сергак назар ташлаш, шунинг баробарида оқсоч Оролдан — Урта Осиёликларнинг мунис онаизоридан қандай айрилиб қолдик деган мунгли садоларга жавоб қидириш, халқнинг юрагидаги дардларни айтишга ҳаракат қилишмоқда.

Бугун батамом ҳолдан тойган бизнинг тупроғимиз Госплан талаб қилаётган миқдордаги пахтани бериши амри маҳол. Тепада туриб, ҳамма планларни белгиладиган бу мўътабар идора, эҳтимол ўзи ҳам билиб-билмай, навбатдаги қўшиб ёзишларга мажбур қилаётган бўлмасин? Камтарин бир адиб сифатида деҳқон номидан шунини айтишим мумкинки, пахта плани ақалли бир миллион тоннага камайтирилса борми, миннатдор ўзбек тупроғи бу олижаноб ишга жавобан Сибиру Ноқоратупроқ, Москваю Ленинград ишчилари дастурхонини бир эмас, бир печа миллион тонна энг ноёб нозу неъмат ва сабзаёт билан тўлдирар, айти пайтда ўз дастурхонига ҳам нону гўшт, сут-қатиқ тортиқ қилган бўлур эди.

Ҳа, бизнинг халқимиз мусибатли йилларни бошидан кечирди, шу боисдан кўргулик қанчалик аянчли тус олса, ўз оғаларининг, қардош халқларнинг хайрихоҳлигию, ҳамдардлигини, бошига иш тушганда айтишган бир оғиз ширин сўзини шунчалар қадрлади, бу сўзларни қалбидидаги малҳам деб билди.

Биз «Литературная» газетадан жуда миннатдормиз.

Ахир, уқубатли кунларда у бизга далда берди, ўн йилларча пайкалларда ишлаётган соддадил деҳқонларимиз бошига сепишган, сувимизни ҳавомизни заҳарлаб, неча минг кишиларни ошқозон-ичак, сариқ касалликларига мубтало қилган бутифосни — бу ёвуз ядрохимикатни пахтачиликда қўллашга дадил қарши чиқди. Айнан шу газета билан «Дружба народов» журнали узоқ йиллар давомида биринчи бўлиб пахтакор аёлнинг жабрли меҳнати ҳақида, феодалларча муносабатгина эмас, балки қашшоқлик ва оғир жисмоний меҳнат сабаб аксар навниҳол жувонларимиз, исённинг энг мудҳиш йўлини танаб, ўзларини ўзлари ёқиб юборишаётганлиги ҳақида рўй-рост ёзишди.

Гоҳо бизга, қолоқсизлар деб, маданиятларинг паст деб, қишлоқдан чиққан болаларинг русчани яхши билмайди деб таъна қилишади. Ҳолбуки, ўқув йилининг тенг ярмини пахта далаларида ўтказаётган бу болалар қандай қилиб, қачон улуғ рус тилини ўргансин, ахир!

Ҳа, она халқимнинг турғунлик давридаги қисмати чиндан ҳам фожияли кечди. У бошига тушган кулфатлар дастидан тавалло қилиб, маҳзун яшар экан, бошқаларнинг буни ҳис қилишларини, мушкулотини ўқишларини истар, бошқалардан ҳамдардлик кутарди. Шунинг учун бўлса керак, бу қайғули фактларга эътибор бермаган баъзи бир ижодкор ҳамкасбларимиз нуфузли анжуман минбарларидан туриб Ўрта Осиё республикаларида туғилиш суръати ўсиб кетаётганлиги ва бунинг оқибатида «ёпирилиб келаётган» хавфу хатар ҳақида даҳшатга тушиб гапиршишганларида бу халқнинг қалби қаттиқ жароҳатланди, чунки уларнинг гапларига қараганда чамаси бу регион болалар ўлими бўйича ҳам биринчи ўринни эгаллашини билишмаса керак.

Туғилишни чеклаш ўрнига монокультурадан халос этилса, халқнинг маиший аҳволи бир оз бўлса-да, яхшиланса — ахир, бизнинг қишлоқларда аҳоли жон бошига йилига атиги ўн-ўн икки килограммдан гўшт тўғри келади, холос — заҳматкаш деҳқон лоақал имконият даражасида маданиятдан баҳраманд этилса, мен ўйлайманки, бизнинг социалистик жамиятга ёт бўлган «туғилиш муаммоси»ни масала қилиб кўтариб юришга ҳеч қандай ҳожат қолмаган бўлур эди.

Айни пайтда шунини ҳам мамнуният билан эътироф этмоқчиманки, рус ва қардош халқларнинг атоқли сўз санъаткорлари Сергей Залигин ва Чингиз Айтматов, Ва-

лентин Распутин ва Абдужамил Нурпейсов, Алесь Адамович ва Максим Танк, Олесь Гончар ва Юрий Мушке-тик Орол тақдирига куюниб овоз беришганида халқимиз беҳад тўлқинланиб кетди, чунки дўстларнинг овози унинг ноласига эш бўлган эди!

Уларнинг улуғ рус адабиёти қон-қонига сингиб кетган инсонпарварлик руҳидаги мактублари Ўзбекистон матбуотида эълон қилинганида гўё Орол ҳалокатдан сақлаб қолингандек халқнинг боши осмонга етди...

Хуллас, нимадан бошлаган бўлсам, гапимни шу билан яқунлайман: монокультура — бизни ташвишга солаётган, юракларни эзаётган энг катта дардимиз! Гапнинг очиги, қўшиб ёзишлар ҳамиятимизга тегди. Ортиқча пландан биз халос бўлмоғимиз зарур, азизлар, биз ҳам ҳалол яшашни жуда-жуда истаймиз! Жиноятчини, албатта, жазолаш керак. Бироқ, халққа зиғирчаям айби бўлмаган, партбилетли замонасоз бойваччаларни умр бўйича қарғаб келган жабрдийда халққа, такрор айтаётганлигим учун узр, бу халққа хайрихоҳлик, ҳамдардлик, шафқат ва мурувват, беминнат мадад керак. Бизга сизнинг, барча қардош халқларнинг холис ёрдамингиз жуда-жуда зарур. Ҳар сафар москвалик ҳамкасбим: «Ўзбекининг қувончига шерик, дардига дарддошман», гуржи қардошим: «Бу кулфатлар ўтади, кўп ҳам куюнаверма, батано!» деганда мунглиғ кўнглим тоғдек ўсади!

## ҚИШЛОҚДАГИ ФОЖИА

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси почтасини кўздан кечираётиб, шундай бир хат қўлимга тушиб қолди. Хатнинг мазмуни мени ларзага солди: бир қишлоқда ёшгина колхозчи аёл, икки фарзанднинг онаси, ўзини ёқиб юборган.

Унинг 10-синфда ўқийдиган синглиси ёзган хат юрак дош беролмайдиган алам билан тўлиб-тошганди: мусибатни кўтаролмай она ҳаётдан кўз юмган, ота ёстиқ тортиб ётиб қолган, вояга етмаган икки бола ҳақида қайғуриш ҳам хат ёзган мурғак қизалоқнинг зиммасига тушган! Ўзининг шафқатсизлиги билан хотинини ўз жонига қасд қилиш даражасига олиб борган пияниста эр эса енгилгина дўқ-пўписа эшитиш билан қутулиб қолган.

Ғам-андухга тўла мактубни текшириш учун тегишли органларга юбордик. Жавобини кутарканман, мен тин-



май ўша бахтсиз аёлни ўйлар эдим... Норасида фарзандларини ташлаб, бу қадар кескин қадам қўйишга ёш онани нима мажбур қилди экан?

Орадан бир ой ўтгач олинган жавоб ўзининг тутуруқсизлиги билан мени боши берк кўчага киритиб қўйди. Жавобда аёлнинг фожиали ўлими «эрининг унга бой-феодалларча муносабати» ва маҳаллий раҳбарларнинг бепарволиги натижасида рўй берган деб айтилган эди. Бунинг учун қишлоқ Советининг раиси ва колхоз партия ташкилотининг секретарига биттадан хайфсан берилибди, район партия комитети секретарига бўлса аёллар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтирилиши кўрсатилибди, Эр эса ҳатто «кўрсатиш»сиз қутулиб қолибди.

Агар ўзига-ўзи ўт қўйиш тўғрисидаги юқорида айтилган факт яккаю ягона бўлганида бу жавоб билан қаноатланиш мумкин эди. (ҳақиқатан ҳам аёлларга нисбатан «ўтмиш сарқитлари» бизнинг онгимизда ҳали анча мустаҳкам). Аммо кейинги вақтларда бизнинг республикамызда, шаҳарларда эмас, пахтакор районлардаги қишлоқларда аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпайди. Албатта, бу ҳодисаларни «сарқитлар» га йўйиш осон: ахир, асрлар давомида эзилган, мустақилликдан, ўз ихтиёридан маҳрум бўлган аёл бугунги кунда таҳқирлаш ва ҳуқуқсизлик билан муроса қилишни хоҳламаяпти, эрлари эса ўтмиш урф-одатларига тиш-тирноқлари билан ёпишиб олганлар... Масалага шундай ёндошиш — муаммодан атайин ўзини олиб қочиш, ундан кўз юмиш демакдир. Чунки, бундай жавоб асосий нарсани: нега аёл норозиликнинг айни шундай даҳшатли йўлини танлайди, деган саволни ойдинлаштирмайди.

Нима учун улар, навқирон, саводли, мактаб кўрган аёллар ўлимни афзал кўришади? Нега эрларини ташлаб уйдан чиқиб кетмайдилар, шаҳарларимиздаги юзлаб, минглаб ўзбек аёллари ишлаётган фабрикалардан биронтасига ишга кириб олмайдилар? Ёўқ, «сарқитлар» хусусидаги масала оддий гап эмас. Агар бу ҳақда гапириладиган бўлса, аввало область ташкилотлари редакцияга юборган жавобларга, хотинининг ўлими учун эридан қонуннинг бутун қаттиққўллиги баробарида, жавоб талаб қилишни истамаслик, эркак ҳар доим ҳақ экаплигини тан олишга тайёр туришга нисбатан гапириш мумкин. Ҳар доим эркакнинг ҳақлигини тан олиш — ўтмишга сажда қилиш шу эмасми?

Мен 60 йил илгари суратга олинган, жуда эскириб қолган, ҳужумга — Ўзбекистон хотин-қизларининг озод бўлиш учун оммавий юришига бағишланган ҳужжатли фильмларни негадир тез-тез эсга оламан. Эл-юрт севган артистка Нурхоннинг саҳнага чиқишига рухсат бермаган акаси томонидан шафқатсизларча ўлдирилиши ана шу ҳаракатга туртки бўлди. Мен ҳозирги кунгача бу кадрларни ҳаяжонсиз кўра олмайман. Шаҳар ва қишлоқларнинг одамлар тўла майдонларида улкан гулханлар ёнади. Уларда асрлар давомида аёлларнинг дилбар чеҳраларини нигоҳдан яшириб келган чачвон ва паранжилар куймоқда. Дам йиғлаб, дам кулиб турган аёлларнинг чеҳраси шундай завқ-шавққа тўлган, чиройлари янада очилиб кетган эди.

Бу — 60 йил муқаддам рўй берган эди. Утган йиллар мобайнида республикада аёллардан қанчадан-қанча машҳур олимлар, фан докторлари ва кандидатлари, инженерлар, донг таратган ишчилар, министрлар, энг юқори лавозимдаги партия ва совет раҳбарлари етишиб чиқди. Бугун Ўзбекистонда врачлар ва педагогларнинг ярмидан кўпроғи аёллардир. Ҳа, ўрта аср ахлоқига қарши чинакам юриш бўлган — «Ҳужум»нинг мевалари беқийсдир. У аёлларни асосий нарсага: ўз-ўзини ҳурмат қилишга ва баҳамжиҳатликка ўргатди.

Аммо мана, менинг олдимда яна бир хат турибди.

Қишлоқ шифохонасининг врач қўл остида ишлайдиган ёшгина медицина ҳамширасини кечаси узоқ чўлга олиб чиқиб кетади. Қизнинг номусига зўрлик билан теккач, у сенга уйланаман, «иккинчи уй» қуриб бераман («биринчи» уйда, албатта, қонуний хотини болалари билан яшайди), деб ваъда қилади, табиийки, ваъдасини бажармайди.

Кейин шундай воқеа рўй берди. Орадан бироз вақт ўтгач, қиз ҳомиладор эканлигини билиб қолиб, даҳшатга тушади. Буни бирга ишлайдиган аёллар: акушеркалар, врачлар, ҳамширалар ҳам сезиб қолишади. Шифохона бўйлаб бир зумда миш-мишлар, фикси-фасод гаплар тарқалиб кетади. Қизни ўзбошимчалик билан таҳқирона текширувдан ўтказишади, сўроқ қилишади. Нуқул шифохонани шарманда қилдинг, коллективга сира ўчмайдиган доғ туширдинг, деб таъна қилаверишади. Эсли-ҳушли қиз номусини йўқотишга қандай йўл қўйиши мумкин, ахир? Эътбор беринг-а: айбашлар аёлларнинг, рисоладаги замонавий аёлларнинг бошида

туғилган. Аёллардан биронтаси ҳам ҳақиқий айбдор қилмишини қоралашмайди. Ғунажин кўзини сўзмаса, буқача ипини узмайди, деган эски мақолга амал қилишади.

Фисқи-фасод гаплар жонига теккан, таҳқирланган, ўз ёғига ўзи қовурилган қиз жонига қасд қилди.

Қани энди сиз менга айтинг-чи, бу ўринда нима кўпроқ роль ўйнаган: ўтмиш сарқитларими ёки замонавий тошбағирликми, яқин кишининг тақдирига лоқайдликми? Бизнинг кунларимиздаги қусурларга нотўғри баҳо берадиган бўлсак, уларни енгиш ҳам мумкин бўлмай қолади. Ҳамма нарсани ўтмишга йўйишдан осони йўқ. Лекин доим ўзини-ўзи алдаб, ҳаммага маълум чайналган гаплар билан ҳақиқатдан қочиб юриш мумкинми?

Эсимда, бундан йигирма йил муқаддам теримчи аёллардан бирининг номи бутун республикага доврўқ солди. Мавсумда у 15 минг килограммдан ортиқ пахта терди! Агар битта чаноқдаги пахта уч граммгина келиши, атиги ўн граммни териш учун уч марта ерга эгилишга тўғри келиши ҳисобга олинса, у ҳолда 15 минг килограммлик рекорд рақам аёлдан қанчалар кўп жисмоний куч талаб қилишни тасаввур қилиб кўринг.

Унинг ёши ўн саккизларда бўлиб, эндигина турмушга чиққан эди. Шоирлар унга шеърлар бағишлади. Газеталарда кўплаб очерклар босилди. Кейин бирданига негадир унинг номи газеталар саҳифасидан тушиб қолди. Шундан кейин у ишни ташлаб, қишлоқдан кетиб қолибди, қаердадир буфетга ишга жойлашганмиш, деган гаплар тарқалди.

— Бу қанақаси! — ғазабланишди олдинга кўплар, айниқса журналистлар.— Унга шунча шон-шухрат ва ҳурмат келтирган ишни ташлаб кетса-я?!

Ҳаммаси кейинчалик маълум бўлди. Ёш аёл ҳомилдор бўлган, аммо сўнгги кунларгача пахта теримида ишлаб юраверган. Бир кун даланинг ўзида дард тутиб қолади, шунда эри — у тарозибон эди,— югуриб бригадир аёлнинг олдига боради: жуда ҳам машина зарур бўлиб қолди, дейди. Бригадир аёл кўзи ёрий деб турган жувонга ёрдам беришдан бош тортади, кун билан терилган пахта ортилган машина пахта пунктига жўнаб кетади. Туғруқхона йўл устида эмас эмиш. Довруғи таралган қаҳрамоннинг кўзи далада ёриди. Ана шундан кейин у ҳамма нарсадан: илгариги ишидан ҳам, шон-шухратидан ҳам, ўзи ҳақида тўқилган қўшиқлардан ҳам қўлини ювиб, қўлтиғига урди. Ҳатто унинг учун жон

куйдирмаган эридан ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Қани айтинг-чи, аёл кишининг кўзи ёрий деб турган жувонга нисбатан совуқ илтифотсизлигини ўтмиш тасаввурлари қолдиги билан оқлаб бўладими? Йўқ, бизнинг ҳаётимизда шундай ҳодисалар рўй бераяптики, уни бирданига нима деб аташингни ҳам билмайсан. Мен буни раҳмсизлик, тошбағирлик деб атаган бўлур эдим.

Негадир бундай қусурга ҳар хил лавозимдаги раҳбар аёллар ҳам мубтало бўлишган.

Афтидан уларнинг баъзи бирлари паранжи билан бирга саховатни, шафқатни, ҳамдардликни ҳам бир умрга улоқтириб ташлаганга ўхшайдилар.

Мен республика бўйлаб кўп кезганман, ҳозир ҳам бу одатимни тарк этганим йўқ. Бундай сафарларда бизни, адилларни, район партия комитетларини идеология бўйича секретарлари ёки область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари район ва қишлоқлар бўйлаб олиб юришади. Уларнинг кўпчилиги аёллардир. Яна қанақа аёллар денг! Худди атайин танлангандек, сулув, маданиятли, сўнгги урф бўйича кийинишган — кўриб кўзинг қувнайди. Уларнинг тили чечанлигини айтмай-сизми! Ана шундай раҳбар аёл билан район бўйлаб кезасан. У районнинг муваффақиятлари тўғрисида, муъжизалар яратаётган ажойиб пахтакорлар ҳақида, планлар хусусида ҳикоя қилади. Ҳаммасини ёддан айтиб беради. Шу орада йўл ёқасидаги пахта пайкаллари кетида тут дарахтларига бойланган беланчакка кўзинг тушади. Оналар қоқ ерга ўтириб олиб, болаларини эмизашади, кир-чир, анчадан бери баданига сув тегмаган болалар тупроқда эмаклашади. Уларга ёши бир ерга бориб қолган, куч-қувватдан кетган аёл қарайди. Машинани тўхтатгинг, бу хунук манзаранинг сабабини билгинг келади, аммо бундай қилиш сенинг олшй маълумотли ҳамроҳингга ноқулай бўлишини биласан! Шу тариқа жимгина кетаверасан, мабодо сўраб қолгудек бўлсанг, сенга шу заҳотиёқ нишонч билан бу манзара тилк эмас, деб тушунтиришади.

Ниҳоят, сени дала шийпонига олиб келишади. Бу ерда учрашув бўлиши керак. Бундай учрашув учув одатда шинам шийпонлар танланади, аммо улар кўпичча санитария ва ободонлаштиришнинг энг оддий талабларига ҳам жавоб бермайди. Бу ерда на хотин-қизлар, болалар ювиниши учун душни (пахта пайкалларида асосан хотин-қизлар ишлашади-ку, ахир), на эмизикли она-

лар учун бир тузуккина хонани учратасиз. Шундай қилиб бошларига қат-қат рўмол ўраган, офтобдан юзлари қорайиб кетган, қўллари эркакларникидек қадоқ 20—30 аёл ва яна аллақанча юқори синфда ўқийдиган болалар ёзувчи билан учрашувга тўпланишади. Улар кўпинча ҳузурларига келган меҳмон тўғрисида ҳеч нарса билишмайди.

Мана шу кишининг ғазабини қўзғатадиган манзарани кўра-била туриб, ўша ҳорғин аёлларнинг замондоши бўлган раҳбар аёл колхоз раисни койганини ёки масалани район раҳбарлари олдига кўндаланг қилиб қатъий қўйганини, бирон бир мўътабар кенгашда ачиниб, куйиб-пишиб рўй-рост гапни айтганини бирор марта эшитган эмасман. Афсуски, ҳеч қачон шундай воқеанинг гувоҳи бўлмадим.

Аксинча! Эсимда, 60-йилларда «Литературная газета»да марҳум ёзувчимиз А. Қаҳҳор «Хуснбузар» мақоласи билан чиққан, пахтакор аёлларнинг меҳнати қанчалар оғирлиги, ёзувчилар ва кинематографчиларнинг бу меҳнатни чиройли атлас кўйлақлар кийган қўшиқчиларнинг байрамдагидек қилиб кўрсатишга уринишлари қанчалар шармадали экани тўғрисида ёзган эди. Унинг мақоласидан кейин нима юз берди! Мажлислар бўлди, нутқлар сўзланди, эҳтиёт чоралари кўрилди. Ёзувчини турмушни қоралаб ёзишда, ҳаёт манзараларини бузиб кўрсатишда айблашди. Энг ачинарлиси шундаки, барча ҳуружларнинг ташаббускори аёл киши эди: ўша пайтда у республикада жуда юқори лавозимни эгаллаб турарди, ёзувчи ҳақиқатга хиёнат қилмаганлигини жуда яхши биларди. Аммо у ёрдам бериш, ҳамдардлик қилиш ўрнига ёлғонни афзал кўрди.

Ҳа, Ўзбекистон кейинги 30 йил ичида оғир даврларни бошидан кечирди. Пахта етиштириш планлари, пахтачилик йилдан-йилга ўсиб борди, механизация бўлса, айниқса, пахтани машиналарда териб олиш, фақат қозғозлардагина бор эди. Ҳафсала билан ишлов беришни, яхшилаб суғоришни, ҳар бир туп ниҳолни жазирама офтоб остида чопиқ қилишни талаб этадиган ўта инжиқ экин — ғўза парваришининг бутун оғирлиги аёллар ва болаларнинг нозик елкаларига тушган эди...

Мана, қишлоқ аёлининг одатдаги иш куни: эрталаб соат олтидаёқ у аллақачон оёқда турган бўлади. Сигир соғиш, нонушта тайёрлаш, болаларни мактабга жўнатиш керак. Соат саккизларда, ёзда эса еттидаёқ далада бў-

лиши лозим. Кун бўйи тинка қуритар иш: оғир кетмон билан ҳар бир туп ғўзанинг таги юмшатилади, жўякларга ишлов берилади. Уйига кун ботиш олдида қайтади, йиғим-терим даврида эса бундан ҳам кечга қолади. Яна сийгир, болалар, кечки овқат... Шундай аҳволда маънавий озуқа ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?! Телевизор, радио тўғрисида-чи?!

Қишки икки-уч ойни демаса, ҳар кун, бутун йил шу тариқа ўтади.

Бундан уч йилча муқаддам мен Андижон областига бордим. Июль ойи, нафақат қуёш олов пуркайдиган, бизда газеталарда ёзилаётганидек, пахта ҳосили учун курашнинг ҳал қилувчи палласи эди. Биз машҳур колхознинг бригадаларидан бирига келдик. Бу ерда бизнинг ўлкалар учун одатдаги ҳол бўлган оғир манзаранинг гувоҳи бўлдик: елкаларида кетмон, ҳозиргина даладан тушлик қилгани келган бир неча ёш аёл кир-чирларни ювиб олиш, ёш гўдакларига қараш учун уйларига икки-уч соат вақтлироқ қўйиб юборишни бригадирдан сўраб, мутеларча ялиниб-ёлворишарди. Аммо ўз қўл остидаги одамларни маҳкам ушлайдиганлар тоифасидан бўлган «қаттиққўл» бригадир уларга сира ён босмасди. Гарчи дам олиш кунни бўлишига, аёллар эрта баҳордан бери бирор кун дам олишмаганига қарамай, бригадир уларга ишдан вақтлироқ кетишга рухсат бермади. Рухсат бериш у ёқда турсин, район раҳбарлари билан бригадага келган ёзувчи ўртоқ унинг қандай талабчан ва қаттиққўллигини ўз кўзлари билан кўриб қўйсинлар, деган маънода ўжар аёлларга бақариб ҳам берди. Кечқурун колхоз боғида, ўша вақтда расм бўлганидек, фахрий меҳмон учун ёзилган мўл-кўл дастурхон устида мен ана шу ҳодиса тўғрисида дилбар, сермулозамат аёл — колхоз раисасига гапириб бердим.

— Иложимиз қанча,— жавоб берди у, заррача хижолат тортмай.— Ҳосил учун кураш кетяпти. Бизнинг планимиз бор, уни бажаришимиз керак.

— Наҳотки аёлларга бир ойда ақалли бир кун дам олиш мумкин эмас? Ахир, уларнинг оила, бола-чақалари бор-ку!

— Принцип жиҳатидан балки мумкин бўлар, ҳаммага бирваракайига эмас, албатта навбати билан қилса бўлади.

Ўша кунни биз шартлашиб олдик: у ўз колхозида шу экспериментни амалга оширадиган, мен эса шу тажри-

Ба тўғрисида бошқа хўжаликларга ибрат тариқасида «мақтов» мақоласи ёзадиган бўлдим.

Орадан бир ой ўтди. Қўнғироқ қилдим. Эксперимент қандай бўлаяпти, деб сўрадим.

— Ҳеч нарса чиқмади! Раҳбарлар рухсат беришмаяпти. Бундай иш режими меҳнат шижоатини бўшаштиради, планга таъсир қилади, дейишяпти.

Ана ўшанда мен, хом сут эмган банда, шундай хаёлга бордим: «ичкари»дан, шарқ рўзғорининг зулмкор қонунларидан озод бўлиш аёлларни — далада меҳнат қиладиган аёлларни — қандай қилиб шундай кўнгилсизликларга олиб келдийкин?

Яқиндагина Сирдарё областидаги совхозлардан бирида бўлдим. Бу ерда йиғирма ва ҳатто ўттиз йиллик тарихга эга бўлган кўриқ хўжаликлар кўп. Нуқул пахта экилган далалар оралаб бир неча километр юргач биз қандайдир посёлкадан чиқиб қолдик. У шундай ташландиқ жой эдики, на тузукроқ қурилган уйлар, на газ, на канализация бор, қадимий тандир ва ўчоқларда бундан минг йил илгаригидек таппи-тезак ва ғўзапоя ёқиларди. Қош қорайганда ишдан қайтган аёллар овқат пишириш, нон ёпиш учун алламаҳалгача ўчоқ бошида куймаланишарди. Мана бу ростдан ҳам феодал хўжалиги деса бўлади! Бу бизнинг кунларда, ўнлаб жойларда газнинг жуда катта запаслари топилган республикада рўй бериб турса-я!

Шундай бўла туриб, яна кимлардир на бу аёллар, на уларнинг болалари маънавий ҳаёт, маданият билан сира қизиқмайдилар, уларнинг ички дунёси ва тасаввури ўсмай қолган, деб таъна тоши отади.

Йўқ, нима десангиз денг, ўтмишда деҳқон, қанчалар оғир шароитда яшамасин, хотинини далада ишлашга мажбур қилган эмас. Аёлни ичкарида, паранжи ва чачвон остида сақлашарди. У на зиёни, на одамларни кўрмай тўрт девор орасида хафақон бўлиб яшарди. Бунинг устига қулоғигача уй-рўзғор ишларига ботганди. Лекин ҳар қалай... Болалигим ёдимда: биз оналаримиз ва опаларимиз тайёрлаб берган таомларни далада ишлаётган ота ва акаларимизга олиб борардик. Далага чиқишга, отасига овқат олиб боришга, ҳатто, кичкина қизчаларнинг ҳаққи йўқ эди — бу ишни фақат ўғил болалар бажаришарди. Аёллар эса фақат уй ишлари билан шуғулланишарди. «Ичкари»нинг қаттиққўл қонуни шундай эди.

— Хўш, айтинг-чи, ҳозир эркаклар қаёққа ғойиб бўлишган? — деб сўраши мумкин ўқувчи.— Эркаклар борми ўзи? Нега улар ўз хотинларини шундай оғир меҳнатга маҳкум этиб қўйишди?

Афсуски, кўп эркакларимиз бугунги кунда «ўтмиш сарқитлари»дан озод бўлиб, ўз зиммаларига енгил-елпи ишларни олишган. Гоҳо эркак кишининг тарози бошида туришига, айти вақтда унинг хотини ёки боласининг пахта босилган этакни зўрба-зўр кўтариб келаётганига қараб туриб, ачинаиб кетасан, киши.

Аксар колхоз ёки совхознинг идорасига кирсангиз, ҳамма ерда ҳисобчи, иқтисодчи, кассир, бош бухгалтер ва бош ҳисобчи ўринбосари бўлиб эркаклар ишлаётганини кўрасиз. Уларнинг кўпчилиги паҳлавон жусса, норғил йигитлар. Бозорларда, савдо қилаётганларчи — улар ҳам эркаклар! Бунга ким эътибор қилади, бундай «меҳнат тақсимоти»ни ким таъқиқлайди?

Ўтмиш сарқитлари қандай шаклда пайдо бўлмасин, уларга қарши курашни, албатта, бўшаширтмаслик кераклигига имоним комил. Энди ўйлаб кўрайлик: аёл киши пахтачиликда неча соат ишлайди? Унинг меҳнат шариоитлари қандай? У ўз меҳнати учун қанча ҳақ олади? Нима учун эркаклар жон-жаҳди билан пахта ишига чап беришга уринади — бунинг бир сабаби пахтакор меҳнатига паст ҳақ тўланаётгани, бу ҳақ рўзғор бошида турган эркак учун камлигида — манфаатдорликнинг йўқлигида эмасмикан? Шу ва шунга ўхшаш масалалар бўйича энг жиддий социал тадқиқотлар ўтказиш вақти аллақачон келиб етган.

Меҳнаткаш аёлларимиз ҳаёти ва турмушининг ўн йиллар давомида йиғилиб қолган, дардга айланган долзарб социал муаммоларига эътибор бериш пайти келди. Бу ишни аллақачон қилиш керак эди. Биз уни жуда кўп вақт яшириб келдик. Алдамчилик ва кўзбўямачиликка барҳам бериш вақти етди, упа-эликлар билан пардозлаб қўйилган жароҳатларни очиш керак. Энг аввало, қишлоқдаги аёлларимизнинг жаннатда яшаётгандек фаровон турмуши ҳақидаги афсоналарга чек қўйиш даркор. Ҳамма нарсаларни ўтмишнинг сарқитларидан кўришни бас қилайлик — бугунги кун ҳам ўз соясини солмоқда: ахир бот-бот рўй бериб турган ўзига ўзи ўт қўйиш ҳолларининг кўпчилиги қишлоқларда, пахтакор аёллар орасида рўй бераётибди-ку!



## КЕЧА ВА БУГУННИНГ САБОҚЛАРИ

Тошкентнинг қоқ марказида, каттакон бинонинг пештоқиға катта-катта ҳарфлар билан таниш шиор битилган: «Оқ олтинни олтин қўллар яратади». Куни кеча ўрнатилган эмас, эҳтимол, эртага ҳам олиб қўйилмас. Бошқа пайт эътибор ҳам қилмасдим. Ҳозир эса — зирапчадай кўзга қадалиб турибди. Олтин қўллар, оқ олтин, гуллаб яшнаётган Ўзбекистон, чексиз пахта даласининг ўртасида миллий либосда момиқ пахта кўсагини ушлаб жилмайиб турган қиз... Биз рекордлар ҳақида ўқирдик журналларнинг ялтироқ зарвароқларини томоша қилардик, чит кўйлақлар кийиб юрар, пахтадан бўлган кийим-кечаклар тақ чил бўлиб қолса, пахтакордан нолир эдик, аммо биз олтин қўллар оқ олтин учун чекаётган заҳматнинг ҳақиқий баҳосини билармидик?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ҳақида гап орасида айтиб қолишди: республикада порахўрлик ва уюшган жиноятчи тўдаларга қарши кураш бошланишидан ўн йил олдин у ўз курашини бошлаган. Бу гап ўша йиллар ёзилган «Диёнат» романига тегишли Ёзувчига минглаб мактублар келди: «Бизнинг раисни ёзибсизда», «Бизда ҳам аҳвол худди шундай». Ҳақиқий «қаҳрамон» ҳам (ўшанда уни қўштирноқсиз ёзишарди) ўзини таниди, албатта. Йўқ, ваҳшатли, соҳибқудрат раис китоб ўқимасди бироқ асар бўйича телевидениеда қўйилган беш қисмли фильмни кўрди... Дўқ-пўписалар бошқа чоралар бўлди, лекин бугун сўз бу ҳақда эмас. Албатта, бир ҳисобда шу тўғрида ҳам.

— Одил Эгамбердиевич, Ёзувчилар союзининг сўнги пленумида кўп ижодкорлар ўз роман ва дostonларини бир четга қўйиб, публицистика ёзишга киришганларини, бўлиб ўтган воқеаларни англашга уринаётганларини айтдингиз. Ўзингизни ҳам назарда тутгансиз, шундай эмасми?

— Биласизми, шундай нарсалар борки, бугун — улар ҳақида ўқиш, сўзлаш биз учун жуда оғир, бироқ ана шу тозаришни бошдан кечиришимиз ва биздан бошқа ҳеч ким айтмайдиган гапларни айтишимиз керак. Бугун кўп нарса аён бўлди, ҳа, биз тиллога кўмилган яширин миллионерларни адолатли ва шафқатсиз жазолаяпмиз, юксак лавозимли каззоблар тўдасининг янги-янги жиноятлари ошкор бўлмоқда, лекин бир фикрнинг азоби менга тинчлик бермайди: бу миллионларни ўз тери, қони ва,

ниҳоят, ҳаёти эвазига яратган оддий инсон тақдири яна бизнинг эътиборимиз ва марҳаматимиздан четда панада қолиб кетмайдими?

Кейинги ўн йиллар бизнинг халқимиз учун фожиавий давр бўлди. Республика устида, унинг партия ташкилоти тепасида ўзгача, айтиш мумкинки, асабий шухратпарастликка ўч, деҳқонларга умуман одамларга нисбатан алоҳида шафқатсизликка чалинган киши турарди. Деҳқон эса — халқимизнинг ўзаги. У жуда камсуқум, меҳнаткаш, ана шунақа бизнинг деҳқон бироқ унда тинимсиз ишлайдиган одамга хос итоаткорлик ҳеч тўлмайдиган сабр косаси, чексиз тоқат ҳам бор. Бу, айниқса, аёлларга кўпинча эрларига қарам бўлиб қолган муштипарларга хос, Еримизнинг бутунлигини асраб турган ана шу инсонлар республика тепасидаги каззоблар томонидан хўрланган, эзилган, ҳақоратланган эдилар. Уларнинг қўлида халқ истаган нарсасини ясаса бўладиган юмшоқ лойдай бўлиб қолганди.

Бизнинг жуда кўп офатларимиз турғунлик даврида монокультуранинг изчил ва қатъият билан жорий қилингани туфайли юз берди. Ўзингизга маълум, Маркснинг ибораси билан айтганда, ҳар қандай монокультура — табиат устидан зўравонликдир. У муқаррар одамларга қарши офатга ҳам айланди. Урта Осиёнинг энг гўзал жойларидан бирида — Фарғона водийсида пахта экилмаган лойшувоқ уйларнинг томларигина қолгандир. Ҳар бир парча ер ҳисобга олинган, уйнинг остонасидан пахта даласи бошланади. Алмашлаб экиш нормаларига риоя қилмаслик ғўзанинг касалланишига олиб келди, шунда заҳарли химикатларнинг энг даҳшатли турлари пахта далаларига, демак, атрофдаги уйларнинг томларига одамларнинг қариялар, аёллар, болаларнинг бош устига сепилди. Оммавий заҳарланишлар, кўплаб ичак касалликлари тажовузи юз берди, аммо врачларни бошқа диагноз қўйишга мажбур қилдилар. Вақт биздан қанчалар шафқатсиз инсон фожиаларини ошириб турибди! Билман, виждонга, бурчига қарши боролмаган врачлар бўлган — улар Москвага бориб, бўлаётган воқеалар ҳақида гапириб беришга уринишган. Улар қувғин қилинган, дўқпўписаларга дучор бўлган, баъзилари жиннихоналарга тушиб қолганлар. Қўрқув оғизларга қулф солган, қўрқув одамлар устидан ҳукм юргизган.

— Ижтимоий емирилишнинг ҳар қандай кўриниши биринчи навбатда аёлларда — унинг иқтисодий, маъна-

вий қиёфасида ва ниҳоят, соғлиғида акс этишини кўп бор кўрдик. Афсуски, буни биз кечикиб тушунаялмиз. Конституцияда қайд этилган тенглик бирданига аёллар муаммосини ҳал қилиб юборди, деган фикрдан воз кечиш қийин. Бироқ, аччиқ бўлса ҳам шундай қилишга тўғри келади. Ахир, Ўзбекистонда кечган воқеалар — бунинг исботи эмасми?

— Бизнинг асосий дардимиз, шўримиз шундаки, беш ёки олти (қўшиб ёзишлар билан) миллион тонна пахта-нинг ҳамма оғирлиги, монокультуранинг ҳамма шафқатсизлиги аёллар, қизлар, болаларнинг нозик елкаларига тушди.

Бир воқеани ҳали кўп йиллар унутолмасам керак. Бу уятли иш биз ёзувчиларнинг масъулиятимиз ҳақида ҳам гапиришга ундайди. Бир куни оқсоқол юбиляр — шоиримиз бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар Андижон областига жўнадик. Ўша пайтлар бунақа дабдабали «халқ ичига юриш»лар кўп бўлар эди. Менга ўхшаш тўрт-беш қорни тўқ, барваста лауреатлар, халқ ёзувчилари ва ҳоказо. Куз эди. Бизда куз ҳар хил келади — гоҳо декабрғача илиқ бўлади, ўша йили одатдагидан эрта совуқ ёмғирлар туша бошлаганди. Изғирин еларди. Бизку билардик, ўз кунимизни кўриб бордик — ёмғирпўшлар, соябонлар... Бизни бир колхозга олиб боришди, область ташкилотларидан бошлиқлар қўшилишди. Асосан аёллар, айтиш керак, гўзал аёллар — область касаба союзларининг раиси, идеология секретари. Умуман, ўттизга яқин казо-казолар. Бир шийпонга келдик. Тайёрланиб улгуришмагани кўриниб турибди, бир томонда ёмғир, намгарчилик. Шийпонда на стол, на курси бор унда-бунда кўрпача ташланган, Ёзувчилар учун ниҳоят излаб стол топишди. Утириб олдик. Қарайман: ана даладан олти-етти қиз чиқишди, — менга ишонармикин-сиз? — бу даҳшат! Пойафзалсиз, яланг оёқлар, эркакларникидай каттакон товонлар, қўллар-чи... Турган-битгани қадоқ. Йўқ, бу аёл қўллари эмас, эркалик, навозиш учун яратилган аёлнинг бармоқлари бунақа бўлмаслиги керак. Ахир, ўша қизлар бор-йўғи ўн олтига энди кираётган эдилар. Уларнинг иккитаси — туғма ногирон бўлиб, оғизлари қийшайган, кўзлари ғилай боқарди, захарли дорилар уларни шу куйга солганди (бугун захарли дориларнинг генотипга таъсири аниқланган). Шундай қилиб яна аллақадан 10 тача мактаб ўқувчисини ҳайдаб келишди, полга ўтирғизишди ва буюк ёзувчиларимиз-

нинг халқ билан учрашуви бошланди. Оқсоқолимиз гўё қаршисида Москва Давлат университетининг аудиториясида икки минг филолог талабалар тургандай ярим соатлик маърузасини хотиржам ўқиди. Унинг баландпарвоз нутқи яримлаганда, ногирон қизларнинг бири ноқулай қимирлаб қўйди, шекилли, йиғилиш раиси (дилбар, қатъиятли аёл областга ном таратган, баланд дивозимли хоним) ҳалиги қизга бир талай қарғиш, қичқириқлар ёғдирди... Биз бўлсак — ҳаёт кўрган, маънавий бойиган одамлар, — бошимизни қуйи солиб, жим ўтирдик. Тартибга чақирмадик босиб қўймадик. Шеърларимизни ўқиб, учрашувни тугатиб, ташландиқ боғнинг бир четидаги безатилган тўкиш дастурхонга қараб итоаткорона эргашдик. Қизлар далага қайтишди.

Нима учун биз уларга ҳеч бўлмаганда кирза этиклар беришни талаб қилмадик, нега жим турдик? Орадан йиллар ўтди, аммо мен ишонаманки, ҳеч биримизни ўша пайтдаги сукутимиз учун уят ҳисси тарк этган эмас...

Шундай бўлса ҳам шахсан мен учун айнан шу мавзу — аёлларимиз тақдири — энг ташвишли ва оғриқли мавзуга айланди. Рост гап, сиз ҳақсиз, аёл тақдирида бизнинг умумий офатларимиз кўзгудагидек акс этади. Узимда боридагидан яхшироқ кўринмоқчи эмасман, эҳтимол, аждодларимиздан мерос қолган аёлга нисбатан юзаки муносабат менга ҳам хосдир — нима қилай! Аммо Урта Осиё аёллари тақдирини, меҳнатини узоқ йиллар кузатишим мен учун изсиз кетмади.

Биласизми, мен қандайдир ғалати, икки ёқлама туйғу билан яшардим: Тошкент, Самарқанд, бошқа бир ҳар қандай катта шаҳар бўйлаб бораркансан ўзбек аёлларини кўриб, асрлар бўйи уларнинг ҳақиқий гўзаллар саналиб келганига ажабланмайсан. Бизнинг талаба қизларимизга, ёш аёлларимизга қаранг — яхши кийинган, жамалак сочлар... Ўзингиз биласиз, улар ўқишади, ишлашади, ўзларига мустақил, ақлли, муомали... Кейинги куни қишлоққа йўлинг тушади. Озиб-тўзиб кетган, қуёшда қорайган, қашшоқлик ва аёвсиз меҳнатдан ўттиз ёшида ҳам кампирдай кўринадиган қиз-жувонлар. Қўллари кир-чир — баъзилар ўйлаганидек, бу уларнинг фаросатсизлигидан эмас, чунки на ҳаммом, на тоза сув, на шароит бор. Тонгдан шомгача — кетмон. Сиз уни лоақал кўтариб кўрганмисиз? Қирқ беш ёшида аёл бу кетмонни кўтара олмай қолади, у ёғи нима бўларкин?

Тушликни кўлдан буён шийпонларда қилишади. Бо-

лаларга шу ернинг ўзида кампиршолар қарашади. Иф-лослик, чивинлар ёпишади, ювинишга жой йўқ, даладан чиқибоқ болаларни эмизишади. Ичак касалликлари — ана шундан, шу туфайли мамлакатда энг юқори болалар ўлими. Қишлоқдан шаҳарга қайтиб, тун бўйи ухлай олмайсан...

— Айтганча, авваллари аёлларга пахтада ишлаш ман қилинган эди ҳам.

— Келинг, озроқ тарихга ташлайлик. Менинг бувим (у мени онам билан бирга тарбиялаган, отамни 37- йилда қамашган эди) доимо, Ўрта Осиёга тинчлик руслар билан бирга келди,— дерди. Ҳа, шундай. Ушангача хонлар, беклар, майда тўралар ўзаро жангларда ер талашар оддий халқни эзар эдилар.

Бобомнинг ҳикояларидан бизга, қишлоғимизга пахта қандай келганини билдим. (Мен Чимкент областидан, қозоғистонлик ўзбекларданман). Урис савдогарлари келгунча деярли ҳеч ким пахта экмаган — буғдой, арпа, нўхат, тариқ экишган. Мева, сабзавотниқу қўяверинг, ўзи ўсиб ётган, йилига уч бор ҳосил кўтаришган. Аммо савдогарлар завод қуриб, пахта экишни ташвиқот қилганлар. Аввал қийин кўчган, кейин халқнинг ўзи қизиқиб қолган: ана, ким пахта экса, ўша бойиб боряпти. Ахир, ўша пайтдаги ўрис савдогари бир пуд пахта учун ўн саккиз пуд буғдой берарди. Оилани боқиш ва рўзғорга керакли нарсаларни сотиб олиш учун олти қоп пахта сотиш кифоя эди. Ҳа, пахта ростдан ҳам фаровонлик манбаи эди. Бугун эса бир килограмм пахта икки килограмм буғдойчалик ҳам баҳоланмайди. Дунё бозорида эса бир тонна пахтага 20 тонна буғдой тўлашмоқда-ку!

Ҳа, Сталин талаб қилган мамлакатнинг пахта мустақиллиги аллақачон бажарилган, аммо унинг ортида энг оғир ва айтайлик, энг арзон меҳнат эксплуатацияси турибди. Ахир, пахтанинг арзон баҳоланиши иш ҳақининг пастлигига олиб келади. Ҳозир у ойига 50—70 (гоҳида унинг ярми) сўмни ташкил этади. Бу маош билан эркак рўзғор тебрата оладими? Эркаклар бор-йўқ кучини, пухталиги, ишбилармонлигини ўртага солиб, қишлоқдан кетишга, аллақаерлардаги қурилишга, район марказларидаги қариндошларникига ўрнашиб олишга уринганлар. Қишлоқда энг чорасиз, муштипар одамлар, албатта, аёллар қолган. Улар пахта билан ёнма-ён қолганлар. Ғўзанинг ҳар тупини етти бор чопиқ қилиш керак, бир гектарда эса камида 100 минг тўп ғўза бор. Аёллар билан

Ёнма-ён қишлоқда калтабин, саводсиз, раислар, бошлиқлар, бригадирлар қолган, бу зотларни эса фақат «план» деган муқаддас сўзу ёғлироқ палов қизиқтирган, холос... Афсуски, булар ҳам халқимиз вакиллари.

Нозик, момиқ пахта кўсаги кўплаб аёлларимиз учун қурби етмас оғирликка, заҳмат манбаига айланди. Шунча йиллар ўтиб, биз эндигина пахтакор аёлнинг шафқатсизларча оғир меҳнати ҳақида очиқ гапиряпмиз, ёш-ёш аёллар уларга нисбатан бой-феодалларча муносабат учун, балким қашшоқлик ва ижтимоий адолатсизликдан озурда бўлиб, исённинг энг даҳшатли йўли — ўз-ўзини ёқиб юборишни танлаётганларини аниқ айтяпмиз. Ўзимизнинг «Адабиёт газета» мизда анча йиллар ишлаб, кўп бор шундай бир — гўёки ҳамма нарсани тушунтирадиган, аслида ҳамма нарсани яширадиган — қолипдаги иборага дуч келганман: «Сизга нима керак, ахир, буларнинг бари — ўтмиш сарқитлари...»

— Бундай қараш ҳозир ҳам кенг тарқалган. Тўғриси, ҳали яна қанча фожиалар дунё назаридан панада девор ортида юз бераркан, яна қанча аёллар ўша феодал хулқни эрнинг жабрларини чекиб қулдай яшашаркин? Вақти келгунча...

— Ҳа, шафқатсиз, ёввойи одатлар ҳам бор, шунақа. Келинг, у ҳолда масалага бошқача ёндошиб кўрайлик: агар аёл болалигидан қулларникидай оғир меҳнат билан эзилган, қашшоқликда хўрланган бўлмаса, юксак маданият ва ижтимоий адолат кўриб яшаса, у шу қулликка (ҳатто вақтинча) тоқат қилармиди? Хўш, нима учун у ўша адолатга мурожаат қилмайди, нега оиладан ташқарида ёрдам бўлишидан умид қилмайди, бунга 70 йилдан буён ўрганмади? Биз яна жавобни бой-феодаляларча ўтмишдан излаб, ўзимизга таскин бериб ўтираверамизми?

Ўтган йили ўзини ёқишлар сони энг авжига чиқди — 270 аёл ўзини ёқди. У юқумли касалликдай йилдан-йилга ўсмоқда. Йўқ, шаҳарларда, бироз топиши дуруст сабзавотчилик колхозларида эмас, подшо ҳам, худо ҳам — пахта бўлган қолоқ қишлоқларда кўпаймоқда бу офат. Нима бу — тасодифми? Шаҳидлар ўзларидан сўнг на қоғоз, на васиятнома қолдирадилар — бир сиқим кул, куйган-қорайган тана қолади улардан... Аммо, биз тушунишимиз керак-ку.

Мана, ҳали ёшгина қизалоқнинг тақдири: етти синфни тугатгач, муҳтожлик уни мактабни ташлашга мажбур

қилади, қизча далага — Пахта Ҳазратларига боради. У ишлаётган бригаданинг қишлоқдан анча километр узоқда ҳам 50—60 гектар ери бор эди. У ёққа навбат-навбати билан боришарди. Бу қизча жуда ишчан, итоаткор, мўмин-қобил эди, дейишади. У ҳеч қачон юмушдан бош тортмаган, бундан устамонлик билан фойдаланган бригадир уни навбатга қарамай ўша узоқ ерга жўнатаверган. Аммо бир куни қизчанинг жонига тегади, боришдан бош тартади. Жуда бешафқат бўлган бригадир қизларни унга қарши гиж-гижлайди, ишга чиқишга қўймайди. Қизча бўлса, оила боқиши керак... Яна уни ватанпарварлик, бурч, қочоқлик ҳақидаги иборалар билан қўрқита бошлаганлар.

Қизча ўлимни афзал кўрган...

Йўқ, менинг ишончим комил — бу даҳшатли фожиаларнинг илдизи аёл меҳнатининг даҳшатли эксплуатациясида, ижтимоий адолатсизликда. Ахир, нима бўлаяпти? Фожа юз берди, демак, кимдир жавоб бериши лозим, кимнидир жазолаш керак, шундайми? Агар гап бой-феодаллик сарқитларида бўлса, табиийки эр жавобгар. Уни бир неча йилга озодликдан маҳрум қиламиз, гўё шу билан иш битди. Мен эса бошқа бир воқеани ҳам яхши эслайман. Икки боласи бор аёл ўзинга керосин қуйиб, ёқиб юборади. Эр чопиб келганда у ҳали тирик эди. Ўзини унутиб қўйган эр аёлга ташланиб, уни қутқаришга уринади... Аёл касалхонада жон берди. Эр ҳам куйиб-адо бўлган, унга қарашга юрак ботинмасди, қўрқинчли эди. Ҳа, эҳтимол, унинг ҳам айби бордир. Аёлнинг ҳаётини енгиллаштиролмагани учун, машаққатли меҳнатдан озод қилолмагани учун «гуноҳкор»дир. Аммо... Яна суд ҳукми. Ахир, болалар қолди. Яшашнинг қийинлиги учун у айбдорми? Ушанда биз суд ҳукмини қайта кўриб чиқишга эришолмадик. Кўпинча «бой-феодаллик сарқитлари» деган сийқаси чиққан формула фожиаларнинг ҳақиқий илдизини кўздан яшириб келади. Албатта, ҳар бир шундай фожа нафақат жинойи, балким жуда жиддий, жуда чуқур социологик тадқиқ ва таҳлил қилиниши керак. Шунингдек, биз фожианинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий сабабларини ҳам ўрганишимиз даркор. Акс ҳолда, «чора кўрилди», деган ибора сийқа сўз сифатида қолаверади.

— Ҳозир ўзбек аёлларининг соғлиғи муаммоси жуда кўндаланг турибди. Камқонлик, организмнинг силласи қуриши, камқувватлилик, турли генетик хасталик-

лар. Менга жуда кўпчилик медиклар айтишдики, буларнинг сабаби — кўп туғиш, гоҳо ҳар йили бола кўриш экан.

Бу фикрда асос бўлса керак.

Бошқа томондан, кейинги вақтлар ҳали у ёндан-ҳали бу ёндан Ўрта Осиё республикаларида туғилиш хавф соладиган даражада кўпайиб кетаётганидан шовқин солиб зорланиш эшитилиб қолмоқда. Шундан сўнг республикада туғмасликка мажбур қилишаётир, деган гаплар пайдо бўлди. Ҳозир аниқландики, бу кўп туғишнинг олдини олувчи, аслида керак воситаларнинг нўноқларча ташвиқ этилганидан экан. Шундай бўлса-да, биз кўпбалалик муаммоларини ҳам ижтимоий муаммолардан айриб қарамаслигимиз лозим!

— Мен медик эмасман, кўп туғишнинг аёл организмига қандай таъсир қилиши ҳақида, табиийки, бирор нарса деёлмайман. Эҳтимол, кўп туғиш унчалик фойдалимасдир. Аммо бир нарсани билиш учун медицина институтини битириш шарт эмас: эл фаровон, ҳамма нарса етарли бўлса, кўп туғишнинг оқибати бошқа бўлади, машаққатли меҳнат, тўйиб емаслик, оддий турмуш шароитлари ва медицина хизмати хароб бўлганда бошқача бўлади, бу аниқ.

— Айтганча, республика Соғлиқни сақлаш министрлигида шуни ҳам гапириб беришдики, Ўзбекистон медицина ходимлари етишмаслиги юмшоқ қилиб айтганда, ғалати режалаштириш сиёсати туфайли ҳам юз бераётган экан. Бутун иттифоқимиз бўйича врачлар штати тақсимлангани ҳар 10 минг аҳолига нисбатан олиниб, Ўрта Осиё республикалари учун ҳам Болтиқбўйи учун ҳам бир хил экан. Ҳолбуки, дейлик, Эстонияда туғилиш ҳар 1000 кишига 15,6 тадан, Ўзбекистонда — 37,8 тадан туғри келади. Фарқ бор-ку. Врачлар штатини ҳам, айттайлик, ҳар 1000 туғилишга нисбатан олиш мантиқлироқ эмасми...

— Афсус, план ва мантиқ ҳар доим туғри келмаяпти. Лекин мен туғилишнинг «хавф соладиган даражада» кўпайгани масаласига қайтмоқчиман. Кўп балаликнинг сабабларидан бири, менимча, айнан шу қолақлик, қишлоқларимиздаги турмуш даражасининг пастлигидир. Яна шуни биламанки, сизга қанчалик ғайри-табиий туюлмасин, кўпчилик аёллар учун туғиш — пахтадан вақтинча қутилишнинг ягона йўли бўлиб қолмоқда...

— Эҳтимол миллатлараро муносабатларнинг гоҳо



хавотирли қиёфада аён бўлаётган жуда кўп оғриқли муаммолари қўшни республикалар муаммоларини тушунмаслик оқибатида юз бермоқда.

— Афсуски, узоқ йиллар Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлар дейлик, Россияда республиканинг собиқ раҳбарлари хоҳлагандай бўлиб келди. Гап фақат қўшиб ёзишларда эмас — бу кенг кўламли кўзбўямачилик эди. Рашидов даврида ҳар бир областда 2—3 боши силанган колхоз ва совхозлар бўларди. Уларда шинам уйлар ҳам қурилган, яхши турмуш шароитлари йўлга қўйилган. Кейин бизда кўпчилик қатнашадиган серҳашам тadbирлар кўп ўтказиларди: кетма-кет химиклар, физиклар, адабиётчиларнинг анжуманлари, мусиқа ҳафталиклари — энди ҳаммасини эслаб бўлармиди?! Аммо ҳамма программаларнинг бош воқеаси, албатта, қишлоқларга ташриф буюриш эди. Ҳа, ўша шинам қишлоқларга-да. Бунинг устига ҳамма нарса етарли, ўша пайтларга хос, ичимлик тўла тўкин дастурхонлар... Йўл бўйлаб «Чайка» «Волга»лар ғизиллаб юрар, меҳмонлар «бой таассуротлар» йиғар, ҳеч ким мезбонлар кўрсатган ҳашаматли йўлдан четга чиқиб, оддий одамлар қайноқ қуёш остида жизганак бўлиб куюётган ерларга боришни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Меҳмонлар, ўйлайманки, ҳавас, бироз ҳасад билан кетишарди — маза қилиб яшашар экан-а! Афсонани йўққа чиқариш унга ишонтиришдан кўра қийинроқдир.

...Еримиз ҳам хўжасиз, оч-кўзларча муносабатдан адо бўлди. Унинг энг омадли йилларда аёллар, кексалар, ўқувчилар, шаҳарликларнинг ҳам оғир меҳнати туфайли, заҳарли дорилар ишлатилганда ҳам беш миллион тонна пахта берилмагани аён бўлди-ку, энди яна бу йилги план — 5 миллион 230 минг тонна қаёқдан бўлади?

Ҳа, пахтачилик ҳали қолоқ усуллар билан олиб борилмоқда, техникадан фойдаланиш йўқ ҳисоби 30 фоиз ерни йўнғичқа экишга қолдириш — зарур шартлардан бири ҳисобланмоқда. Демак, пахта экишни қисқартириш керак, лекин план яна талаб қилиб турган бўлса, қандай қисқартириш мумкин... Мана, мен яна республика Марказий Комитетининг пахтачиликка бағишланган пленумида баъзи раисларнинг гапини эшитиб, қулоқларимга ишонмадим: заҳарли химикат — бутифосни қайтаришни, яна қўллашни сўрашяпти улар. Ҳа, ўша жамоатчилик фикри таъсирида ман қилинган заҳарни! Бу номардлар-

га аёллар, болалар нима деган гап — план бўлсин, орден бўлсин, палов бўлсин! Нима, ҳаммаси яна такрорланадими? Бунга йўл қўйиб берамизми?

Келинлар, биргалашиб ўйлайлик, ҳисоб-китоб қилайлик. Келинлар, энди Брежневнинг: «Оқ олтинни олтин қўллар яратади», деган сўзларини ҳуда-беҳуда такрорлашни бас қилайлик. Наҳотки, бу қўлларни одамнинг қўли қиёфасига келтириш фурсати етди. Майли бу олтин қўллар бўлмасин, оддий аёл қўллари бўлсин. Бизнинг меҳнаткаш, камтар, шафқатга лаббай, деб жавоб берадиган халқимиз ҳеч кимдан қарздор бўлиб қолмайди.

## УМИДЛИ ДУНЕ

Қайта қуриш-ку, ҳамма жойда ҳам зарур, аммо Ўзбекистонда ҳаммадан ҳам зарурроққа ўхшайди. Республикадаги салбий ҳодисалар матбуот саҳифаларида қайта-қайта ёритилади ва ёритилмоқда, шу боис газетхонлар бизда турғунлик йиллари нималар юз берганини яхши билишади, деб ўйлайман. Аммо, қанчалик алам қилса ҳам, иқдор бўлиб шуни айтишим керакки, бизнинг республикамизда қайта қуриш жараёни жуда катта қийинчилик билан ўтаётир ва балки ҳеч қаерда қийинчилик бу қадарли эмасдир. Бунга сабаб Ўзбекистонда қайта қуриш муҳолифлари кўплиги эмас, балки турғунлик даврининг салбий оқибатлари чуқур илдиз отиб кетганлигидир.

Мен Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатларининг эҳтиросли, қизгин ва пок нутқларини тинглаганимда, биз ҳам эндиликда ҳақиқатан йироқ бемаъни сафсаталардан қутулиб, қўрқмасдан, соддагина гапиришни ўрганаётганимизни ғурур билан кўнгилдан ўтказдим. Жойлардан келган вакилларнинг ҳар бири ўз юртиларида қайта қуришнинг бориши тўғрисида гапириш билангина kifояланмай, Бош секретарнинг докладига ўз шахсий муносабатларини ҳам билдиришди, айтиш чоқда йиллар бўйи йиғилиб қолган дардлар, республика ёки регионга оид катта-катта масалалар, халқнинг орзу-армонлари тўғрисида ҳам дадил ва очиқ сўзлашди.

Конференцияда менга нутқ сўзлаш насиб бўлмади, аммо менинг ҳам кўнглимда дардлар йиғилиб қолган эди. Шуни олдиндан айтиб қўйишим керакки, мен ўз юртига кўр-кўрона севгиси жўш уриб турганда норози-

ўлик билдирувчи, матбуот орқали фош қилувчи мақола-лар билан ҳамма нарсани инкор этувчи кишилар тоифа-сидан эмасман. Мен шунчаки турғунлик йиллари ҳамма-дан кўпроқ қийналган қишлоқларимиз меҳнаткашлари ҳақида гапириб бергим келаяпти.

Биз жуда узоқ пайтгача совет халқидан уйнмиздаги ҳақиқий аҳволни яшириб келдик, пахтакорларнинг ту-риш-турмуши, оғир ҳаёти тўғрисида сир сақладик, ҳол-буки, у ялписига бутун ўлкани эгаллаб олган ягона ўсимлик — пахта туфайли бўлари бўлган эди!

Пахта нималигини тасаввур қилишинглар учун сиз-ларга халқимизнинг бир латифасини айтиб берайин... Қиёматда оллоҳ қозоқ чўпонини жаннатга йўллабди. Суюниб кетган чўпон жаннат қопқасига қараб йўл олиб-ди. Қараса жаннатдаги бир жўяк ёқасида аллақандай бир одам ишлаётган эмиш. Чўпон орқасига қарамай қо-чибди. Фаришталар уни тўхтатиб: «Вой тентаг-ей, нега жаннатдан қочасан? У ерда сени қанча-қанча ҳузур-ҳа-ловат, гўзалликда тенги йўқ ҳурлар, парилар кутиб ту-ришибди-ю, сен бўлсанг...» дейишибди. Чўпон эса: «Мен-га пари-марининг кераги йўқ, у ерда ўзбекни кўрдим, у менга мақта (пахта) эктиради!» дебди. Мазмунан нохуш бу латифадан пахта нақадар инжиқ экини эканлиги, у қандай оғир меҳнат талаб қилиши кўриниб турибди.

Бизнинг томонлар табиатан ер юзининг энг бой ўл-каси эканлиги маълум. Айниқса серҳосил тупроғи олам-га донг таратган, ота-боболаримиз йилига уч мартагача ҳосил олганлар. Агар илмга суяниб тўғри фойдалансак, бу ердан ҳозиргига қараганда кўпроқ дон, мева-чева, сабзавот ва мамлакатга керакли даражада пахта ҳосили олиш мумкин.

Ақл билан, илмий равишда ёндашилса, табиат ҳам, бой-маъмур воҳаларимиз ҳам аждодлардан қандай ол-ган бўлсак авлодларга шундай сақланиб қолади. Аммо ерни, табиатни аямай, зўр бериб ишлатиш, ҳамма жойда шафқатсизлик билан биргина экинни жорий қилиш, «бундан кейин бўлгани бўлар» каби ўткинчи шиор ости-да мансабпарастлик билан иш кўриш оқибатида тупроқ кучсизланди, ундаги барча жон-жондорлар қирилиб кет-ди, вилт касали ва пахтани еб битирувчи зарарли ҳаша-рот тарқалди.

Бизда заҳарли ўғитларнинг энг машъум турлари иш-латилди. Бу заҳарли «дори»лар фақат пахтага эмас, «оқ олтин» деб аталувчи бойликни минг заҳмат билан, терга

ботиб ўстирган пахтакорнинг ўзига ҳам сепилди. Оммавий заҳарланиш, одамлар ҳалокати ҳам рўй берди. Сариқ касал, ошқозон-ичак касалликлари ёнғиндай ҳамма ёқни тутган, ўлимлар миқдори ошиб кетган, айниқса, болалар қирилган пайтлар ҳам бўлди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган касалликларнинг кўпайиши заҳарли кимёвий ўнитлар қўлланишига боғлиқ эканлигини эътироф этган айрим виждонли олимлар ва ҳакимлар оғир кулфатларга балогардон бўлдилар, уларни жиннихонага тикилган пайтлар ҳам бўлди. Ҳолбуки, сабзавот ва мева етиштириладиган тупроқ ҳам заҳарли ўнитлар миқдори ижозат этилган даражадан 40—50 баробар юқори эканлиги кўпчиликка маълум эди. Бу ваҳшийликларни яшириш мақсадида, бизга уят бўлса ҳам айтишим керак, ёзувчиларнинг китоблари ва оммавий ахборот воситалари ёрдами билан Ўзбекистон пахтакорларининг порлоқ ҳаёти ҳақида ҳаққоний ҳаётга алоқаси бўлмаган афсона яратилди.

Ҳаётда эса бу афсонага ҳаммани ишонтириш учун хўжақўрсинга ҳар областда бир-икки ёки уч-тўрт қишлоқ бунёд этиларди. Бу қишлоқларга чет элликлардан ташқари, турли халқаро ва Бутуниттифоқ симпозиумлари, адабиёт, мусиқа ё спортга оид ё бошқа бир нарсага оид байрамларнинг минглаб, ўн минглаб аъзолари олиб бориларди. Рашидов бошқарадиган бу томошалар туфайли пахтакорнинг бахтли, ҳузур-ҳаловатли ҳаёти ҳақидаги афсона ростга ўхшаб кетарди. Ўзбекистондан олисда яшовчи кишиларнинг кўпчилиги ҳали-ҳанузгача бу афсонага ишонадилар.

Мана энди биз асосий масалага келдик: юртимизга пахта керакми, йўқми? Айрим олиму ёзувчилар хом ашёнинг харид баҳоси ҳисобига асосланиб, пахтанинг умумий даромади тўғрисида ҳукм чиқарадилар ва пахта давлатга қимматга тушаётир, деб жар соладилар, уларнинг фикрича, Ўзбекистон ҳозир бутун мамлакат ҳисобида яшаётган эмиш. Мен бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда маҳаллий регионда рақамлардан бундай енгилтаклик билан, бир ёқлама фойдаланишни ахлоқсизлик деб баҳолайман.

Лекин модомики, матбуот саҳифаларида бундай мазмундаги мулоҳазалар кўпайиб бораётган экан, табиийки, шундай савол туғилади. Қелинг, пахтани сабзавот, дон ва мева билан алмашиб қўя қолайлик? Агар шундай қилсак, ишонаверинг, Ўзбекистон бир-икки йил ичида бутун мамлакатни мисли кўрилмаган ширин ва хушбўй

қовун-тарвузлару энг аъло навли мева-чевалар, сабзавот билан тўлдириб ташлайди. Госплан билан агропром эса бунга қатъиян қарши. Пахта нақадар катта даромад келтиришини улар яхшироқ билсалар керак-да, ахир! Бу ерда гап савдонинг охирги босқичи устида бораётгани аён. Шундай экан, ҳозирги ошкоралик ва демократия даврида деҳқонларнинг меҳнати ва шаънини пастга уриб, енгил-елпи уйдирма мақолалар ёзилишига сабабчи бўлиб, ҳақиқий даромадни етти сандиқ ичига яширишининг нима кераги бор?!

Тонг отгандан қора шомгача бутун кун бўйи жазирама қуёшда ишлаб, пахтакор деганимиз ойига 60—70 сўмдан ортиқ маош олмайди-ку, ахир, кўпчилик колхозларда бундан ҳам озроқ. Қадим-қадимдан ерга меҳр билан донг таратган эркак деҳқон бугунга келиб ердан узоқлашишга мажбур. Оғир жисмоний меҳнатнинг каттагина қисми аёллар ва болалар зиммасига тушмоқда. Оғир меҳнат аёлни аёллик моҳиятидан, болани болалик қувончидан маҳрум қилаётир. Шунинг учун ҳам бизда ҳамма виждонли кишиларни: қатъий чоралар кўрилмаса еримиз нима бўлади? Офтобда қоврилиб кетган, 30 ёшида 60 яшар тусини олган бу аёлларимиз яна қанчага чидаб беришаркин?— каби таҳликали муаммолар қийнамоқда. Аёлларимиз меҳнат машаққатидан «қутулиш» учун кўп туғишга интиладилар, уларнинг эса ҳаммаси ҳам рози бўлавермайди.

Қайтариб айтаман, еримиз ҳосилдорлигига кўра энг бой ерлардан ҳисобланади ва у фақат биз, ўзбекларники эмас, бутун совет халқникидир. Энди мана шу ер хавф остида турибди, чунки унинг нормал ишлаши учун мўлжалланган алмашлаб экиш режаси қоғозда қолиб кетмоқда. Деҳқончиликда ёлғиз экин, фақат пахта экавериш одамларни ҳам хавф остида қолдирди: деҳқон ўз томорқасида сигир у ёқда турсин қўй ҳам боқолмай қолди; кўпгина оилаларда ҳафтасига бир килограмм гўшт ейиш имкони ҳам йўқ.

Янги раҳбарлар шарафига шуни айтишим керакки, улар аҳволни яхшилаш бошланди. Аммо йилларча, ўн йилларча муддатда юзага келган аҳволни тузатишнинг ўзи бўлмайди. Секин иш олиб боришдан ҳам фойда оз. Шунинг учун мен: бизга энг юксак мартабали иқтисодий комиссия юбориш лозим деб қатъий ишонаман. Комиссия аъзолари хўжакўрсинга бунёд этилган қишлоқлар орқасидаги қашшоқ, санитарияга тўғри келмайдиган иф-

лос шароитларда, бу ёруғ дунёда газ, сув крани ва бошқа ҳаловат манбаълари борлигидан беҳабар ночор кулбаларда яшаётган пахтакорлар билан танишсалар, ишонаманки, улар ҳам бир килограмм пахтага ўртача 60 тининдан ҳақ бериш билан пахтакор ҳаётини сира ўнглаб бўлмайди деган ягона хулосага келган бўлардилар. Агар муаммони орқага ташласак, бу — келгусида ердан ҳам, пахтакордан ҳам ажралиш йўлидан бораётганимизни билдиради!

...Бу мақолани ёзиб бўлгач, уни бир эски танишим — республика Госпланининг экономика институти директори, иқтисод фанлари доктори С. Усмоновга кўрсатишга қарор қилдим. У диққат билан ўқиб чиқди ва бир муҳлат жим қолди.

— Жуда маънос чикибди. Ижобий силжишларни ҳам айтсанг бўлармиди, масалан, мамлакатимиз Сиёсий Бюроси ва давлатимиз пахта планини ярим миллонга пасайтирди-ку!

— Шу ҳаётимизга сезиларли таъсир кўрсатади, деб ўйлайсанми?

— Бўлмасам-чи! — деди у ҳаяжонланиб. — 300 минг гектар ер бошқа экинлар учун пахтадан бўшатилади. Қовун-тарвуз сингари экинлар экилади, алмашлаб экишга йўл очилади. Сен яна оилавий пудрат ва унинг айрим хайрли томонлари, — агар у яхши йўлга қўйилса, — келтирадиган фойдаси тўғрисида ҳикоя қилишинг керак.

Оилавий ва бригада пудрати — бу олимнинг бутун фикри-зикрини олганини, бу борада ўнлаб мақолалар ёзганини билардим. Ҳозир ҳам у ҳаяжон билан қизишиб шу гапни қўзғади, оилавий пудратда ишлаб тузуккина натижаларга эришган ўнлаб номларни санади, айниқса, Хоразм областидан кўп мисоллар келтирди.

— Бу нарса ота-оналар кўп ишларни болаларга юклаб қўйишига, шу туфайли ўқишдан орқада қолишига сабабчи бўлмайдимми?

— Шубҳасиз, шундай хавф ҳам бор, — деб фикримга қўшилди олим. — Менимча, бу борада Болтиқбўйи республикаларининг тажрибаси бизга қўл келади. Улар масалани бундай ҳал қилишди. Пудратда ишловчи оилалар ўз болаларининг давомати ва фанларни ўзлаштириши тўғрисида мактабдан справка келтиришлари керак, шундагина улар доим қўллаб-қувватланади.

Кейин олим дўстим район марказларидаги ўнлаб корхона қурилишлари тўғрисида, минглаб йигит ва қиз-

ларни ишчилик ихтисосини пухта эгаллаб келиш учун мамлакатнинг sanoat марказларига йўллаб туриш зарурлиги ҳақида иштиёқ билан гапирди.

Ҳа, булар бугунги куннинг бор гаплари ва бу ҳамма-мизни умидлантиради ҳамда қувонтиради. Биз Ўзбекистонда қайта қуриш галаба қилишига, социал адолат галаба қилишига — партиямиз нимани деб курашаётган бўлса, ўша ғолиб чиқишига ишонамиз. Биз конференция руҳидан қаноатланганмиз ва турғунлик даврида пайдо бўлган салбий ҳодисаларнинг ҳаммаси барҳам топади, деб ишонамиз.

## САБОҚЛАРДАН САБОҚ ЧИҚАРДИКМИ?

Ҳар сафар турмушда йўл қўйган хатоларим ҳақида ўйлаганимда машҳур рус ёзувчиси Константин Симоновнинг ибратли бир гапини эслайман.

«Мен ҳаётимда озмунча хатоларга йўл қўймадим,— деб ёзган эди, Константин Михайлович, ўз ижоди ҳақидаги бир мақоласида.— Гоҳи бу хатоларимни ўйлаб, изтиробга тушаман. Лекин менга бир нарса тасалли берадики, мен бу хатоларимни тезроқ тузатишга, энг муҳими — улардан ўзим учун жиддий сабоқ чиқаришга уринаман. Аминман: гап хато қилмасликда эмас (хато қилмайдиган инсон бўлмайди, ҳар қалай, мен бундай бенуқсон одамни кўрмаганман), балки бу хатони вақтида англаб, ундан жиддий сабоқ чиқара олишдадир».

Ҳақиқатан, мен машҳур рус ёзувчиси Константин Симоновнинг бу сўзларини кўп эслайман. (Симонов фақат улкан адибгина эмас, улкан шахс ҳам эди ва мен бу пок, раҳмдил, одамшаванда инсон билан бир неча бор мулоқотда бўлганимдан ифтихор қиламан).

Ҳеч кимга сир эмас: сўнгги ўп-ўн беш йил давомида республикамизда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Кўзбўямачилик, порахўрлик, мансабпарастлик каби иллатлар, айниқса қишлоқ хўжалик соҳасида, анча чуқур илдиз отган эди. Бу эса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумларида эътироф этилганидек, фақат хўжалик соҳасигагина эмас, ҳатто ижтимоий-маънавий ҳаётимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бу нуқсон ҳатто адабиёт ва санъат соҳасига ҳам кириб борган. Бир маҳаллар адиблар ва киносилар тилига тушган ўнлаб «қаҳрамонлар», кейинчалик сохта қаҳра-

монлар бўлиб чиқди. Бу нарса биз учун катта сабоқ бўлди. Биз адиблар, ҳар қалай, нуқсонларга йўл қўйган ёзувчи ва санъаткорлар, ўз хатоларимизни хаспўшлаб ўтишга уринмадик, матбуотда, партия мажлисларимизда бу нуқсонларимизни очиқ-ойдин тан олдик. Бу деган сўз, адабиётимиз ўша даврда ҳақиқатдан батамом йироқлашиб кетган, деган сўз эмас, албатта. Бахтимизга ўша оғир йилларда ҳам салбий ҳодисаларни дадил фош этган, ҳақиқат ва адолат учун курашиб ҳалол асарлар яратган, мардона гапирган ёзувчиларимиз ҳам бўлган. Бу тўғрида ўз съездимизда ҳам, СССР Ёзувчилар союзининг VIII съездида ҳам баралла айтиладики, мен бугун бу масалага қайтиб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Зотан, мен ҳозир ўтмишда йўл қўйилган хатолар ҳақида эмас, балки бу хатолардан чиқарган (ё чиқармаган) сабоқларимиз тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман, холос.

Яқинда «Известия» газетасида республикамиз ҳаётига доир бир мақола ўқидим. Мақола муаллифи бир маҳаллар қишлоқ хўжалигимизда авж олган кўзбўямачилик иллатига қарши олиб борилаётган кураш ҳақида ҳикоя қилади. Бу кураш ижобий натижалар бераётганини эътироф этади, айни замонда, бу нуқсонларга батамом барҳам берилмаганини афсус билан қайд қилиб, бир нечта мисоллар келтиради. Маълум бўлишича, баъзи жойларда, жумладан Андижон, Жиззах, Хоразм области ва Қорақалпоғистон Автоном республикасининг айрим районларида пахта экилган майдонларни яшириш ҳоллари ҳамон давом этаётган экан. Адиб буни фактлар асосида исботлаб беради. Масаланинг ҳайратга тушадиган томони шундаки, пахта майдонларини яшириб келган бу раҳбарлар кўзбўямачиликда пихини ёрган собиқ «хўжайинлар» эмас, балки улар ишдан олиниб, жазога тортилганидан кейин келган янги раҳбарлар экан!..

Бенхтиёр таажжубдан ёқангни ушлайсан киши! Хўп, собиқ раислар ва район катталари эски валюнтаристик раҳбарлик услуби туфайли бу қинғир ишларни қилишга мажбур бўлишган, деб фараз қилайлик! Янги раҳбарларни бу ноҳалол ишга ким ва нима мажбур қилипти экан? Ким уларни «йўлдан уряпти?» экан? Ахир наҳот эски раҳбарларнинг аччиқ тажрибаси, айрим ҳолларда эса партия сафидан ўчиб, қаттиқ жазо олганлари, ҳатто ҳаётлари фожеа билан тугаганлари булар учун ҳеч бир сабоқ бўлмаган бўлса? Наҳот кечалари уйғониб



кетиб: «Менга нима бўлди? Партия ва ҳукумат кўзбўямачилик ва порахўрликни шафқатсиз қоралаётган бир пайтда, мен нима қиляпман ўзи? Менинг бу ишларим, мавжуд пахта майдонларининг кўламини камайтириб, давлатни алдашларини ҳеч ким кечирмайди-ку! Менинг тақдирим ҳам халқни ўн йиллар давомида алдаб келган лўттибозлар тақдиридай аянчли тугаши мумкин-ку», деган бесаранжом ўй, оддий инсоний бир ташвиш наҳот бу одамларнинг хаёлига кириб чиқмаса? Ёки улар: «Плани бажарсам бас, бошқа ҳамма гуноҳларим кечириб юборилади», дегақ, нотўғрилиги аллақачон исботланган сохта тушунчалар гирдобидан ҳануз қутула олмадимиканлар? Лекин бундай десак, ҳаёт бу ибтидоий тушунчага шафқатсиз зарба берди-ку! Бугун ҳукумат ҳеч бир раҳбардан «Плани қинғир йўллар билан бажарасан!» деб талаб қилаётгани йўқ-ку!

Албатта, эндиликда: «Плани истаган йўл билан бажарасан, бўлмаса мансабингдан ажраласан!», деб талаб қилаётган юқори ташкилот раҳбарлари йўқ, уларнинг ижтимоий илдизлари аллақачон таг томири билан қўпориб ташланган», десам, ўзимни ҳам, бошқаларни чалғитган бўлардим. Афсус-надоматлар бўлсинки, бундай «раҳбарлар», тилда кўзбўямачиликка қарши оғиз кўпиртириб гапирадиган, амалда эса бунинг аксини қиладиган «хўжайин»лар ҳануз бор. Лекин бор бўлган тақдирда ҳам, нега улар «Плани бир амаллаб бажарсам бас, у ёғи ошиғим олчи», деган кечаги катталарнинг аянчли тақдирини «унутиб», яна уларнинг изидан боришмоқда?

Уйлайманки, бу ишларнинг бош сабаби биз ҳаётнинг бу аччиқ сабоқларидан ўзларимиз учун ҳалиям жиддий сабоқ чиқара олганимиз йўқ... Акс ҳолда... ахир наҳот бу одамлар пахта майдонларини давлатдан яшириш жуда ёмон оқибатларга олиб келишини билмасалар? Аввалам бор, планга кирмаган бу ортиқча пахтазорлар деҳқоннинг зиммасига ортиқча юк, унинг бусиз ҳам оғир меҳнатини беш бадтар оғирлаштиради, деган сўз. Қолаверса, хўжаликни алмашлаб экишдан маҳрум қилади, бу эса ерни ишдан чиқаради, далаларда касаллик кўпаяди, чорвани бўлса ем-хашакдан маҳрум қилади. Ниҳоят, фарзандларимизни ўқишдан қолдириб, уларни уч-тўрт ойлаб далада ишлашга мажбур қилиб келган сабаблардан биттаси ҳам шу — давлатдан яшириб «ишлатилган» ортиқча ерлар!..

Дарвоқе, болалар меҳнати масаласи... Яширишнинг ҳожати йўқ: бу муаммо ўн йиллар давомида бутун жамоатчиликни ҳаяжонга солиб келяпти. Мен бу ҳақда ўйлаганимда аввалам бор ўзимдан, қолаверса қаламкаш дўстларимдан ранжийман. Биз бу муаммони кўра била туриб, болаларимиз ўқишдан қолиб, мактаблардан чаласавод бўлиб чиқаётганларининг гувоҳи бўла туриб, лом-мим демадик, оғзимизга талқон солиб ўтиравердик. Биз қиладиган бу ишни Москва матбуоти, рус ёзувчилари қилди, улар бу тўғрида жонкуярлик билан ачиниб гапиришди. Сўнгги ўн йил давомида «Правда», «Известия», «Литературная газета», «Комсомольская правда» ва «Учительская газета» бу ҳақда ўнлаб мақолалар эълон қилди, биз эса, ўзимизни билиб билмасликка олиб юравердик.

Бу муаммонинг нақадар лишиб етганини, ёшу қари ҳамма баб-баробар ташвишга солиб келаётганини мен яқинда, Ўзбекистон Компартияси Марказий бюросида худди шу масала кўриб чиқилганда англадим. Бюро бу масалага принципал баҳо берди, жойларда болалар меҳнати суниестемол қилинаётганини эътироф этиб, бу хатога чек қўйишни талаб қилди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Марказий Комитетимиз бюросининг бу қарорини бутун халқ катта қувонч ва умид билан қарши олди.

Тўғри, жойларда партия ва давлат қарорларига беписанд қарайдиган одамлар ҳам йўқ эмас. Шу маънода бу қарорни ўқиб: «Ҳа, энди, қарор деган чиқаверади-да, биз эса ўз билганимизни қилаверамиз-да, деб мийиғида кулиб қўйган хўжалик раҳбарлари ҳам йўқ эмасдир, балки. Хўп, узоқни ўйламайдиган, ўз лавозими турганда ҳатто фарзандларимизнинг ўқиши ва соғлиғига ҳам беписанд қарайдиган колхоз раислари, совхоз директорлари ва ҳатто айрим район раҳбарлари волонтаризм авж олган ўтмиш даврда болалар меҳнатини суниестемол қилиб келган экан, бу масалада улар ҳатто марказий матбуот ва таниқли рус журналистлари ва ёзувчиларининг жиддий танқидий мулоҳазаларига ҳам беписанд қараган экан, лекин фарзандларимиз ўқиши ва уларнинг соғлиғига жавобгар бўлган маориф ташкилотлари-чи? Мактаб, РайОНО, ОблОНО раҳбарлари-чи? Улар қаёққа қараганлар? Биламан: мен бу ерда ҳақиқатдан «жиндеккина» чекиняпман, ҳамма балони билиб туриб ўзимни билмасликка оляпман! Албатта,

улар бу ишда ҳаммани ёт деса ётқизиб, тур деса, тур-гизиб келган катта хўжалик раҳбарлари ва район бошлиқларига эътироз билдиришга ожизлик қилганлар. Чунки бир оғиз эътироз билдирган кишилар ўз лавозимлари билан «хайр-маъзур» қилишган. Тўғри, ўтмишда шундай бўлган! Лекин энди-чи? Наҳот бундан кейин ҳам шундай бўлса?

Яқинда биз, бир гуруҳ ёзувчилар Ўзбекистон ССР прокурори билан суҳбатлашдик.

Суҳбат давомида у худди шу масалага ҳам тўхтаб ўтди.

— Болалар меҳнати масаласида, шубҳасиз, қонунга энд ишлар қилинган,— деди прокурор.— Албатта, мактаб ўқувчилари меҳнат қилишлари шарт. Биз уларни жисмоний меҳнатдан қочадиган кимсалар қилиб тарбиялай олмаймиз. Лекин бу меҳнат мактаб программаси доирасидан чиқмаслиги лозим. Қонунда шундай ёзилган. Хўжалик раҳбарлари бу қонунни бузмоқдалар. Лекин маориф органлари-чи? Нега улар қўрқоқлик қиладилар? Нега қонун бузилаётган жойда ўзларини четга олиб, пусиб турадилар? Биз, масалан,— давом этди республика прокурори.— Барча область ва район прокурорларига кўрсатма бердик. Оқибатда, шу нарса маълум бўлдики, бирорта область ёки район раҳбари, мактаб ўқувчиларини узоқ муддатга теримга жалб этиш тўғрисида ёзма буйруқ бермаган. Ҳамма жойда телефон иш берган. Демокчиманки, қонунбузарларни қўлларидан «шап» этиб ушлашга асос йўқ. Ёзма буйруқ талаб қиладиган маориф ходимлари эса — жим! Оғзаки буйруқларга эътироз қилишга эса юраклари дов бермаган. Кўп директорлар бўлса раисларнинг оғзаки буйруғи биланоқ мактабларга қулф сола берган.

Хўп, маориф ходимлари-ку, кўп йиллар бу ишга ўрганиб қолган, ўзлари хон, кўланкалари майдон раисларнинг бақирғидан юрак олдириб қўйган экан, лекин техникани йўлга қўйиш, ишчи кучидан тўғри фойдаланиш ўрнига осон йўлни топиб олган, яъни ҳамма қийинчиликни ҳали суюғи қотмаган болаларнинг нимжон елкаларига юклашга ўрганиб қолган раис ва директорлар нимани ўйлаптилар экан? Район раҳбарлари-чи? Наҳот улар келажагимиз бўлмиш азиз фарзандларимизнинг умрларига завола бўлаётганларини, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мажруҳ қилиб қўяётганларига тушунмасалар? Лоақал буни ўйлаб ҳам

кўрмасалар? Хўп, волюнтаристик раҳбарлик деб ном олган ва партиямиз томонидан қораланган ўтган ўн йилларда-ку, бу хатоларга кенг йўл очилган экан. Аммо энди-чи? Энди ҳам нега давом этяпмиз бу хатоларни?

Йўқ, сиз нима десангиз денг, бироқ мен бундай раҳбарларни ўтмиш сабоқларидан ўзлари учун жиддий сабоқ чиқарган жиддий одамлар, қаторига қўша олмайман!..

Шу ўринда мен кўпчиликни ўн йиллар давомида ташвишга солиб келган яна бир жиддий муаммо ҳақида гапириб ўтишни истардим. Бу ҳам бўлса бутифос масаласи. Аввалам бор, шуни дангал айтиш керакки, бутифос ҳам партиямиз томонидан қаттиқ қораланган волюнтаризм давридан қолган ёмон бир сарқит. Ҳозир-ку, бутифос «нималигини» билдик. Ҳолбуки... Эсимда бор: бир маҳаллар республикамизда сариқ касаллиги кўпайишига бутифос сабаб, деб тахмин қилгани учунгина баъзи врачлар тазйиқ остига олинган, ҳатто қувғин қилинган эди!..

Энди-ку, ҳамма нарсани ошкора гапириш ва муҳокама қилиш имкони туғилган ҳозирги кунда-ку, бутифоснинг зарари тўғрисида баралла айтаяпмиз. Айтишга-ку айтаяпмиз, хусусан тиббият соҳасида, табиатни муҳофаза қилиш борасида иш олиб бораётган олимларимиз — минг раҳмат уларга! бу ҳақда жиддий фикр-мулоҳазалар бирдиришяпти, бутифоснинг зарарини исботловчи инкор этиб бўлмайдиган фактлар ва рақамлар келтиришмақда, энг яхши химик олимларимиз эса «УДМ» ва «Сихат» каби («Сихат! Бу номнинг ўзиёқ эзгу умид туғдиради кишида!») янги, безарар, боринги, нисбатан безарар моддалар яратишмоқда. Шундоқ экан, нега баъзи завод раҳбарлари бу янги моддаларга ўтишни ишташмайди? Заҳарли моддаларнинг инсон соғлиғига зарарини билатуриб, нега ҳануз бутифосни қўллашдан бош тортишмайди? Хўп, «УДМ» билан «Сихат»ни ишлатишнинг бир мунча ноқулай томонлари бор экан. Уларни сепишдан олдин баъзи қўшимча ишларни амалга ошириш лозим экан. Лекин инсон соғлиғига зарарли моддани (бу зарарни яхши била туриб), уни одамлар бошига сепишдан кўра, безарар модда учун ўнта эмас, юзта ишни қилишдан эринмаслик даркор эмасми? Бу қўшимча ишларни ўз соғлиғи, фарзандларининг соғлиғи учун деҳқоннинг ўзиёқ жон-жон, деб қилади-ку!..

Йўқ, сиз нима десангиз денг, бироқ мен бундай хўжалик раҳбарларини ўтмиш сабоқларида сабоқ чиқарганлари қаторига қўша олмайман!..

Мен сеvimли ўлкамизни кўп айланганман. Кўрмаган, бормаган жойларим йўқ ҳисоб. Эҳтимол, қишлоқда туғилиб, қишлоқда вояга етганим учундир, қишлоқларда тоғу-тошларда юришни яхши кўраман. Одатда, маҳаллий раҳбарлар адибларни энг кўркам жойлар, энг илғор хўжаликлар билан таништиргиси келади. Шундай бўлиши табиий дам. Ким ҳам ўзини ғариб қилиб кўрсатишни истайди дейсиз? Халқимиз «онангни отанга бепардоз кўрсатма», деб қўйибди-ку, ахир! Лекин бу ерда гап пардоз устида кетяпгани йўқ. Агар бутун республикага танилган айрим колхоз-совхозларни ҳисобга олмасак, — бунақалар ҳар бир областда битта-иккита бор, — аксар ҳолларда «илғор хўжалик» деганларини кўриб, ўзингдан ўзинг ранжиб кетасан киши!..

Бу «илғор» колхознинг кўрсаткичлари билан танишсанг — ҳаммаси жойида. Планлар дўндириб бажарилган, даромад зўр. Госбанкада жарақ-жарақ пул. Аммо... Қишлоққа қараб бўлмайди! Ҳануз ўша алимсоқдан қолган сомон шувоқ уйлар, полсиз, шиферсиз, оқланмаган, зах хоналар. Қинғир қийшиқ кўчалар. Олдида ақалли ярим гектар боғи йўқ, хароба шийпонлар! Мактаблар ҳануз эски биноларда, боғчалар ундан ҳам чатоқ. Клуб ҳақида гапирмасангиз ҳам бўлади. Қишлоқда на газ бор, на водопровод!..

Сиз бир «илғор раисга қарайсиз, бир бригадирга. Раиснинг эғнида ўттизинчи йилларда «мода» бўлган китель, оёғида кирза этик. Белида эни бир қарич қайиш камар. Бригадирнинг-ку, уст-бошига қараб бўлмайди: эғнида ёғи чиқиб кетган фуфайка ёки алимсоқдан қолган, кир-чир коржома, бошида эски дўппи, соч-соқолига бир йилдан бери устара етмаган... Шунда беихтиёр: бу одам қандай қилиб, бригада аъзоларига намуна бўлади? Нимани ўргатади? Айниқса, ёшлар ундан қанақа йбрат олади? Бу одам умрида бирор марта қўлига китоб олганмикин ёхуд ўз бригада аъзоларини бирор марта кино кўришга клубга бошлаб борганмикин?» деган фикр ўтади хаёлингиздан. Қаёқда! Ахир ўттиз йил бригадирлик қилиб, тузукроқ бир шийпон қуролмаган, унинг атрофини эса ҳатто кичикроқ бир боққа айлантира олмаган, хотин-халаж учун битта душ қуришни хаёлига келтирмаган бундай «илғор» бригадир китоб, ки-

но ва маданият деган нарсани хаёлига ҳам келтирмаса, ҳатто бундай нарсалар «план» учун зарар деб тушунса ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас! Билмадим, эҳтимол, пландан бошқа ҳеч нарса қулоққа кирмаган, аммо эндиликда партиямиз томонидан қораланган даврларда бундай «илғор» бригадир ва раислар кимларгадир керак бўлса керак бўлгандир? Лекин бугун мен аминманки, қора меҳнатни, планни халқ манфаатидан ҳам юқори қўйган бундай «илғорлар» даври ўтди. Менинг тасаввуримда бугун, айниқса қишлоқ шароитида, раҳбардан фақат планни талаб қилиш оз. Бугун биз хўжалик раҳбарларидан хўжалик ишларингиз учун раҳмат, аммо... қишлоғингизнинг аҳволи қандай? Газ ва водопровод борми? Мактаб биноси қандай? Қлубингиз борми? Бор бўлса у қандай ишлаяпти? Болалар боғчалари-чи? Аёллар меҳнатини қанчалик осонлаштира олдингиз? Бригадалар шийпони қай аҳволда? Умуман, маданият масалаларини ўйлаяпсизми, йўқми?— деган ҳақли саволлар беришимиз ва раҳбарнинг «илғор» ёки «илғор» эмаслигини мана шу саволларга берадиган жавобларига қараб белгилашимиз зарур. Қайснки раҳбар,— у қанчалик «илғор» ҳисобланмасин, ҳаёт илгари сураётган мана шу саволларга жавоб бера олмас экан, унга қисқагина қилиб: «Илгари хизматларингиз учун раҳмат, буёғи энди дам олинг, ака!— дейдиган пайт келмадимикин? Нега? Чунки, менинча, бу қоғоздагина «илғор» раҳбарлар ҳам ўтмиш сабоқларидан ўзлари учун сабоқ чиқара олмаган, тўғриси айтганда — даврдан орқада қолган «раҳбарлар» сирасига киради!

Мен узук-юлуқ ёзилган бу лавҳаларимни адиблардан, биз ёзувчилар йўл қўйган хатолардан бошлаган эдим. Ҳозир яна шу гапларга қайтмоқчиман. Чунки аминман: ижтимоий ҳаётимиздаги кўп ҳодисалар, айниқса жамият учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ҳақиқат, адолат, инсоф, диёнат тушунчалари, умуман, жамиятнинг соғлом йўлдан бориши кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг бу буюк тушунчаларга содиқлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳақиқатан ва адолатдан чекинган адабиёт қай даражада почор адабиётга айланиб қолиши мумкинлиги тўғрисида юқорида гапирдим. Лекин ҳаёт шафқатсиз. Гоҳ адабиётдай қудратли куч ҳам, маълум сабабларга кўра, ўзининг бош йўли ва мақсадидан чекинишга мажбур бўлади. Тарихда кўп марта содир бўлган бу оддий ҳақиқатни инкор этиш ҳам ҳаёт

ҳақиқатини инкор этиш билан баробар бўлур эди. Лекин ҳозир гап бу тўғрида эмас. Ҳозир мен бот-бот ўй-ланиб қоламан. Ўтмишда, гоҳо ҳақиқатнинг тагига етиш шартми? Партиямиз ҳақиқатни баралла айтиш керак, қийин бўлган пайтларда, адабиётнинг бош талабидан чекинган ҳоллар юз берган экан, ҳозир ҳам чекиниш ҳамма нарсани ўз номи билан аташ лозим деб, қайта-қайта таъкидлаётган бугунги яхши кунларда ҳам, нега биз гоҳо ҳақиқатни баралла айтишдан чўчиймиз? Нега ҳануз баъзан оқни қора, қорани оқ дейишга, ҳар қалай, қийинчиликларни силаб-сийпаб, уларни хастпўшлаб кетишга уринамиз?

Эсимда бор: бундан чорак аср муқаддам «Литературная газета»да марҳум ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Хусунбузар» деган мақоласи эълон қилинган эди. Бу мақолада Абдулла Қаҳҳор пахтакор меҳнатини бўяб-бежаб, пахта ишини ўйил-кулгидай енгил-елли бир нарса деб тасвирловчи адибларни қаттиқ танқид қилган, хотин-қизларимиз далаларда терим пайтида қўшиқ айтиб, рақсга тушиб ишлашади, дегувчи шоирларимиз устидан заҳарханда қилган эди!

Атоқли адибимиз, унга қўшилиб каминаи—камтарин ҳам (у маҳалда мен «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири бўлиб ишлардим) бу мақола учун анча-мунча дашном еган, чунки адибимиз «ҳаётни қора кўзойнак орқали кўради, деган айбномалар тарқалган эди?».

Бу воқеаларга неча йиллар бўлди, қанча сувлар оқиб кетди. Фақат мақолани эмас, ёзувчининг ўзини ҳам қувғин қилганлар ҳам оламдан кўз юмишди. Эндиликда эса, айниқса кун кеча бўлиб ўтган Марказий Комитетимизнинг январь Пленуми (ҳатто душманларимиз ҳам бу пленумнинг аҳамиятини таъкидлашга мажбур бўлишяпти) адабиётга ўша йиллардагидай ибтидоий ёндошиш, санъатнинг специфик хусусиятларини ҳисобга олмай иш тутиш нақадар катта зарар келтириши мумкинлигини алоҳида уқтириб ўтди. Лекин менга баъзан шундай туюладики, биз, адиблар, ҳаётнинг бу аччиқ сабоғидан ҳам ўзимиз учун ҳануз жиддий сабоқ чиқара олганимиз йўқ!..

Албатта, сўнгги чорак аср давомида республика-мизда ижодий муҳит анча мураккаб кечди. Ҳаётни бутун тўлалиги билан, бутун қийинчиликлари, қувончу-қайғулари, ташвишу зиддиятлари билан акс эттириш

баъзиларга кўп ёқавермас, ҳатто адабиётнинг бош ва-  
зифаси бу — турмушни куйлаш! — деган назариялар ҳам  
пайдо бўлганди ўшанда. Лекин бу оғир даврлар ўтди,  
ҳатто қораланди, адабиётнинг вазифаси ҳаётни фақат  
безаб-бежаб кўрсатиш, фақат куйлаш, деган сохта «на-  
зариялар»га муҳим таҳрир киритилиб, адабиётнинг энг  
муҳим вазифаси ҳақиқатни, ҳақиқатнигина эмас, тўла  
ҳақиқатни кўрсатишдан иборат эканлиги партиямиз  
съездида, ундан олдинги ва ундан кейинги пленумлари-  
да такрор-такрор таъкидланди. Аммо... қани ўша... ҳа-  
ётни, хусусан, айтайлик, деҳқон ҳаётини бутун қийин-  
чиликлари, зиддиятлари, пахтакор меҳнатининг бутун  
машаққатларини, ўтмишда йўл қўйилган хатолар, ту-  
файли қаттиқ азият чеккан бобо деҳқонларимиз, аёлла-  
римиз, болаларимиз ўй ва ташвишлари, қувончлари,  
дарду ҳасратларини теран очиб берувчи асарлар? Бун-  
дай асарлар ҳали яратилгани йўқ, агар яратилган бўл-  
са ҳам бармоқ билан санагулик!.. (Мен бунга интилиш-  
ни баъзан-баъзан фақат ёшлар поэзиясидагина кўриб  
қоламан). Хўп, катта асарларни ёзиш-ку қийиндир, бу-  
нинг учун йиллар керакдир? Аммо публицистика-чи?  
Мана, мисол учун бултурги терим мавсумини олайлик.  
Бултур сув танқис бўлди, деҳқон қийналди. Шуни ҳи-  
собга олиб, Марказий Комитетимиз пахтакорларга му-  
рожаат қабул қилди. Мурожаатда маслаҳат тариқасида  
айтилган гаплардан ташқари пахтакорларга яхши  
хизмат кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш лозимлиги  
алоҳида уқтирилиб, Соғлиқни сақлаш, Савдо, Маориф,  
Манший хизмат кўрсатиш министрликларига қатъий  
топшириқлар берилди.

Редакция ҳам ёзувчиларимизга мурожаат қилди.  
Йўқ, мақолалар ёзилмади эмас, ёзилди. Лекин улар  
ўша, бундан чорак аср муқаддам Абдулла ака аччиқ  
киноя билан таъкид қилган мақолалардан ҳеч бир фар-  
қи йўқ эди: яна ўша чаккаларига чаноқ тақиб—қўшиқ  
айтиб пахта тераётган қизлар, бир-бирларига тарвуз  
отиб, қувлашиб юрган йигитлар, яна ўша: «Қўшимча  
мажбуриятни ҳам қойиллатамиз, ёзувчи акалар! — деди  
шоп мўйловини бураб, кекса бригадир» қабилда ен-  
гил-елпи, олдиқочди гаплар!

Бутун мавсум давомида, агар Гаффор Ҳотамовнинг  
«Жавобгарлик» деган, гарчи пахтакор ҳаётига алоқаси  
камроқ бўлса ҳам, ҳар қалай, деҳқон турмуши тўғриси-  
да анчагина жиддий мулоҳаза юритилган мақоласини



ҳисобга олмаганда, битта ҳам жиддий, ўткир, ҳаққоний очерк тополмадик! Ёзувчиларимиз пахта далаларига чиққанларида: Хўш, Марказий Комитетимизнинг пахтакорга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги қарори қандай бажариляпти экан? Жилла курса мен шу масала билан қизиқиб кўрайчи? деган хаёлга ҳам боришмаган! Қараб-сизки, ёзувчиларимиз ёзган бирорта очерк ё мақолага пахтакор халқимиздан «Раҳмат, бизнинг гапимизни деб-сиз, қувончимизга шерик, дардларимизга ҳамдард бўлибсиз», деб ёзилган бирорта илиқ хат келмади. Ҳолбуки, газетада эълон қилинадиган ва халқ ташвиши тилга олинган бирорта мақола жавобсиз қолмади! Оқибатда, «ёзувчилар пахта далаларида» рубрикаси остида босилган очерк ва репортажларимизнинг ҳаммаси қумга синган сувдек иссиз йўқолиб кетди!.. Бу ҳам биз адиблар учун катта бир сабоқ!

Ҳа, бугун биз ёзувчилар халқ ҳаёти тўғрисида, мамлакатимизда ўтаётган қайта қуриш каби мураккаб жараён ҳақида ёзар эканмиз, ўтмишда йўл қўйган хато ва нуқсонларимиз ҳамиша ёдимизда туриши лозим. Ҳозир газетхон ва китобхон борки, ёлғонга тоқати йўқ. Эндиликда у ёзувчидан тилида ва дилида юрган гапларини ёзишни кутади, у ҳаёт тўғрисида ҳақиқатни, тўлиқ ҳақиқатни билишни истайди ва бунга ҳаққи ҳам бор.

## УҚИТУВЧИНИНГ ҚАДРИ

Ушбу мақола босилиши арафасида КПСС Марказий Комитетининг умумий таълим ишларини ислоҳ қилиш ҳақидаги лойиҳаси эълон қилинди. Азиз фарзандларимизни, умуман ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш туйғуси билан суғорилган бу муҳим ҳужжатни чуқур мамнуният билан ўқир эканман, унда кўпдан бери ҳаммамизни ўйлантириб юрган долзарб муаммоларни дил сўзларимизни, орзу-умидларимизни кўрдим. Гарчи мен, бу мақолада кўпроқ адабиёт ўқитувчиси тўғрисида фикр юритган бўлсам ҳам, бу фикрлар лойиҳада қайд этилган эстетик тарбияни кучайтириш ҳақидаги талабларга ҳамоҳанг бўлгани учун китобхонларда қизиқиш уйғотар, деган умиддаман.

Мен адабиёт ҳақида, ўйлаганимда биринчи адабиёт ўқитувчиларим ёдимга тушади.

Урушдан аввалги оғир йиллар. Ҳали Улуғ Ватан уруши бошланмаган, унинг совуқ нафаси сезила бошлаган давр.

Шаҳарда яшар эдик. Оиламиз бошига мусибат тушиб, туғилган қишлоғимизга кўчиб бордик.

Қиш бўлмаса ҳам, далага қиров тушган совуқ пайтлар эди. Янги жой, янги нотаниш болалар даврасига тушишдан ёмони йўқ. Мактабга бўйнига арқон солинган қўйдан баттар бўлиб, кириб бордим. Олтинчи «А» синфига олиб кириб қўйишди.

Биринчи қаторда биттагина жой бор экан, синф тўла болаларнинг ёт ва масҳараомуз нигоҳлари остида ўша жойга бориб ўтирдим. Бир пайт эшикда новчадан келган, озғин, хушсурат бир одам кўринди-ю, ғала-ғовур дарҳол тиниб, синф сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди.

Ҳануз эсимда: мени ҳаммадан бурун ўқитувчининг уст боши лол қолдирди. У ниҳоятда сипо ва озода тўкилмаган оппоқ кўйлак устидан ўша пайтларда мода бўлган қора чарлистон кастюм-шим, бўйнида гулдор галстук, оёғида ялт-ялт туфли, бошида тахи бузилмаган чуст дўппи...

У синф ўртасида тўхтаб, аллақандай вазмин нигоҳ билан бирдан сукутга чўмган синфни бамайлихотир кўздан кечириб чиқди-да:

— Пушкин. Кавказ асири,— деди тиниқ сокин овозда, сўнг қўлидаги китобга деярли қарамасдан, машҳур дostonни ёддан ўқиб кетди.

Билмадим, эҳтимол ўша дақиқаларгача шеърни яхши ўқийдиган одамни кўрмагандирман, эҳтимол, ўқитувчининг каттагина дostonни деярли ёддан билиши қаттиқ таъсир этгандир, лекин мен, назаримда, ўша онларгача умримда ҳеч қачон, бундай сеҳргар овозни бундай мафтункор оҳанглارни эшитмаган эдим! Нафақат мен, синфни тўлдириб ўтирган қирқдан ортиқ қишлоқ болалари, ўзлари сезмаган ҳолда, буюк дoston сеҳрига «илинган», дoston билан бирга бу ниҳоятда чиройли кийинган, хушсурат одамга, адабиёт ўқитувчисига маҳлиё бўлиб қолишган эди!..

Ўша дарсдан хотирамда муҳрланиб қолган яна бир тафсилот: мен қирқ беш минут қандай ўтганини билмайман, фақат кўнғироқ чалиниб дарс тугаб қолганидан қаттиқ афсус қилганим ҳануз эсимда.

Шу-шу, адабиёт дарси биз учун энг севимли дарсга,

адабиёт ўқитувчимиз Маматамин ака Маҳмудов эса энг азиз инсон ва энг ҳурматли мураббийларимизга айланди.

Маматамин аканинг ўзи ҳам шеърлар, ҳикоялар ёзар, биз адабиёт ва санъатга оид ҳамма янгиликларни у кишидан эшитар, ўша маҳалда машҳур бўлган янги асарлар «Ешкуч», «Гулистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналларини ҳам шу одамдан сўраб олиб ўқирдик. Умуман, Маматамин ака фақат адабиёт эмас, бошқа фанлар, хусусан география, табиат, тарих фанларидан ҳам яхши бохабар эдилар. Шунинг учун илмга, адабиёт ва санъатга ишқивоз ёшлар у кишининг атрофида парвона эди. Шу тарзда, саккизинчи синфга ўтгунча, Маматамин акадан таҳсил олдик, саккизинчи синфдан эса, тақдир бизга яна бир ажойиб инсон ва истеъдодли педагог Сулаймон ака Амировни инъом этди.

Сулаймон ака йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошида Самарқанд педакадемиясида таълим олган. Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода билан мулоқотда бўлган, илм доираси ниҳоятда кенг, мушоҳадаси ўткир, инсон сифатида ҳам ниҳоятда самимий, ҳушчақчақ, дилкаш одам эдилар. У киши классик адабиётимизни ҳам, замонавий асарларни ҳам, рус ва жаҳон адабиётини ҳам, жуда яхши билар, шеърни ниҳоятда чиройли ўқир, мактабда ҳам, мактабдан ташқарида бўладиган суҳбатларда ҳам, бир зумда ҳаммани ўзига ром қилиб олардилар. Биз ўспиринлар у кишининг суҳбатларига ёддан шеър тўқишларига, жаҳон классикларининг ўлмас асарлари ҳақидаги ҳикояларига маҳлиё эдик. Сулаймон ака гўзаллик ва нафосатни ҳис этиш ва бу ҳисларни ёшларга «юқтириш» санъатини мукамал билар, у бизни шу санъати ва меҳри билан тамом ром қилиб олган эди. Узун қиш кечалари домламининг тор бўлса ҳам шинам хонасига йиғилиб, танча атрофида Сулаймон ака билан тонготар суҳбатлар қураддик...

Ҳўш, бу узундан-узоқ муқаддимадан мақсад нима?

Ҳурматли газетхон гапнинг нишаби қаёққа қараб кетаётганини аллақачон сезаётган бўлса керак. Дарҳақиқат, мақолани ўз ёшлигим, ўз домлаларимдан бошлашимдан мақсад — мен, аввалам бор, бугунги адабиёт ўқитувчиси, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги роли, қолаверса, умуман, мактабларда адабиётдан дарс бе-

риш муаммолари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларим тўғрироғи ташвишли ўйларим билан ўртоқлашиш эди.

Йўқ, мен бугун мактабларимизда ўз илмининг шайдоси бўлган, адабиёт ва санъатни чуқур идрок этиб, севиб дарс берадиган адабиёт ўқитувчилари йўқ демоқчи эмасман. Улар бор, ҳатто бундайлар адабиёт ўқитувчилари орасида кўпчиликни ташкил қилади, десам ҳам, эҳтимол янглишмасман. Мен буни қишлоқ мактабларида бўлган учрашувлардан ҳам, газетамизга адабиёт ўқитувчиларидан бот-бот келиб турадиган хатлардан ҳам сезаман. Лекин, минг афсуски, бунинг аксини кўрсатувчи фактлар, яъни, ўз фанини яхши билмаган, бадий асардан завқланиш нималигини англаб етмай туриб дарс берадиган, оқибатда ўз ўқувчиларида адабиёт ва санъатга меҳр уйғотиш ўрнига, ундан совутиб қўяётган адабиёт ва музика ўқитувчилари ҳам оз эмаски, бу нарса бизни ташвишлантирмай илож йўқ. Энг ёмони бундай ўқитувчилар адабиётга ўта юзаки, агар таъбир жоиз бўлса, ниҳоятда расмий ва қуруқ бир нарса, деб қарайдилар. Аксар ҳолларда уларнинг дарслик китобини очиб, «фалон ёзувчи, палон йили палон шаҳарда туғилди, палон йили палон асарни ёзди, бу асарида у писмадон қаҳрамоннинг образини яратди» каби тайёр гапларни, ҳис-туйғусиз ўлик матнни қуруқ, жонсиз овозда зерикарли ўқиб беришдан нари ўтмайдилар. Улар бадий асарни ҳаёт билан солиштириб, ўқиш кераклигини, асар қаҳрамонларининг қувончи ўқувчининг қувончига, мусибати, сал муболаға қилиб айтганда, унинг шахсий мусибатига айланиб кетиши лозимлигини ё англамайдилар, ё бунга иқтидорлари етмайди. Чунки Анна Каренина ёхуд Отабек — Кумушларнинг фожией севгиси ўқувчини ларзага солиши учун ўқитувчи бу асарларни ёниб ўқиш ё улар ҳақида ёниб ҳикоя қилиб бериши зарур. Бусиз том маънода адабиёт ўқитувчиси бўлиш қийин, лекин афсуски, биз бу ҳақиқатни унутиб қўймоқдамиз.

Албатта, ҳозирги даврни биз таҳсил кўрган уруш йилларига таққослаб бўлмайди. Бугунги ўқувчиларнинг қизиқиш доираси бизнинг ёшлик чоғларимиздагидек, фақат адабиёт билангина чекланган эмас. Бугунги ёшларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қилувчи омиллар кўп. Уларнинг эътиборини ёлғиз адабиёт эмас, санъатнинг бошқа турлари — кино, телевизор, спорт ва ҳоказо — ҳоказолар жалб этмоқда. Боз устига физика,

математика, биология каби аниқ фанлар тараққиёти ҳам шундай ривож топдики, улар ёшларнинг ҳаёлот оламини ром қилиб олиши табиий бир ҳол. Лекин бу ҳаётини ҳақиқат адабиёт ўқитувчисининг ва унинг ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фикрларимизни инкор этмайди, билъақс уларнинг олдига янги, илгаригидан ҳам мураккаброқ вазифалар қўяди. Бу вазифаларнинг энг муҳими — адабиёт ўқитувчиларининг дунёқарashi, илми, диди ва маданий савияси билан боғлиқдир. Албатта, илм ва маданий савия ҳамма ўқитувчилар учун баббаробар, муҳим, лекин адабиёт ўқитувчиси учун айниқса зарур. Чунки математика ўқитувчиси ўз фанини яхши билса, эҳтимол, шунинг ўзи кифоядир, бироқ адабиёт ўқитувчиси учун бу етарли эмас. У нафақат программадаги ёзувчилар ижодини, балки, бугунги адабий жараёнини актив кузатиб бориши шарт. Бугун адабиёт ва санъат соҳасида нима гаплар бўляпти, қайси китоб, қайси кино, қайси санъат асари халқнинг эътиборини тортяпти, қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўляпти, нима учун севиб ўқияпти ёки қайси асарлар нима сабабдан танқидга учраяпти — буни билиш деярли фарз. Нега? Чунки ўқувчи ёшлар бугунги адабиёт ва санъат билан кўп ўқишади, кўришади, бу асарлар ҳақида кўп баҳслашишади. Энди тасаввур этинг: ўқувчи бу янгиларни билса-ю, унга гўзаллик ва нафосатдан дарс берадиган ўқитувчи билмаса, ёшларнинг саволларига «ўқимадим, билмайман», деб турса! Афсус-надоматлар бўлсинки, маориф соҳамизда илмли-билимли, юксак маданиятли ўқитувчилар билан бирга, биз айтгандай, ўз савияси, диди, маданиятини ўстириш ҳақида ўйламайдиган, адабиёт муаллими бўла туриб программадан «бир қадам чиқолмайдиган», бугунги адабиёт ва санъат билан қизиқмай қўйган, савияси паст ўқитувчилар ҳам бор, ҳатто дадил айтиш мумкинки, оз эмас! Бундан уч-тўрт йил муқаддам эл оғзига тушиб, ёшларнинг меҳрини қозонган бир шоир менга: «Палон институтда сиртқи бўлимда ўқийдиган адабиёт ўқитувчилари билан учрашув бўлар экан, бирга бориб келайлик», деб қолди.

Уч-тўрт киши бўлиб бордик. Институт домлалари — минг раҳмат! — бизни яхши қарши олишиб, иззат-ҳурмат билан катта аудиторияга бошлаб киришди. Учрашув шу ерда бўлиши керак экан. Лекин негадир ҳеч ким йўқ эди. Бирор соат ўтгандан кейин домлалар орасида шивир-шивир бошланди, кейин улардан бири хи-

жолатдан дудуғлана-дудуғлана узр сўради. Маълум бўлишича, учрашувга келадиган ўқитувчилар қаёққадир кетиб қолишибди. Бу гапни эшитган адиблар, айниқса ёш шоирлар, қаттиқ ранжишди. Тўғриси айтсам, аввал бошда мен ҳам хафа бўлдим, бироқ дўстларимнинг кайфиятини кўриб гапни ҳазилга бурдим:

— Қўйинглар, оғайнилар, учрашувга келишмаган бўлса... Бунинг бирор сабаби бордир. Сиз билан биз ҳали классик бўлганимиз йўқ. Ўқитувчилар узоқ жойлардан келишган. Пойтахтда нима кўп — театр кўп, музей, санъат саройлари кўп. Янги кинолар қўйилапти. Ушаларни кўришга кетишгандир!

Эрталаб уйда телефон жиринглади. Трубкани олсам — ўша таниқли шоир. Асабий куляпти.

— Кеча учрашувга келмаган адабиёт ўқитувчилари қаерда бўлишган, биласизми? Чақардаги чойхонага бориб ош ейишипти!

Бир куни урушдан ярадор бўлиб қайтган ўша ўқитувчимиз — Сулаймон ака синфга кулиб кирдиларда, бир-икки болани четга тортиб:

— Тирик шоирни кўришни хоҳлайсанларми? — деб сўрадилар.

— Хоҳлаймиз, — дедик биз...

— Хоҳласаларинг... Иқонга Тошкентдан Миртемир келибди, юринглар, бориб кўриб келайлик. Шоир одам, кўп нарсаларни билади, бир мириқиб суҳбатлашиб келамиз, — дедилар Сулаймон ака.

Бизнинг қишлоқ билан Иқон ораси камида ўттиз чақирим келади. Кеч куз эди. Биз эшакларга миниб қирлар, адирлар оша, сойлар кечиб Иқон томон йўл олдик. Қишлоқдан эрталаб чиққан бўлсак кун ботишда Иқонга кириб бордик. Омадимиз юришмаган экан: биз боргунча, Миртемир ака Тошкентга қайтиб кетиптилар. Афсус билан орқага қайтдик. Лекин тирик шоирни кўриш умидида босиб ўтилган икки кунлик йўл ва бу йўлда бўлган куз офтобидай тиниқ суҳбатлар, севикли ўқитувчимизнинг урушда кўрган-кечирганлари ҳақида айтиб берган ҳикоялари, ўқиган шеърлари, ўзбек ва жаҳон классиклари асарлари тўғрисидаги қизиқ-қизик ҳангомалари ҳануз дилимда, ҳануз хотирамда. Бу сафар эса... Тошкентга ўқишга келган адабиёт муаллимлари адибларни эмас, адиблар уларни истаб бориштилару, улар... Йўқ, кинога эмас, театрга, музейга эмас, эски чойхонага майшат қилган жўнаб қолишипти!

Ажабо, бу ўқитувчилар (кейин билсак уларнинг аксарияти имтиҳон топшириш учун уч-тўрт марта «юмалаб», бир амаллаб» «3» олиб кетишар экан!) ўз қишлоқларига қайтиб боришганда пойтахт янгиликларини эшитиш умидида кўзлари жовдираб ўтирган болакайларга нима тўғрисида ҳикоя қилиб беришар экан?.. Йўқ, мен уларга эмас, балки Тошкентдан қайтган муаллимларининг оғизларига тикилиб ўтирган анов болакайларга ачинаман! Ахир наҳот бу муаллимлар гўзалликка, нафосатга ташна бу болаларга янги фильм, янги спектакль ёхуд адабиёт ва санъат оламидаги янгиликлар ўрнига Чақар ёки Жўва чойхонасида еган ошлари тўғрисида гапириб беришса?..

Мана, барча ўқитувчилар, хусусан, адабиёт ўқитувчиларининг маънавиятига оид яна бир муаммо. Биз бу муаммога 1983 йил обуна пайтида дуч келдик.

Аввало, шуни айтиш лозимки, обуначиларимизнинг учдан бир қисмини ўқитувчилар ташкил этади. Бунинг учун биз маориф ходимларидан, жумладан, Маориф министрлиги ва унинг қуйи ташкилотларидан жуда миннатдормиз ва фурсатдан фойдаланиб, уларга ташаккур айтиб ўтишни лозим, деб биламиз. Лекин обуна пайтида шундай мактабларни (айниқса, шаҳар жойларида) ҳам кўрдикки, уларда 6—7 адабиёт ўқитувчилари бўла туриб, уларнинг биттаси ҳам адабиёт ва санъат газетасига обуна бўлмаган!

Албатта, мен ўзим муҳаррирлик қилаётган газетага обуна бўлмадингиз деб, бировга таъна қилишга ҳаққим йўқ. Бу сатрларга кўзи тушган одам эҳтимол: «Газетангиз қизиқ эмасдирки, улар ёзилишмагандир!» дейишга ҳам ҳақлидир. Лекин, биринчидан, бизнинг қўлимиздаги фактларга қараганда, бу мактаблардаги адабиёт ўқитувчилари фақат бизнинг газетамизгагина эмас, умуман бошқа адабий журнал ва газеталарга ҳам обуна бўлмаганлар! Иккинчидан, ўша мактабларнинг ўзида адабиётдан йироқ кўплаб ўқитувчилар, борки, улар адабий журнал ва газеталарга обуна бўлишгану, адабиёт ўқитувчилари ёзилишмаган! Демак, бу ерда гап адабий газета ва журналларнинг савиясидагина эмас, ўша бир тонфа адабиёт муаллимларининг бугунги адабиёт ва санъатдан узилиб қолганларида, адабий жараёни фаол кузатиб бормаётганларида, бошқача қилиб айтганда, ўз устларида ишламай қўйганликларида! Учинчидан, бизнинг фикримизга, ҳар қандай ҳолда

ҳам, адабиёт ўқитувчиси, агар у ўзи тарбия қилаётган ёшлардан орқада қолишни истамаса, адабий журнал ва газеталарга обуна бўлиб, уларни муттасил кузатиб бориши шарт. Акс ҳолда, ўқитувчи ўз талабаларидан орқада қолиб, уларга кулги бўлиб юриши ҳеч гап эмас!..

Албатта, яна қайтараман, менинг бу гапларимдан биз ўқиган пайтларда ҳамма ўқитувчилар зўр эди-ю, ҳозир яхши муаллимлар кам, деган хулоса чиқармаслиги лозим. Бахтимизга, ҳозир ҳам ўз касби, ўз фанининг шайдоси бўлган фидойи ўқитувчилар кўл.

Зотан, ҳар бир даврнинг ўз фазилати бўлганидек, ўзига хос қийинчиликлари, ечилиши лозим бўлган, аммо ечилмай қолаётган мураккаб муаммолари бўладикки, уларни ҳисобга олмай фикр ёритиш адолатдан эмас.

Бугун ана шундай долзарб масалалардан бири — ўқитувчининг обрўсини кўтаришдир. Сир эмас: сўнгги йилларда хўжалик, савдо ва майший хизмат соҳаларида ишлаб, бол ушлаган бармоқларини ялайвериб жир битиб кетган каландимор шахслар ҳам кўпайиб кетдики, уларнинг тасавурида ўқитувчилик иккинчи даражали касбга айланиб қолган! Шу сабаб бу олижаноб касбга менсимай қараш ҳоллари бор. Лекин, биринчидан, мана, бахтимизга КПСС Марказий Комитетининг умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш ҳақидаги лойиҳаси эълон қилинди. Унда ўқитувчининг қадри, уни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалалари бутун борлигича ўртага қўйилди. Иккинчидан, ўқитувчи фақат ўқитишгина эмас, ҳаётий қийинчиликларни бартараф этишда ҳам фаол бўлиш ўрнига, бир чеккада томошабин бўлиб туриши тўғри эмас. Адабиёт ва адабий қаҳрамонлар ҳаётий қийинчиликлар билан курашда тобланганидек, ўқитувчилар ҳам турмуш қийинчиликларини енгиб ўтишда намуна бўлишлари керак. Ҳар кун, ҳар соат фарзандларимизни юксак орзулар билан яшашга, улуг идеалларимиз учун курашга тинмай ўргатиб боришлари даркор. Яхши ўқитувчилар ҳамниша шундай бўлган ва шундай бўлиб қоладилар. Тўғриси айтсам, мени ҳар сафар ўз фарзандларим ҳақида ўйлаб, улардан қувонган онларимда ўзимдан эмас, балки уларга одоб ўргатиб, илм берган ўқитувчиларидан миннатдор бўламан. Шунинг учун ҳам бу олижаноб касб эгалари олдида ҳамниша бош эгаман.



## ЭВРИЛИШ

Нималар қилмадик шу Ватан учун,  
Кимимиз ўлдик  
Кимимиз нутқ сўзладик

*Урхон Вели.*

Ушбу эссени ўқиб чиққач, ҳамқишлоқларимдан бири, ҳар қалай, масалага бирёқлама ёндошгансиз, дея эътироз билдирди. Унинг даъвосича, ўша давр изсиз кетмаган, юзлаб мутахассисларни айтмаган тақдирда ҳам Ғужбоғдан неча олим ва ҳозир турли амалдаги раҳбарлар етишиб чиққан.

Нима ҳам дейиш мумкин? Аслида ҳам худди шундай-ку, ахир! Ва лекин мен ўтган чорак аср бадалида Ғужбоғдан бундай кишилар етишиб чиқмади деган айбловдан йироқман. Қанча йиллар, қанча сувлар оқиб ўтди-ю, бироқ Ғужбоғ деган қишлоқ яшармади ҳисоб, демоқчиман холос. Уша олим ва ўша раҳбарлар меҳри, саҳовоти шамолдаги ёмғир каби уни четлаб кетди эҳтимол?!

Ҳамқишлоғим гап орасида, ҳаммомчи бобони эсларсиз балки, деб сўради. «Ҳа, албатта»,— нимага у шаъма қилаётганлигини англадим. Уша чол — ҳаммомчи бобо — кекса коммунист, саводсизликни тугатиш даврининг кўзга кўринган жонкуярларидан бири, биз — болалар илиқ сувни сачратиб чўмилаётган пайтда у ўз ҳолича жуғрофиядан сабоқ берар эди: «Ер қуёшнинг бир бўлаги бўлиб...» Ҳеч маҳал у зорланмас, лекин эсимни танибманки, йўлдан озган раис билан олишиб, косаси оқармай келарди. У ва у тенгилар урушдан ҳам, кейин ҳам ялангтўш бўлиб заҳмат чеккан, киндик қони томган юртга обрў келтирган. Шуларни эсласам, юрагим ғурурга тўлади. Ноҳалоллик, кўзбўямачиликка қарши ку-

рашган ҳам шулар эди аслида. Бугун уларнинг баъзиси нафот этган, баъзиси тирик. Уларнинг эзгу интилишларини ҳеч ким камсита олмайди, лекин шу курашлардан Ғужбоғга етган наф татирликми?

— Ҳамонки шундай экан, бундан буён ҳам умид камми?— деди ҳамқишлоғим. Бу гал энди мен эътироз билдирдим:— Шу кеча-кундузда Ғужбоғ яшарини фаслига қадам қўяётир. Кўзларни қувонтириб қанот ёзаётган қайта қуриш насибасидан у ҳам қуруқ қолмас. Элга бош бўлган янги раис юрагида ёли бор киши, шу кунга довор ҳам у тоғни талқон қилиб ишлар эди-ю, хўжаликнинг молнавий хасталиги... Кўпчиликнинг саъю ҳаракати бу тўсиқни янчишга қодир, кўпчиликнинг манглай тери неча Ғужбоғни яшнатиши шаксиз.

«Биз эртанги куннинг умиди билан яшайдиган одамлармиз», дейди янги раис. Албатта-да. Бугунги саъй-ҳаракатлар ерга тушган уруғ каби эрта бир кун кўкариб чиқса ким севинмайди! Ким қишлоғини XX асрга муносиб чиройда кўришни истамайди, дейсиз? Бунинг учун сизу биз, улус ёнмоғи, ёниб яшамоғи керак, деб ўйлайман.

— Ҳаммасиям майли-ю, лекин...— Ҳамқишлоғим сўнгги эътирозини айтатуриб, нечундир инжилди.

— Хўш?

— Қаттиқ кетган жойларнингиз кишиларнинг кўнглига тегмасмикин?

— Агар, дилингизни оғритган бўлсам, узр!— дедим мен.— Шу гаплар кимгаки оғир ботса, узр сўрашга ҳаммиша тайёрман. Шунини ҳам айтиш керакки, ғужбоғликларга таъна қилатуриб, ўзимни четга олган жойим йўқ. Бу гапларнинг бир учи аслида ўзимга тегишли.

Хуллас, серандиша ҳамқишлоғимга шундай жавоб қилдим. Эҳтимол, мен айтмоқчи бўлган гаплар чиндан ҳам баҳсталабдир? Ўйлайманки, бунинг ҳеч бир зиёни йўқ. Айтишади-ку ахир, ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб...

*Муаллиф*

I

«Э-э, нимасини айтасиз, ука. Боёқиш неча кун юрди — юрагини ҳовучлаб. На ётганда ҳаловати бор, на турганда. Чақирӣқ қоғози келгач, кўрдим, унинг рангини — деворнинг рангини. Лекин борди, ўз оёғи би-

лан борди. Судраб-аб суд қилишди, сўнг кесиб юборишди — ўн уч йилга! Улган ўлди, қолганга қийин, дейишди-ку машойнхлар. Қийин-қийин, шўрлик аёлига қийин — беш боласи билан қолди: ейман дейди улар, ичаман дейди улар. Кеча бир амаллаб тўнғич қизини чиқарди...»

Бурноғи кун юртнинг устида юрган одам... қамалди, юзингда кўзинг борми демай эшингни қоқиб совчи келди, қиз рози, она рози — худо рози; ҳой, қизим эрга чиқиш бўлса — қочмас, қора кунинг са-ал ортда қолсин дейдиган, тўйни пича суриб турадиган кайвонининг ўзи топилмади.

Фожи ва қувонч... камалакнинг икки тарам кокили янглиғ у ҳеч маҳал бу қадар беқамти турмаган. Не бўлганда ҳам, менинг назаримда, хайрли аломат эмас бу!

Бундан чорак аср муқаддам ғужбоғлик бир киши — шартли равишда уни Шахс деб атаймиз,— ҳибсга олинди, эсимда, шунда унинг қав-қариндошлари тугул, бошқалар ҳам бош кўтариб юра олмай қолган. Ҳар қалай, ғужбоғликлар ичида биринчи бўлиб кесилган ўша эди.

«Яхши одам эди», — бувим у ҳақда шундай деган; бувим — қадди долдек эгилган саксон яшар кампир — кўкламининг гилами яшилланиб ётган кунларнинг бирида ҳовли этагидаги кулбага ишора қилиб: «Болам, — деган, — сенинг киндигингни ана шу уйда кесувдик». Шундан бери ҳам қанча сувлар оқиб ўтди, лекин ҳамон ёдимдаки, шу гапни айтатуриб, у бола каби мулойим жилмайган ва кулбага ишора қилатуриб, ҳатто мунчоқдек кўзларида ҳам кулги учқунлари акс этган. Ушанда беихтиёр унга қўшилиб мен ҳам кулганман. Кулмай бўладими, ахир — кулба нурай бошлагач, уни итхонага айлантириб қўйган эдик биз!

Аввал бошда, жиллақурса, бувим киндигимни кесган маҳали у қандай бўлган — билмайман, бир нима дея олмайман, лекин эсимни таниганимдан буёнги манзаралар ёдимда...

Олтмишинчи йилнинг кузи. Йўнғичқазор нопармон гуллардан баргаклар таққан. Дарс тугагач қайтатуриб, шу ерга келганда оёқларимиз тушовланади — майсалар устига ўзимизни ташлаймиз, кўкдаги булутларни томоша қиламиз, йўнғичқаниннг намхуш ва муаттар бўйига чўмилиб кунни кеч қиламиз. Душанба эди шекилли, ўша кунни дафъатан биз ўзга сайёрадан тушган кимсаларни кўрган каби ҳайратланганмиз, рост. Ахир, не кўз билан

кўрайликки, йўнғичқазор тугул ҳатто йўлакка ҳам турнақатор қозиқлар қоқиб ташланган, зоҳиран улар тўртбурчак шаклини касб этар, бағоят сирли ва аломатли эди. Шу ёшга кириб, ҳали бунақа ҳодисага гувоҳ бўлмаганимиз, назаримизда, янгилик эди бу. Индинга қозиқлар орасида тош уюмлари пайдо бўлди. Бу ҳам янгилик эди. Уйга боргач, табиийки, нима у, деб чуғурлашди. Шунда бувим: «Ру — ер ютгур Палончиев одамларни тинч ҳам қўймайди. Бир кам — ўтпояга кўчмаганимиз қолувди. Бехосият жойлар бўлса...» — деди. Сўнг киприклари намланди, узун енглари билан кўзёшларини сидириб, айтдики, етти пуштимиз ўтган жой — шу ер. Мениям киндигим шу ерга кўмилган, акамникиям. «Оқ ювиб, оқ тараган суйанчигим. Тогдай таянчим — тоғангни манави дарвозадан кузатиб қолганман — урушга. Анави тутнинг биқинида кўприк бўларди, шундан ўтди-да, катта йўлга чиқиб мунда-ай бир қайрилиб қаради, шу қарагани боламнинг, қайтиб уни кўрмадим! Энди шундай уй-жойимизни ташлаб...»

Бувимнинг маломати боис йўнғичқазор кўзимга жуда хунук кўринган ўшанда. Уч-тўрт йил ичида бу буткул файзини йўқотди — оёқости бўлди. Ўша тош уюмлари пойдеворга айланди, кейин унинг устига ғиштлар ўрилди — деворлар бўй чўзди. Мунчоқдек тизилган уйлар орасидан дурустгина йўл тушди, йўлнинг икки четидаги саф-саф ниҳоллар ҳадемай гулга кирди. Шунинг учун ҳам бу қишлоқ Ғужбоғ деб аталди.

Ғужбоғликлар аввал тўпор-тўпор бўлиб яшашган, шу кунга довур биз — бу тўпорнинг болалари нариги тўпорлик ҳамтенгларимиз билан қўшилиб ўйнамас, айирмакашлик қилар эдик, ахир, азалдан шундай бўлган-да: бу тўпордан униси қиз олмаган, қиз бермаган. Ноаҳиллик туфайли кўролмаслик, ички низо туғилган... Ўз билгича йўл тутиб шуларни овул-ҳамсоя қилган ва бир қишлоққа йиққан Шахсдан бувим тугул бошқалар ҳам, яъни каттаю кичик норози эди. Йиллар шамоли бу туйғуни сўндирди ва орадан совуқчилик кўтарилди. Ҳар қалай, ўша — эндиликдан исми жисмига ярашмаган қишлоқ бир меҳрибон она каби — элнинг бошини қўшди, бирига укалик меҳрини берди, бирини акалик ҳиммати билан сийлади.

Мисқозон<sup>1</sup> уй тўйларидан энди бўшаган кезлар Номоз

---

<sup>1</sup> Зарафшон воҳасида тўйоши мисқозонда дамланади (автор изоҳи).

бобо оламдан ўтди — марҳумни ерга қўйишди; кейин Ҳайтгул янга қиз кўрди — бешик тўйи берди, кейин Баҳром ака уйланди — Салим гуппи машъалани кўтарди, Алиқул бобо йўлнинг танобини тортди: «Келин келди кўзлар пиёлада-а-ай...» Болалар эш бўлди: «Хўйба-ле-е!»

Шу тариқа, бувим хосиятсиз деб атаган ўша жойга одамлар боғланди. яхши ният билан унга ном топиб аташди ва... она Ғужбоғнинг тарихи бошланди. Менинг киндик қоним мана шу ерга томган, мен шу ерда ўсиб-улгайдим, шу ерда оламни танидим. Менга жон қадар азиз у. Ҳам кичик, ҳам бепоён Ватан мен учун асида — шу!

Ватан!..

Бу туйғу қачон юрагимда илдиз отди? Уша — киндик қоним ерга томган лаҳзадами? Ёхуд илк бор кўз очиб оламга боққанимдами? Ёхуд бугунми?..

«Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишда-ноқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар, — шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар» (Ф. Скорина).

Ғужбоғдан чиққанамга ҳам мана, ролла-роса ўн саккиз йил бўлибди, ўн саккиз йил ичида туғилиб, бир неча баҳорни кўриб ўлиб кетганлар қанча. Одамки бор, киндик қони томган ерга банди у, энг оғир дамларида уни қўмсайди, туғилган қишлоғида ақл бовар қилмас ўзгаришлар юз бергандек, ўзи эса четда юриб, буларнинг барчасидан беҳабар қолгандек — бир ўкинч чулғайди юрагини. Йўл азоби — гўр азоби, шу ҳам кўзга кўринмайди, боради, бора-бора соғинч билан узоқдан она қишлоғига кўз ташлайди. Кўрадики, у ҳамон ўша-ўша — бундан йигирма беш йил муқаддам бир мусаввир чизган суратнинг худди ўзи, ўзгинаси, Бу суратнинг қайсидир ўринлари тўлдирилиши, сайқал топиши, дейлик, манзара хиёл жонланган, жиллақурса, деворлар оқланган, йўлларга асфальт тўшалган, чинорлар барқ урган ва ҳовуз сувлари зилол тус олган тарзда кўринишига юракда эҳтиёж сезасан, уни шундай кўрмоқ истайсан, бироқ... бу ишни бошлаган мусаввир аллақачон оламдан ўтган, унинг мўйқаламини туттишга журъат этгулик кимсанинг ўзи эса йўқ бу оламда. Шунда

кўнглинг ўксийди. Барглари тўкилган шир яланғоч тутлар кўзингга бағоят ғариб бўлиб кўринади, ғўзапоя босилган алмисоқи бостирмалар майишгандек, бир ёнга оғиб, қулаётган тунука том уйлар, назарингда, жиндай чўккан, худди ерга кириб кетаётгандек. Ўксинмай бўладими, ахир? Сен бир дунё йўлни босиб, не-не умидлар билан келасан-у...

«Ҳайдар тоғанг оламдан ўтди». «Усмон жўрангнинг хотини яна қиз туғди», «Очилбой уйига иситгич қўйдирди» — бир йилнинг — уч юз олтмиш олти куннинг янглиги — шу.

Кечга довур, ҳатто эртаси кун ҳам кўчада хомуш тентирайсан, тупроқ тўшалган йўл, қовжираган дарахтлар — файзини йўқотган олам. Кириб, супада чўнқаясан, онанг кир чаймоқда, отанг азонда кетмон кўтариб чиқиб кетган, укаларинг, жиянларинг ичкарида — телевизорда «мультик» кўришаётир: «Сеними, шошмай тур!» Аламзада бўрининг бўғиқ ўкириги дераза ойнасини зирқиратади: «Ҳап, сеними, шошмай тур!» Йиллар, йилларки, қуён уни чув тушириб думини кўрсатмай кетади, йиллар, йилларки, муштни дўлайтириб бўри тиш қайрайди: «Ҳап, сеними, шошмай тур!...»

Қайсики хонадонга бош суқма, шу ҳол: аёллар кир чаяди, бола бақра шумтака қуённинг макрига маҳлиё — чапак чалади, овсар бўрини мазак қилади — ўн йиллардан бери. Жўн, танбал ҳаёт. Шунга кўниккан булар, юраклардаги ўт сўниб битган гўё.

Ҳафа бўлиб кетасан-да, киши. Ахир, шундай мусавир бормикин — ярим-ёрти асарини намойиш этадиган ва шундай тентак топилармикин — бир ҳафта мобайнида тишини тишига босиб уни томоша қиладиган?! Сира мумкин эмас-ку, бу. Ахийри, тоқатинг тоқ бўлиб, шаҳарга қайтишинг ташвишини чека бошлайсан, ҳар қалай, бу ҳам осон эмас, аввал бир амаллаб район марказига етиб олишинг керак! Автобус йўқ! Демак, катта йўлга чиқишинг, одатдагидек, йўловчи машиналарга қўл кўтаришинг, эҳтимол, тонгдан шомга довур сарғайиб туришинг керак бўлар?!

Шунақа...

XX асрнинг саксон еттинчи йили. Қосмонавтлар етти қават осмонга чиқиб, Иссиқкўлда чўмилаётган оқбилак малакнинг тирноғидаги хино сув юзига қандай таралишини томоша қилиб турган бир пайтда, икки қўлинг бир тепангда бўлиб сен ўрта йўлдасан...

...Ватан!

Хўш, мен қандай кўрмоқ истайман сени? Тақдиринг кимларнинг қўлида ўзи? Қайда қолди ўша мусаввир?..

## II

«Халқим! Халқим...»— Шоирлар шундай демоқни хуш кўрадилар. Ва лекин бир мунаққид айтадики, шундай мурожаат этмоққа барча шоирда ҳам бирдек маънавий ҳуқуқ бўлмайди. Юртнинг шоири кўкрагини ханжар тилган ва қон силққан юраги кўриниб турган кимсага ўхшайди. Уша — қон силққан юрак — халқнинг дарди-ҳасрати. Уша — қон силққан юрак — халқнинг кечмиши, келмиши. Шоир халқи руҳини юксакликка ортмоқлаб, чиқишга қодир зот. Шу маънода у тошни думалатган кўйи чўққига интилаётган Сифиз<sup>1</sup>га менгзагуликдир. Айни маврудида дунёга келган шукуҳли асарлар кишиларни улуғ эврилишларга йўналтиргани рост, бироқ устивор ҳодисалар ҳамisha шахсларнинг иштирокида кечгани ҳам рост. Зеро, очунда, элат тақдирида бурилиш ясашга фақат уларгина қодир.

## III

...Унинг йўлини кесиб ўтишга ҳам ҳеч кимнинг ҳадди сизмас эди. Ғужбоғнинг ҳаёти ғаройиб ҳодисаларга бой бўлган олтмишинчи йиллар. Баҳайбат пармаловчи машиналар қишлоқ биқинида қудуқ қазаётир. Ишчилар симёғоч ўрнатаётир...

Артезиан қудуқдан бўтана сув чиққан куни панада туриб уни томоша қилганим эсимда. Эгнида қўнғир кител, галифбе шим, «Беломор канал»ни тутатганча ариқ лабида турар, туриши, мўйлаблари, кенг яғрини — бари-барчаси кимнидир эслатар эди кишига. Ҳозир, бирон юмуш билан этикдўз дўконига кириб қолса, деворда осиглиқ турган Сталиннинг суратига кўзим тушадию бенхтиёр уни — Шахсни кўргандек бўламан. Ушанда у қайнаб чиқаётган бўтана сувга устивор назар билан тикилиб турган-да, оғиримиз енгиллашдиёв, деган, сўнг ўгирилиб вазмин одимлаганча «Победа» сари юрган.

---

<sup>1</sup> Сизиф — Альбер Камю эссеси қаҳрамони. Олий манзилга ҳўз тиккан инсон.

Орадан йигирма йил ўтгач,— эндигина оқланиб чиққан кунни,— яна бир марта — бу гал жуда яқиндан — уни кўрдим: боёқиш мункайиб қолган, асо тутган қўллари қалтирар, худди сиздан ва ёки мендан норозидек сира бошини кўтармас, кўнгил сўраб келганнинг-кетганнинг юзига қарамас; бечораҳол ер чизиб ўтириши, назаримда, ўзига ҳам нашъа қилаётгандек эди. Ҳар қалай, менда у шундай таассурот қолдирган.

Уч кун ўтга., овозини эшитса эл бир сескинадиган Теша жарчи Ғужбоғни оралаб ўтди: «Палончиникига — таъзияга-а-а!»

Халқимизнинг тузук одатлари бор: биров ўлса, нима бўлганда ҳам, кўмади. Марҳумнинг юзини очиб қўйган киши ичкарида қолиб кетишдан чўчиган каби хаприқиб лаҳаднинг оғзига чиқди, сўнг кимдир чопонининг бари-ни тутди, одамлар бир сиқим-бир сиқимдан тупроқ ташлашди, қабрга тупроқ тортилди. Шу тариқа ўзига ишончи баланд бўлган, бу юриш-туриши тугул папирос чекишида ҳам кўзга яққол ташланадиган, турфа хил феъл-атворларнинг, тўпорларнинг қатъий таомилини бузиб, турмушга ислоҳ киритган Шахснинг қадами ердан узилди.

Раислигида — хўжалик радиоузелида туриб — кунда, кунора у кимгадир таъна қилар, кимнингдир шўрига шўрва тўкар эди: «Ҳой, фалончи, инсофинг борми ўзи? Нега ғунажинингни пайкалга қўйиб юбординг? Қора кунингга буюрсин десам ҳафа бўласан, нокас, нима дейди сенга? Ҳў-ўй, Писмадончи, катта кичик ўлибтирилиб пахта теряпти, нега сен бозорма-бозор улоқиб юрибсан? Олибсотар Уй қураман деб белинг чиқиб кетганида дардингга малҳам қўйган мана шу колхоз, мана шу одамлар эди-ку! Нега фириб берасан эди? Ёрдам ҳақини ундириб олайми ё?» «Пистончибой! Элга хизмат қилинг деб сизни магазинга қўйганмиз, билдингизми! Одамларнинг кўзини шамғалат қилманг! Қаматиб юбораман-а!..

Кишиларни хушёрликка ундайдиган бу овоз аввал бўғилди, кейин ўчди. У пайтлар биз ҳаётнинг паст-баландини билмас эдик, ҳозир қабристондан қайтаётганларнинг афту ангорини бир-бир эсласам, рости, юрагим увишади. Кимнинг дилини оғритмаган у, кишилар шуни эсларидан чиқара олмасди шекилли, аксарият юзларида «Сенинг ҳам келар жойинг охир-оқибат шу ер экан-ку!» деган маломат... Орадан икки ҳафта ўтгач бир хунук гап



чиқди: анҳорнинг суви тошиб, фалончиевнинг гўрини ювиб кетибди! Шу ваҳиманинг ўзи ақидапараст мўсафидларни қанчалар шошириб қўйганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Аслида эса эҳтимол, бу ҳам ночор ва пасткаш аламзаданинг бир кирдикоридир, ҳар қалай, бугун мен шундай палид кимсалар борлигига ва улар бундан ҳам қабиҳ, бундан ҳам чиркин қилғиликлардан сира-сира тап тортмасликларига зигирча бўлсин шубҳа қилмайман. Лекин у маҳал на мен ва на бошқа биров шундай ўйга борган эмас, аксинча, катталар йўйишганки, «шўрлик оғир гуноҳга ботган экан-да!» «Яратганниям қаҳрига учради-ку!» «Шундай, шундай!...» Уша кезлар бешикка беланган чақалоқ ҳозир эр етган, тўю марокада гап чувалиб келиб Шахсга тақалгудек бўлса, агар, у кишим ҳам инжилиб қўл силтайди: «Ўтган-да Темурлангга ўхша-аб ...»

Нега?

Нега шундай?

Бувим нега уни «яхши одам» деган эди?

Аслида Шахснинг ўзи қандай киши бўлган?

#### IV

Тириклар бино этган олам тенгсиз, лекин уни марҳумият дунёсига сира қиёслаб бўлмайди (Воле Шойинка).

#### V

У хўжаликнинг биринчи ранси эмас, охиргиси ҳам бўлмаган. Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида қатор майда колхозлар бириктирилган ва гигант хўжалик тuzилган, раҳбар сифатида у, дейлик, тарих саҳнасига чиққан. Сўнг қисқа фаолияти мобайнида юзлаб тўпорларни йўқ қилган, бинобарин, бош лойиҳа асосида Ғужбоғга ўхшаш йнгирматача замонавий қишлоқ барпо этган. Тўпорлар бузилиши баробарида боғ-роғлар сақлаб қолинган, табиики, бу хўжаликнинг мева-чева таъминотига имкон яратган. Ҳозир ўша қишлоқларнинг қайси бирида бўлманг, битта ва ёки иккита ҳазон кўмган қаровсиз ҳовузларга кўзингиз тушади, улар,— ҳашар йўли билан албатта,— ўша пайтлар қазилган ва ён-атрофи манзарали дарахтлар билан тўсилган, бир тарафида шийпон, иккинчи тарафида эса боғ бино этилган. Муҳ-

ташамгина клуб, иккита ёзги кинотеатр, учта магазин ва мактаб, ошхона, ҳаммом қурилган, марказий йўлга тўлиқ асфальт тўшалган, ипак қурти боқиш учун махсус тут плантациялари, таътил пайти ўқувчилар дам оладиган кўркам лагерь барпо этилган. Шу билан бирга, хўжалик ғазнасида саккиз миллиондан зиёд маблағ йиғналган. Орадан ўн беш йил ўтгач, район миқёсидаги раҳбарлардан бири туёқ сонини таққослай туриб, ҳайратга тушгани эсимда. «Буни қаранг-а,— деган эди у,— ўша пайтлар биргина сизларнинг хўжалигингиз саксон тўрт минг қўйга эга бўлган! Кўрдингизми, даромад қаёқдан келган! Ҳозир-чи? Ҳозир бутун бошли район чорваси етмиш мингга етар-етмас!» Негадир у Шахс ҳақида гапиратуриб, инжилиб қўл силтамади...

Бир гал Шахс билан бақамти юрган чоллардан — Ҳақназар бобони жўрттага гапга солдим: «Фалончиев қизиқ одам эди, а?» Шунда у: «Пича тентаклиги бор эди ўзи,— деди. Албатта, одамнинг ортидан гапириш осон, хусусан, ўлганнинг. Лекин, кейин англашилдики, Ҳақназар бобо унинг феълида кўрган сакталиқ ҳам аслида дуруст аломат экан:— Хислатли эди-да, қурғур! Ратат бобонгни биларсан? Қачон қарама, эшагини қичаб юргич эди. Рўпарасидан муштдай тирмизак чиқиб чапак чалсаям ўтирган жойида ўйнаб кетаверарди. Фалончиев кўнгли тусабми, зиқналибми, вақти-соати билан шунини йўқлаб турарди. Агар, йўлда кетаётиб, Рататнинг қорасини кўрса борми, урасолиб «Победа»дан тушарди-да, бешқарсакни бошлаб юборарди. Кўрган, бу — раис эмас, қип-қизил бир тентак, деб ўйларди. Элнинг юзи-кўзида иккови жазавага тушиб бир ўйин кўрсатардики, уёқ-буёғи йўқ. Ўзиям артист-партист деганни яхши кўрармиди, ҳар тугул, икки-уч ой ичида Комилжонними ё Фахриддиними, Тошкентдай жойдан чиқиб келиб, колхозчи-ман деганингни чарчоғини бир чиқарарди-да...»

Шунда мен: «Бирон кишига у ёмонлик қилганми? Қаматганми?»—деб сўрадим. Ҳақназар бобо соқолини селкиллашиб бир кулди-да: «Қаттиққўл эди, жайдари дўқ қилишнинг биларди. Шуйтмаса, одамлар дарров ўзидан кетиб қоларди, болам»,— деди. Оқсоқолнинг нақл қилишича, Шахс итнинг ҳам, ҳатто битнинг ҳам бурнини қонатмаган. Қачон қараманг, асли мингта ташвиш билан юрган, бошини қашишга ҳам фурсат топмаган...

Мен ҳам уни шундай хаёл қилар эдим...

Болаликда кўрган-кечирганлари киши ёдида муҳрланиб қолар экан. Назаримда, ҳаммаси купи кеча бўлгандек: дафъатан лойиҳа асосида қишлоқлар қад кўтарди, сўнг район марказига автобус қатнай бошлади. Кўчалар кечалари сутдай чароғон — сим ёғочлардаги чироқлар юлдузлар маржони каби чарақлаб туради, деворлари оқ-оппоқ боғча-ю мактаб биноси шаҳарни эслатиб юборади кишига.

Кўкламги экин-текин арафасидаги, йиллик ҳисобот-сайлов ниҳоясидаги халқ сайллари, байрам кунларидаги шукуҳ, расмий-норасмий қутловлар, мукофотлар... Буларнинг барчаси қандайдир шопмўйлов бригадирга ёки салқинда чўт қоқиб ўтирадиган ҳисобчига эмас, ўша — куннинг тиғида кетмони ялтираган сувчига ёхуд манглай терини сидириб пахта тераётган чеварга ва ё жазирамада жизғанаги чиқиб қўй боқаётган чўпон-чўлиққа — оддий, қора меҳнаткашга аталган бўлар эди. Киши рағбатга нечоғлик эҳтиёжманд...

Ҳозир, шуларни эслар эканман, турмушни безаш, яъни унга маъно киритиш нақадар осон, деб ўйлайман, хоҳиш бўлса — бас!

Қайси хўжаликка борманг, марҳамат, ўнлаб ташкилотлар бор: касаба союз, комсомол... ҳушёрлар жамияти... Лекин бирон киши касалхонага тушар бўлса, бориб ундан кўнгил сўрайдиган йўқлагувчи йўқ. Бирон аёл «Қаҳрамон она» бўлақолса, қишлоқ Советидагилар ўлганининг кунидан келиб нишоню ҳужжатини ташлаб кетишади. Ё тавба, нима бўлган ўзи буларга, деб ёқа ушлайсан киши!

Кўзим билан кўрганман: бирон теримчи ва тракторчининг меҳнатини сийлаб — ҳеч бўлмаганда — колхоз радиоузелидан қўшиқ эшиттирилганида, яъни пластинка қўйиб берилган каттаю кичик шуни жонқулоғи билан тинглаганини. Қўшиққа ўчликдан эдимми бу? Йўқ. Агар янглишмасам, гап — эътиборда, қадр-қимматнинг улугланишида эди.

Кузак оёқлаган кезлари йиғим-терим кишиларнинг энка-тинкасини қуритиб юборади. Сир эмас бу. Шундай паллада банагоҳ радио қитирлаб, микрофоннинг чертилгани, кейин маҳаллий дикторнинг кўтаринки овози эшитилади: «Диққат! Диққат Колхоз радиоузелидан гапирамиз! Ҳурматли ўртоқлар! Бугун кеч соат саккизда колхоз клубида Комилжон Отаниёзов ижросида катта концерт берилади. Соат бешда ҳар ким ўз бригадаси

дала шиймони қошига йиғилиши сўралади. Бригадалар учун алоҳида машина ажратилган, концерт тугагач, шу машина уйлариингизга олиб бориб қўяди. Диққат, қай-тараман...» Қошларини бўяган қизлар, ясан-тусан йигитлар — кўчаларни тўлдириб юришади — байрам бўлади ўша кун...

Эҳтимол, менга шундай туюлар, ҳар қалай ўша кезлар, назаримда, колхоз бир оилага, яъни ҳар битта аъзоси дастурхони тўкинлиги, хўжалик ҳаёти янада кўркам бўлиши учун елиб-югурадиган тотув оилага айланган эди. Ҳойнаҳой, ўзлари англамаган ҳолда улар раиснинг ундашларию койишларидан руҳ олиб тиниб-тинчимасди.

Хўжалик хонадонларини гаялаштириш бўйича лойиҳа тузилиб, энди водопровод ўтказишнинг режаси чи-зилаётган бир маҳалда...

...биз — болалар ундан қаттиқ ранжиганмиз. Ранжи-май бўладими, ахир?! Самолёт қиялаб шундоқ бош ус-тингдан шудринг сочиб ўтса, ҳамтенгларинг билан унинг изидан чопқиллаб сен қўшиқ айтсанг: «Самолёт, самолёт, Қанотингни пастлаб ўт. Қанотингга хат ёзай, амакимга ташлаб ўт!...» Шу маҳал йўқ ердан бир отлик пайдо бўлса, сени жеркиб: «Қир уйингга!» деса, ўзи — қўлида милтиқ, самолётни қувиб кетса...

Уйинимизни бузганлиги, тагин силтаб ташлаганлиги учун ҳам ўшанда ундан қаттиқ хафа бўлдик. Лекин не-га жазавага тушиб самолётнинг изидан от қўйиб кетди? Нега кейин дефоляцига, умуман, машина теримига қар-ши чиқди — консерватор деган ном орттирди, каттанинг ғазабига дучор бўлди? Нега?

Яқин-яқинга довур, кучини кўрсатиш учун у шундай қилган, деган ўйда эдим. Энди билсам, ўшанда у касал-хонадан — сариқ касалга чалинган набираси жон тас-лим қилаётган палатадан қутуриб чиққанча...

Хуллас, Каттанинг ғазабига дучор бўлди: текшир-текшир бошланиб кетди. Тафтиш устига тафтиш. Аввал бошқа улус ажабланди — улар бу ёруғ дунёда шундай раисни ҳам тафтиш қилишга қодир одамлар борлиги-ни ҳатто хаёлларига келтиришмаган эди, чамаси, кейин ҳойнаҳой, ундан ихлослари қайтди — чунки Шахс худо эмас, пайғамбар ҳам эмас, шунчаки — ўзларига ўхша-ган оддий бир одам эканлигини фаҳмлаб қолишди, бу орада идора ходимлари ичида парокандалик бошланди, бош ҳисобчи мажлисда уни «уриб» чиқди. Серҳашам клуб қурдиргани, боғ-роғни сақлаб қоламан деб ерни

исроф қилгани, одамларга ёрдам бераман деб хўжалик маблағини совургани «фош» этилди ва ишдан олиб ташланди. Кейин раҳбарлик пайтида йўл қўйган жиддий камчиликлари учун партиядан ўчирилди ва...

«Шу кеча уни ҳибсга олишибди» деган гап чиққач, кишилар нечоғлик саросимага тушишгани ҳали-ҳали эсимда. Уйларида илон чиққан каби улар бежо, шивир шивир қилиб кечга довури кўчада ивирсишган. Ҳозир, ўша тафсилотларни эслайтириб, минг қўйчига бир бошчи, деган гап нақадар тўғри эканлигига иқрор бўласан, киши Ахир, одамлар ҳар қанча норози бўлишмасин, бош бирикмаган, тегишли муассасаларга бориб, «Нега бундай бўляпти ўзи?» дейдиган жўмард топилмаган. «Ноҳақдан ноҳақ-а?!» дейишдан нарига ўтишмаган. Ва оқибат, у кетди, ўзи билан файзу қутни ҳам ола кетди...

Яқинда Тошкент циркида психологик этюдлар намойиш этилди. Ижрочи манежга чиқди ва аҳли залга ўтинди: «Агар, мароқли томоша кўрай десангиз, топшириқларимни хайрихоҳлик билан бажаринг!» Кейин у ҳукмфармо овозда деди: «Қўлларингизни юқори кўтаринг, бармоқларингизни чалиштиринг, кўзларингизни юминг!— У Ҳукмбардорга айланди.— Қўлларинг оғирлашиб кетяпти! Зил-замбил бир юк тепадан босиб келяпти! Панжаларнинг бир-бирига қалишиб кетяпти, ёпишиб қоляпти! Ёпишди! Ёпишиб қолди!..» Ниҳоят, у яна «сиз»лаб: «Энди кўзингизни очинг, бармоқларингизни ажратинг,— деди сўнг изоҳ берди: Кимнингки қўллари бирикиб қолган бўлса, уринмасин, бефойда. Марҳаҳат, манежга тушин!»

Фалакдан тўкилган юлдузлар каби... ўттизтача қизу йигит манежга тушиб борди, чиндан ҳам уларнинг бармоқлари бирикиб қолган эди. Ижрочи тагин ўтинди — муҳиблари бориб манеж тўсиғига ўтиришди. «Бошларингизни эгинг! Илтимос, мендан бошқага қулоқ солманг!» Сўнг у яна Ҳукмбардорга айланди: «Қўлларинг оғирлашиб кетяпти! Чап қўлинг муз қотди, ўнг қўлинг... мендан бўлак ҳеч кимнинг гапини эшитмаяпсан сен!— У бир лаҳза тин олди-да, қиличдек кескир озовза деди:— Сизлар цирк артистисизлар! Ҳозир биз томошабинларга ўйин кўрсатамиз!..» Болалар пластилиндан турфа хил шаклу шамойил ясалгани каби Ҳукмбардор ҳам ижрочиларини гоҳо сут соғувчи, гоҳо энага, гоҳо масҳарабозга айлантирди. Тасаввур қилинг-а: бир қизни чақириб, у савол берди: «Исминг нима?» Қиз жавоб берди

«Вера». «Умрингда Алла Пугачёвани кўрганмисан?» «Йўқ». «Унинг бирон қўшиғини биласанми?» «Йўқ?» «Ёқтирмайман». Шунда Ҳукмбардор ўнг қўлини азот кўтарди, қизнинг манглайига текизди ва ҳукм қилди: «Сен — Алла Пугачёвасан!» Шунда қиз айтди: «Мен — Алла Пугачёваман!» У айтди «Навбат РСФСРда хизмат кўрсатган артист Алла Пугачёвага! «Юз дўстинг...» қўшиғини ижро этади!» Қиз, машҳур хонанда каби оқбилак қўлини ҳавода ўйнатиб, ихлосмандлари билан сўрашган бўлди, сўнг саркаш, куйлай бошлади...

Минг айтгандан бир кўрган афзал! Манеждаги йигитлар ўзларича соз чалган бўлиб, қизлар раққосалар янглиғ ўйинга тушиб кетишганини бир кўрсангиз эди. Бир кўрсангиз эди — руҳий қудрат таъсирида одамзот нечоғлик эшилишини!...

Ниҳоят, Ҳукмбардор чекилди — ижрочиларни асл ҳолларига қайтарди, шунда улар минг йиллардан бери тош тарошлаб силласи қуриган қуллар каби шалпайиб қолишди.

Назаримда, бизнинг раис ҳам мана шу Ҳукмбардор каби кишиларни ҳаракатга келтиришга қодир руҳий қудратга эга эди. У кетди ва табиийки... манеждагилар сингари аксарият беҳол, гарангсиз қолди...

Хуллас, у чагилди. Йўқлагувчиси, ёқлагувчиси бўлмади. У пайтлар бундай кўргуликка гирифтор бўлишнинг ўзиёқ кишини элнинг кўзига ёмон кўрсатиб қўяр эди. Устига устак, «Бир балоси бордирки...» дея фол очгувчилар кўп бўлди. Ва оқибат, у юзи қорага айланди. «Баъзан ёмон от қолур яхши одамдан ҳатто, Қай бир ёзув кимсани яхши дерлар эрта кун...»

Шундан буён ҳам чорак асрча вақт ўтди, бу давр ичида ўша — Шахсдан қолган, унинг ўзи деярли минмаган «Волга»ни олти раис тўзгитди, тамомила у сафдан чиққач, охири сўнги раҳбар — албатта, ичида ўздан олдин ўтган раисларни сўка-сўка — юк машинасида юришга мажбур бўлди (Қарзга ботган хўжалик хўжасини улов билан сийлашга ҳам қурбсиз эди!) Етти раис у ўтирган курсида ўтиришди, етти раис у юрган йўллардан юришди, етти раис...

...ва лекин...

Психологик этюдлар сўнгида Ҳукмбардор менинг ҳам кўнглимга ғулу солди: «Дунёда беҳислат одамлар бўлмас! — деди у. — Менда неки қобилият бўлса, сиздаям шу бор. Фақат у яширинг. Ҳамма гап шуни юзага

чиқаришда! Уйга келгач, «Епирим!» деб чўкка тушдим да, ишга киришдим. Ҳарчандки уринмай, рўпарамда чумчуқдек тизилиб турган болаларнинг, лоақал бирон-тасининг қўли бирикиб қолмади, қайтанга улар масҳара қилиб мендан кулишди. Донолар билиб айтганки, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин-да!

Рўй-рост сизга бир гапни айтай: ўша раисларнинг учтаси ҳар нечук бугун муҳокама этишга «арзирлик» из қолдиришган. Қолган тўрттаси... уларнинг қўлига ҳатто чўпон таёғини берган ҳам гуноҳга қоларди. Бир сурув қўйни иродангга бўйсундириш учун ҳам қобилият бўлиши керакми, ахир?!

Шахсни «ағдариб» тарих саҳнасига чиққан собиқ бош ҳисобчи — шартли равишда уни Раис II деб атаймиз — элнинг назарида, кенг феъл, вазмин киши эди. Негадир, у фақат қорасини кўрсатган дамдагина кишилар раислари ҳам йўқ эмаслигини эслаб қўйишарди. Бир гал Раис II Тошкентга — Қишлоқ хўжалик институтида таҳсил кўраётган ўғлини кўришга келган. Шунда хайрлашатуриб, ўғлининг қўлига у бир даста ўн сўмлик тутқазган — бизнинг кўз ўнгимизда, албатта. Яна қандай алфозда денг, ўғлига ўзидан бўлак ҳеч ким уйда йўқдек бамайлихотир шундай қилган. Ҳолбуки, чўнтагида ҳемири йўқ учта «устудент» ёнгинасида кўзимизни лўқ қилиб турган эдик. Гарчи «анъанавий» мисол бўлса-да, айтмай, унинг ўғли — фаҳм-фаросатли йигит эди ўзи — кейинчалик ҳатто гадо ҳам қайрилиб қарамайдиган чойчақани деб бир неча йилга қамалиб кетди.

Раис II, агар, эл орасида юрган гап рост бўлса, кундузлари ўғри мушук каби искаланар, кечаси бошига рўмол ўраб бева-бечораларникига зир қатнар экан...

Аввал бошда ўзининг ташкилотчилик иқтидорини, аслида Шахсдан кам раҳбар эмаслигини кўрсатиб қўйиш учун, у ҳам катта ишни бошлаб юборди — Ғужбоғнинг юқори қисмидаги чорвабоп адирни шудгор қилдириб ташлади. Уша йиллари қўриқ ер очиш русумга кирган, қалам аҳли чўл баҳодирлари шаънига ҳамду санолар ўқиб турган пайтлар эди. Учқур газетачиларнинг мақтовларига учиб, Раис II га ўхшаш раҳбарлар халқнинг миллион-миллион пулини шудгорларга кўмиб ташлагани бугун сир эмас. Хуллас, ҳар йили кўкламда қизғалдоқлар солланиб, майсага бурканиб ётувчи адирлар олтмиш бешинчи йилнинг баҳорида қўнғир тус касб этди. Этакдаги ёвон билан бировнинг иши йўқ, ҳамма бу

ёққа кўчиб чиққан. Чигит ташиб келган — ким, ариқ қазиётган — ким. Ҳозир ўша даврларни қоралашдан қўли бўшамаётган газетачиларимиз олтмиш бешинчи йилларда Раис II (ва шу хилдаги раҳбарларнинг) атрофида гирдикапалак бўлишган. «Эндигина бошланган қўшим...» дея улар «журъат билан қўл уришган, «улуғвор ишларни» мадҳ этишган, бунга уларнинг қаламлари гувоҳ! Бўяб-бежалган қоғозлар, газеталар гувоҳ! Эл гувоҳ, она юрт гувоҳ! Афсус шундаки, Раис II ҳам, унинг ҳайбаракаллагилари ҳам бу тошлоқ ерларда икки дунёда ҳам пахта етиштириб бўлмаслигини ҳис қилиб, кўриб-билиб туришган, бироқ тескарисини ёзишган. Бу ҳам русумга кирган, касалликка айланган эди ўзи. Қоғоздан Раис II нинг ҳайкалини ясаган кекса бир журналистни биламан. Яқин-яқинга довур, ўз ибораси билан айтганда, у «отахон газета» редакциясида ишлар, инқилобни ҳам ўзи қилгандек, ҳукуматни тузиб мамлакатни ҳам тебратиб тургандек ҳеч кимга йўл бермай ғира-шира коридорни тўлдириб юрар эди. Кейинги ўн йилда у республика ҳаётидан буткул узилганига ҳеч шубҳа қилмайман. Шу одам хонасида ўтириб юрда бўлаётган ишлар ҳақида — газета орқали — юртдошларига «чўпчаклар» айтиб берар эди. Гарчи, ташқарида қор учқунлаётган ва пахтанинг урвоғи ҳам қолмаган бўлсада, отахон газетанинг отахон ходими: «Олтин қўлли фалон теримчи кеча йигирма беш килограмм «оқ олтин» териб, Ватан хирмониغا дўндириб тўкди» дея лоф уришдан сира ўзини тия олмасди. Сўнг бу рақам айтгулик эмасдек туюлар эди шекилли, хабари босмахонага тушмай туриб «ўттиз беш кило» дея тузатиш киритар, ярим кечаси яна саҳифани бўяб, кўрсаткични «олтмиш»га етказар, шундан кейингина кўнгли жойига тушиб, бир оз енгил тортар, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан ўтаган каби мамнун уйига кетар эди.

Касаллик, иллат бу! Қачондир талаб шундай бўлган, шу руҳ қонларга сингган — қуш уясида кўрганини қилади. Сўзга масъуллик йўқолгач, газеталар ердан оёғини узиб олган. Йиллар мобайнида бу асорат сақланажак.. Қаҳрамонимиз сувратини ўтда куймас, сувда чўкмас баҳодир таққосида чизмасак, ахир, ҳалиям кўнглимиз тинчимайди-ку!..

«Гапни сочдай бурама», дейди шоир. Гапни сочдай бурашимга сабаб — ўша йил биринчи сентябрь қоқ тушда радио орқали наволарга йўғрилган шундай ха-



бар таралди: «... Гужбоғлик қалби қайноқ чўлқувар азаматлар уч юз гектар қўриқ ва бўз ерни ўзлаштириб, ҳар гектар бошига ўттиз центнердан оқ олтин йиғиб олишди. Қўриқ бригада шоввозлари бир кун ичида йиллик пахта тайёрлаш планларини ошиғи билан бажардилар. Шу кунларда улар мажбурият ҳисобига Ватан хирмонига чўл дурдонасини топширмоқда...»

Ҳолбуки, Ватан хирмонида бир мисқол ҳам пахта бўлмаган ўша пайтда.

Қўриқ ғўзаси қулоқ бергани рост, лекин адирга сув чиқариб бўлмади — ер тошлоқ эмасми, сингиб кетаверди, у. Аввал ариққа целлофан тушалди, бунинг нафи тегмагач, қувур ташиб келинди, одамлар жонини жабборга бериб кечаю кундуз елиб-югурди, бироқ ҳеч натижа чиқмади, шунда Раис II маҳв бўлган Наполеон каби мийиғида бир илжайди-да деди:

— Зиммамиздаги катта ишни биз бошлаб қўйдик, келажак авлод буни давом эттиради!

Келажак авлод эса ундан ўша — мийиғидаги илжайишнигинамерос қилиб олди, астар-авраси чиқиб ётган «қўриқ»қа қайрилиб қарашмади. Икки орада ўша жойлар асрий кўрку тароватидан жудо бўлди, ҳам чорванинг ризқи қирқилди...

Ибтидонинг интиҳоси бор. Интиҳо шу бўлдики, хўжаликнинг бурунги шуҳратидан асар ҳам қолмади. «Даромад» деган атама колхозчиларнинг луғавий бойлигидан чиқариб ташланди. «Андоқ урдиларки, тиззасигача ерга ботиб кетдилар» деган каби кетма-кет зиён шундоқ зарба бўлиб тушдики, хўжалик саккиз миллион қарзга бўғзига довур ботиб кетди. Айни шу пайтда район миқёсидаги раҳбар ўзгарди. Бир пайтлар у билан нон-қатиқ бўлган агроном, гарчи уқувсиз бўлса-да, ҳокимиятни тортиб олди ва Раис III сифатида тарих саҳнасига чиқди. Ёшини яшаб, ошини ошаган собиқ раҳбар эса хотинини биров тортиб олгандек куйиб кетди. Бу камдек, Раис III ҳамма ишни бир четга йиғиштириб қўйди-да, енг шимариб собиқнинг қавму-қариндошларига қарши курашни бошлаб юборди. Раис II нинг куёви — қишлоқ Совети раиси, яна бири — бош ҳисобчи, хуллас, кутубхоначига довур унинг кимидир эди. Раис III булар билан шу олишгандан олишди, то амалдан кетгунича. Табиийки, «собиқ»чилар ҳам қараб туришмади — Раис II ё пирим деб мук тушди-да, бошлаб юборди-ку ёзишни! Худонинг берган куни унинг уйида

ийғин, худонинг берган куни иғво, фиcкy фасод, ёза-ёз! Худонинг берган куни идорада тафтиш...

Оқибат, «собиқ»чилар Раис III тугул унга қўшиб ҳатто район раҳбарини ҳам «ағдаришди». Лекин қайтиб «собиқ» қа амал насиб этмади, у ганимининг терисини шилиб ётган пайтда беэга курсига лип этиб бошқа биров ўтириб олди. Раис IV сифатида тарих саҳнасига чиққан бу кимса қилни қирқ ёришга қобил экан. «Кел-эй, сен ҳам е, мен ҳам ейман. Ҳаммамизга етади» дедида собиқ Раис (II)ни иззат-икром билан кўтарди, ўзининг ўнг қўли — халқ назорати комитети раиси этиб тайинлади. Унинг қавмуқариндошларини ҳам қўллаб-қувватлади. Ўзи шуларнинг аравасига миниб, шуларнинг қўшиғини айтиб... кўп узоқ кетди. Даставвал у бош лойиҳани бузди — ерни сотди; унинг даврида колхознинг қўйларига «қирғин» келди, моллар десангиз пулга айланиб кетди. Э-э, нима ҳунар кўрсатмади у. Куппа-кундузи дабдурустан одамларнинг чўнтагига қўл суқди, ҳой нокас, нима қиляпсан ўзи, дейдиган забон топилмагач, оз қолди-ёв бутун бошли хўжаликни пулга чақиб юборишига!...

Элнинг тилига кўчган гап рост бўлса, ўша кимса шу мартабага бир ўтириб кўриш учун неча боғлам элликталикни тегишли кишига элтиб берган экан, шунинг ўрнини тўлдириш учун кишиларни у беомон талади. Ва олиш-беришга кенг йўл очган раҳбар сифатида хўжалик тарихига кирди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, у жим-жимадор измо чеккан юзлаб «Акт»лар яқинда қайта бошдан, махсус ўрганилди, судда асқотди. Жиндай лопфи билан айтиш мумкинки, уларда бутун бошли шаҳарлар барпо этилгани, кейин ўт тушиб уйлар ёниб кетгани қайд этилган эди...

Шахсдан кейин ҳокимият тепасига чиққан раҳбарлар апир-шапир автобусга чиқиб-тушаётган йўловчиларни эслатади менга. Зеро, уларнинг ичида юлғичи ҳам, иғвогари ҳам, бузуқиси ҳам, чўнтаккесари ҳам бўлиши табиий-ку!

Ушаларнинг биронтаси — хўжаликни бир четга қўйиб турайлик — қишлоғида, ҳатто ўз уйида, яъни ҳовлисида бир туп ниҳол эккан одам эмас, ҳойнаҳой шундай ниятнинг ўзи бўлмаган уларда. Ҳали айтганимдек, ҳар қалай, уларнинг ҳокимият тепасига чиққан даврлар бошқача эди — мартабага миниб учун бошда совуриш, кейин харажатни уч-тўрт ҳисса чиқариб олиш ақидага

айланган эди. Шу йўлни тутган кимсалар нимаси биландир иффатидан айрилган енгил оёқ қизчаларни эслатади менга. Раҳбарлик уларнинг назарида, хонликдан ҳеч тафовутсиз, катталарнинг ялоғини ялаш, ўзгаларни тобуи этиш, муте ҳолида кўриш, эзиш, давру даврон суриш — юрт сўраш уларнинг иш принципига айланган эди. Утган чорак аср бадалида хўжаликда дурустроқ бир боғ барпо этиш у ёқда турсин, ҳатто бир туп ниҳол экилмагани шундан.

Хўжаликнинг сўнгги раҳбари — Раис VII, албатта, ишдан олинишидан бурун — Қримга — дам олишга кетатуриб, Тошкенти азимга бир қўниб ўтди. Гапдан гап чиқиб, ўшанда колхозга битта «Жигули» ажратилгани, шуни ўғилчага олиб қўя қолай, деб уринганида айримлар қитмирлик қилишганини, ахийри, қурғурни кўпболали бир она номига расмийлаштириб, бир амаллашга мажбур бўлганлигини айтиб нолинди. «Одамлар чатоқ бўп кетяпти, ука, — дея зорланди у, — тунов кунни янганг билан бир ўйнаб келай, деб шу йўлланмаларнинг кетидан тушсам, яна шу гап-да...» «Бари бир эвини қилибсиз-ку?» дедим мен. У мийиғида кулди: «Ҳозир артист бўлмасанг, кун йўқ ука. Бу савилниям бир сувчининг номига... нима десам экан сизга, хў-ўш, хулласи калом, бир сувчига берадиган бўлдик! Жўрттага шундай қилдим. Қасаба союзнинг қарориниям чиқартирдим. Бир пайт қарасам, ҳалиги сувчи келяпти-ҳаллослаб, «Халос қилинг шу балодан, раис бува!» деб шу ялинди, шу ялинди. Чўнтаги тешик бечоранинг, сариқ чақаси йўқ, Қримга борармиди у! Ҳа-ҳа-ҳа!»

Унга нима ҳам дея оласиз? Янгамизни, очиги, бир сатангни эргаштириб кетди — Қримга!

Дарвоқе, уч-тўрт йилча бурун мана шу кимсага бир тирғалганман: «Устозингиз чангини чиқарган жойларни боғ-роғ қилса бўлмасмикан?»

«Боғ?!» — у алайно-ошкор ижирғанди.

«Чинор-пинор, эҳтимол гужум экиш керакдир? Ҳар қалай, ўрмон қип юбориш мумкин-ку?!»

Шундай қилиш қийин эмас, буну у биларди. Лекин қориннинг сувини қимирлатиш — азоб. Жонини койитиб нима қилади. Тинчгина юриб, пича йиғади, ундан кейин... қиёмат қўпмайдими.

«Устозинг де?..» — У, Раис II га таассубан мийиғида кулди, кейин, бировнинг ишига тумшуғингни суқма, деган каби тағдор қараш қилди-да, бурилиб нари кетди.

Мана шу зот — бундан чорак аср илгари — лаққабалиқниқига ўхшаш мўйлабини осилтириб, хилчагина бўлиб юрар эди: бир йиғинда у комсомол-ёшлар номидан сўз олиб, минбарга чиққан ва «урилган» Шахнинг ортидан тош отган: «У ёшларнинг йўлини тўсди. У ёшларнинг кучидан қўрқди. У — амалпараст, порахўр, муттаҳам эди. Биз бундайлардан ҳазар қиламиз!

Иш сўраб келганимда у мени ҳақорат қилган, сен ўқишга пул бериб киргансан, пул бериб ўқигансан. Қовоққалласан! Балониям билмайсан. Хоҳласанг бор, бригадир бўл, ишни ўрган, кейин кўрамиз, деган. Ҳатто амаким ўртага тушганидаям... жойидан кўрқиб...»

Бир ҳафтадан сўнг гап чиқдики, Раис II уни чақириб, комсомол ташкилотига котиб бўлдинг, деган эмиш.

Уша пайтлар биз алвон галстук таққан кашшофлар эдик, кимдир, кўчаларга ном қўйсак шаҳарниқидай бўлади, дедию гурра унинг — котибнинг ҳузурига бордик. Гапимизни эшитиб, у ишшайди, сўнг товуқларни қувган каби ҳайдаб юборди бизни. Котиб сифатида унинг қилган иши шуки, Раис II нинг жомадонларини кўтариб пойтахтга қатнар, гап ташир — оғирини енгил қилар эди.

Саксон тўртинчи йилнинг кузида Ғужбоғга бориб, ёқа ушлаб қолдим — увада чопонда биллур тугмадай — кўча бошидаги уйлар деворига бир варақ қоғоз ёпиштирилган ва унда бу «Фалончиев номидаги кўча» эканлиги қайд этилган эди. Ана томоша сизга. Айтишларича, қайта қуриш экан бу! Раис VII тушмагур қайта қуришга энди «киришган» чоғида суддан чақириқ қоғози келипти. Кейин у Тошкентга келиб, касалхонада ётди. Бир кун баногоҳ сим қоқди: «Ётибмиз, мусофир юртди. Кўринмайсиз? Бир мундай кўнгил сўрайин, демайсиз?» Бордим. Бежо. «Юрак чатоқ,— дейди,— одамлар айниб кетди. Бизнинг ҳам оёқдан тортишяпти. Ишқилиб, ўзи сақласин... туҳмат балосидан! Бу дейман, шунча йил итдай ишладик, партияга хизмат қилдик... Неужели инobatга олмаса?» Мен индамадим. «Емоқнинг қусмоғи бор. Сал мард бўлинг, ака!» дейишга забон йўқ. Юз амри иссиқ. Ахир, давлат омонат кассасида ишлайдиган синфдошим айтган — тилло заём ўзгарганида мана шу одам бир сумка заёмини янгилаб олган. Бу гапни мен ўз қулоғим билан эшитганман. Лекин начора... Зорлангандан зорланди у: «Булар нима қилишяпти ўзи, ука? Тошкентдаям ҳамма норозидир? Бизда — шундай. Юртни эзиб юборишди. Халқда гуноҳ нима? Емаса, ичмаса,

ишласа, қулдай ишласа! Юқорини топшириғини бажарса, тағин...»

«Э, омон бўлинг! Мен қилманми шу қатламни? Кўп ўйлаб кўрганмиз, ука, Билмас экансиз-да, катта арава қаёққа қараб юрса, кичик арава ям шуёққа юради».

«Биринчи секретарь кесилдими?»

У эшитмаганга олди. Орадан бир ҳафта ўтгач, гап чиқди, унинг қўлига кишан солиб касалхонадан олиб чиқиб кетишибди.

Катта аравага эргашган кичик арава. Аравача. Улар йиғирма беш йил бадалида хўжаликнинг бешигига кириб ётишди — унинг тишига довура қоқиб олишди. Бу нокаслар кирдикорлари адабий қаҳрамонлардан бирини эслатади кишига, япон адабининг шундай бир фантастик ҳикояси бор: бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган чол ҳорижий мамлакатдаги қаҳвахонада ичиб ўтириб, яп-янги харитани ёзади-да, унинг бир нуқтасига тикилиб юм-юм йиғлайди. Худонинг берган кун — шу ҳол. Нега, биров билмайди, сабаби қоронғи. Ахийри, бир йиғит: «Ҳой, мўйсафид,— дейди келиб,— тинчликми ўзи, мунча кўзининг шўрвасини оқизасан?» Шунда у хаританинг аксар қисмини чўлғаб ётган мовий оканга термулганча ўкраб юборади. Сўнг бир жойга ишора қилиб, «бир пайтлар мана шу ерда Япония деган мамлакат бўлар эди» дейди, тағин йиғлайди. Табиийки, бу ҳангомага шоҳид бўлганлар ажабланишади. «Унақа мамлакат борлигини ҳеч эшитмаганмиз. Ҳаритадаям... йўқ-ку, ахир?! дейишади. Чол яна ўкраб юборади: «Ҳамма бало шунда-да! Уни мен сотиб еб қўйганман...»

## VI

Район миқёсидаги Янги раҳбар яқинда қўлидан иш келадиган кадрлар тақчиллигидан нолинди, ўрмонга ўт кетса хўлу қуруқ барабар ёнади, деди у, ишнинг улдасидан чиқадиганлар ҳам анавиларга қўшилиб «тойиб» кетди. Буёғи тангроқ — ёшлар оз эмас, кўтаряпмиз, рости ярқ этиб кўзга ташланганлари кам. Бўладиганлари тегирмонни юргизгунича ҳали йиллар ўтади...

Вақт эса кутиб турмайди.

Уша — Шахсдан қолган қишлоқни айланиб юриб, ғаройиб бир янгиликка дуч келдим: тағин симёғочларга чироқ ўрнатилибди, тағин кўчалар кечалари ҳам сутдай

ёруғ бўлар эмиш! Ҳамюртларимдан бири, шундан мамнун шекилли, мана, биз ҳам қайта қуришни бошлаб юбордик, деди, янги раисмиз ёш-да, ҳали кўп ишлар қиладиган кўринади!..

Қайта қуриш!..

Алам қилмайдими бу?! Яна ўзингга таскин берасан; ахир, инқилобий музаффарият ҳам дафъатан Ильич чироқларида жилва қилган эди-ку! Ҳа, шундай, Лекин нега менинг ҳамюртларим йигирма беш йил бурун ҳам мана шундай чироқлар чарақлаб турганлигини унутиб қўйинган? Нега улар Шахснинг номига ҳамон қора чап-лашади? Нега унинг хизматларидан кўз юмишади? Эътироф этгилари келмайди? Нега?

Англашимча, вақтида унинг олдида зир титраб турган майда каслар ўзларининг ғарибу нотавон эканликларидан ижирғанишган, шу нафрат ич-ичидан уни ёмон кўришларига сабаб бўлган. Унинг гуноҳи — эл қатори бўлмаганлигида. Унинг гуноҳи — ҳаётни ҳаракатга келтирадиган «ўрта қалам» билан муроса қилмаганлигида. Эҳтимол, Каттага уни ёмон кўрсатган, эҳтимол, уни йиқитган ҳам аслида шулардир. Ҳар қалай, бу ишда шубҳасиз уларнинг қўли бор. Шундай экан, қаердаки унинг номи тилга олинса, қаердаки унинг хизматлари эсланса, муқаррар ичларидан қиринди ўтади. Қабиҳ кирдикору пасткашликларини одамлар юзларига солаётгандек бўлади. Бу — нохуш, албатта. Шу боис улар Шахснинг номини дилларидан бутунлай ўчириб ташлашни лозим кўришган ва уни ёмонотлиққа чиқаришган. Қабиҳ, калтабин кимсалар фавқулодда заковат эгаларини кўра олмайди, уларнинг номини булғашга уринади, — Гелваций шундай деган. «Пок ва беғубор бўлмаган кимса ифлослик орттиради ва тарқатади» (Гилпократ). Бундайлар мағзавага тушиб кетгач, келиб жамоат жойида юнглариини силкиётган ирkit мушукка ўхшайди. Хуллас, шундайлар элни заҳарлайди. «Шахснинг ўзи қандай одам эди?!» Бу ҳақда ўйлаб кўрадиган одам бўлмади. Тинмай томаётган томчи эса тошни тешади.

Рост, ўша пайтда ҳам «Сен ёнмасанг, мен ёнмасам!..» дея бош кўтарганлар бўлган. Лекин битта дарахт ёнса, уни ўчириш маҳолми?!

Ғужбоғда бир қария бор: ёши етмишни қоралаган, лекин шу ҳолига на соқол қўяди, на мўйлаб. Эшилиб кетган гаслстугини таққан кўйи у шапка кийиб, зиёдинамо юради. Биз — болалар билиб-билмай уни мазах қи-

лар эдик: «ёзғувчи». Одатда, бу тоифадан ҳамма ўзини четга тортади.

Вақтида у енг ҳимариб ўртага тушган, Раис II билан қўлидан келганича олишган. Раис II — сичқонни пойлаган мушук каби — зериккач, ҳа, ҳа, айнан зериккач, уни ёнига чақириб, кўпчиликнинг олдида деган: «Хў-ўй, Тошбоев, оёқостида мунча ўралашасан, а?! Мақсад нима ўзи, мақсад?!» Тошбоев ловуллаб кетган: «Кўзбўямакаш! Кирдикорнингни очаман! Ҳақни қарор топтираман, билдингми?!» Раис II кулган: «Сен айтган Ҳақ қудратнинг туғи бўлади, Тошбоев! Бугун амал менда, демак, менинг айтганим — адолат! Дунё тескари айланиб кетсаю мабодо шу курсига сен чиқсанг, сенинг айтганинг адолат бўлади. Унга довору чиранма. Бефойда!»

Шу гапдан кейин ҳам Тошбоев билганидан қолмаган. Узлуксиз ёзган. Ахийри, бир оқшом яна уни идорага чақирришган, мажлис бўлишини ва унга дахлдор жиддий масала кўрилишини маълум қилишган. Шунда у бир амаллаб эшикка чиққан-да, қочган — худди ёш болага ўхшаб. Шу кетганича бориш мумкин бўлган Идорага довору борган. Эришгани шуки, партия билети ёнида қолган. Бари бир, орадан олти ой ўтгач, «Ёзғувчи» дея у фелъетон қилинган. Ҳамон шу тавқи лаънат бўйнида. Шу-шу, элдан чиқиб қолди, лекин ёзишни қўйгани йўқ. Ноҳақликни кўрса — бас, ёзади, шуида кимдир текширгани келади, кимдир зиёфат беради, кимдир кимнидир совға-салом ила кузатиб қўяди. Нега шундай, ахир? Бу киши нега «ёзғувчи»лик дардига мубтало бўлди? Неларни ёзаётир у. Бу ҳақда ҳам ўйлайдиган одам бўлмади.

Ҳолбуки, ўтган давр ичида юзага қалққан ва ўйлаб кўришга арзийдиган саволлар оз эмас эди: меҳнат ҳарқанча оғирлашмасин, нега даромаднинг чўғи паст? Нега дастурхондан файз кўтарилди? Нега рағбат йўқ — ишлашга, ўқишга, яшашга?! Ўзгалар тақдирига лоқайд, худкоммиз, нега? Дарёлар, денгизлар, замин биз учун бегона — жондошлик ҳиссини унутганмиз, нега кўргуликка бунчалар бефарқмиз?!

Ўзини таниган ва муайян халққа мансуб бўлган ҳар бир киши табиий равишда ўйлаб кўрадиган саволлар эди бу! Давр кўндаланг қўйган муаммолар эди! Жисми-жонимиздаги оғриқ эди бу!

Бироқ саволларга жавоб топмоққа ношуд эдик. Муаммони илғамоққа ноқобил эдик. Аросатда оғриқни ҳам сезмадик биз.

Модомики, шундай экан, ҳар қандай кўргуликка муносиб эмасмиз, ахир?! Шоир айтганидек:

Машраб осилганда қасқда эдинг?  
Лорка отилганда қасқда эдинг?  
Суриштирганмидинг Қодирийни ё  
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?  
Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,  
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.  
Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?  
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,  
Қачон халқ бўласан сен, эй — оломон?!

## VII

Ғужбоғда юздан зиёд хонадон бор. Бундай қишлоқлар хўжаликда оз эмас. Ун минглаб аҳоли — Толстой айтмоқчи, беҳисоб тасодифларнинг уйғун келиши оқибатида — қирқ йил мобайнида атиги битта шахс ва бир неча уддабурро, удли-шудлини вояга етказди. Шахс, ҳар қалай, турмушга ислоҳ киритди, амалпарастлар эса кишилар қисматида ҳеч кечириб бўлмайдиган мудҳиш асоратлар қолдиришди.

Ўша — кўчалар номланган кезлар (саксон бешинчи йилнинг октябри) Раис VII ҳали эгардан тушганича йўқ — жон талвасасида, область миқёсидаги янги Раҳбарга ёқай деб ҳаммаёқнинг тўс-тўполомини чиқарган. Ит эгасини танимайди. Шундай кунларнинг бирида ҳеч кутилмаганда ўша Раҳбарнинг ўзи, ўз оёғи билан Ғужбоғга, тўғри хирмонбошига келди. Теримчилардан у гап олиб турганида ўзини сунга-чўғга уриб раис VII етиб келди ва тилини осилтириб унинг атрофида айлана бошлади. Шу чоғ бир қиз пилдираб хирмон сари кела бошлади. Бошида қирқ килоча пахта.

— Узоқдан кўзиқоринга ўхшайди-я? Ҳи-ҳи-ҳи! — Раис VII бу гапи янги Раҳбарга маъқул тушмаганлигини фаҳмлади, дарҳол изоҳ берди: — Мен демоқчиманки... қизларимиз «оқ олтин»ни бошида кўтардилар. Биз...

Қиз келди-да, бошидаги юкни итқитиб ерга ташлади, боши айланиб кетди шекилли, кўзларини чирт юмиб бир лаҳза тин олди, сўнг пахтасини бўлиб-бўлиб тарозига илди.

— Ун етти... Йигирма... Тушгача терганингиз юз ўн беш кило бўпти! — деди ҳисобчи.

— Эшитдингизми, оқсоқол? — Раис гапни илиб кет-



ди.— Бу Қиз ҳозирча саккиз тонна «оқ олтин» терди! Бизнинг фахримиз бу! Кечга довур тергани икки юз эликдан кам чиқса уйига кетмайди! Ҳа, шунақа!

Қиз синиққина жилмайди. Янги Раҳбар Қизга яқинлашди-да:

— Синглим, нечта болангиз бор?— деб сўради. Хирмонбошидагиларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Дастлаб Раис VII ўзига келди, югуриб бориб у янги Раҳбарнинг биллагидан тутди.

— Бу Қизимиз — юлдузимиз, оқсоқол. У билан беллашадиган марднинг ўзи йўқ! Бу киши умрларини пахтага тиккан!..

Қиз йиғламоқдан бери бўлиб турар эди. Ун уч йил бурун у мактабни битирган, турмушга чиққани йўқ ҳали, ёши ўттиз бирда. Бундан буён ҳам унинг бахти очилишига, рости, ишончим йўқ. Бир пайтлар нозик-ниҳол эди у, йиллар бадалида қўллари қабарибди, юзлари уруш кўрган эркакларникидек тус олибди, бўйи... Раис VII бир мушт уриб ерга қоқиб қўйгандек. «Умрини пахтага тиккан» ҳамтенгим от ўрнида арава тортган, тортаётган, тортавериб жинсий функциясини тамомила ўзгартирган, отга айланиб кетган кимса каби туюлади менга. Зеро, «фақат ички, маънавий, оромбахш меҳнатгина кўпинча инсон кадр-қимматининг, шу билан бирга ахлоқий поклик ва бахтиёрликнинг манбан бўлиб хизмат қилади» (К. Ушинский).

Раҳбар Қизнинг кўзларига эмас, оёқларидаги кирза этикка тикилган кўйи — Раҳмат, синглим,— деди,— ширин жонингизни унча койитманг. Ахир, шусиз ҳам сиздан қарздормиз-ку!— Кейин у менга юзланиб, секин шивирлади:— Фахримиз, бахтимиз дейди. Аслида мудҳиш фожиамиз бу!

Кечқурун бордим. Қизнинг туриш-турмушини кўрдим. Уша отадан қолган уй, ўша — Шахс даврида олинган жиҳозлар...

— Бутун бошли хўжаликнинг ифтихори бўлатуриб!..

«Билиб, билмаганга оласиз, а?» дегандек у тезгина қараб олдида, лабини буриб синиққина жилмайди. Аксар аёлларга хос орли ва шикаста, тамкин ва беозор табассум эди бу. Яшириб нима қиламиз, ҳеч кимдан ортиқ жойи йўқ унинг — эл қатори йигирма-йигирма беш сўм ойлик олади. Топгани тирикчилигига етмайди.

Ростини айтсам, мен тушунмайман бу халққа: жонини жабборга бериб азондан қора кечгача қирт-қирт

кетмон чопади, елкаси шўрлаб сув тутади, жазирамада мияси қайнаб пахта теради, қўлига тегадигани эса йи-гирма беш сўм. Шукр қилади, тагин, шукр! Нега? Нима учун?

На клубга ва на кутубхонага боради улар. На дала шийпонида мундай одамга ўшаб дам олиш имкони бор. На кино, на концерт, на оммавий сайллар...

Улар учун, шоир айтмоқчи: «Ҳар қолда, энг ширин таом бу — меҳнат, Энг катта идиш бу — сабр косаси».

Чорак аср илгари турмуш ҳар қалай маънилироқ эди-ку, ўша дамларни хотирлаб, ноқиллар қуйидагича нақл қилишади: «Митингдан кейин полуторкага роса тикилишдик, машина лиқ тўлган эди,— деб эсларди руҳланиб Танабой.— Мен байрамдагидек кабина ёнида қизил байроқ кўтариб турардим... Бутун йўл бўйи ҳам-мамиз кўшиқ айтдик... Тунда ҳам, биласанми, ўша қизил байроқни қўлимдан туширмаганман. Тунда уни ким ҳам кўрарди? Мен бўлсам, қўлимдан туширмай ҳамон уни ушлаб борардим... Бу — менинг байроғим эди. Тинмай ашула айтардим, хириллаб қолгандим, эсимда. Нега ҳозир шундай ашулалар айтмаймиз, а, Жўра?» (Ч. Айт-матов.)

Бу ашулалар садоси қачон тинди?

Ялов кимнинг қўлида ўзи?

Нега ўшандай сайллар барҳам топди, ахир?

Нега?!

## VIII

Шахснинг даври ўтгач ҳам, табиийки, бурунги инер-ция давом этди. Элни изчил тарзда, муайян мақсад са-ри йўналтирадиган дирижёрлик руҳи сезилмаса-да, ҳаёт ўз оқимида давом этар эди. Кинолар, оммавий сайллар... Клубда ҳамон турфа хил учрашувлар бўлар қиз-йигитлар ҳамон бадний ҳаваскорлик тўғарагига қатнар, бир йигит шаҳардан қатнаб ҳамон уларга рақс ўргатар эди.

Май байрами арафасида клуб деворига қўлбола афиша осилди. Унда, байрам куни бадний ҳаваскорлар «Тоҳир ва Зухра» фожиасини намойиш қилиши қайд этилган эди. Тоҳир ролида ўша — шаҳарлик йигит. Зух-ра — Раис II нинг тўнғич қизи. Қоработир...

Баногоҳ томоша қолдирилди. Тоҳирга сунқасд қилин-

ди. Негаки, шоҳ қизи бўлмиш Зухраҳонга «кўз олай-тирган эди» Бор-йўқ гуноҳи шу! Қаттоллик эди бу! Қаттоллик! Даҳшат шундаки, бир эмас, бир неча қоработир бечорани уриб ўлдирган, жасадини эса катта йўлга чиқариб ташлашган, Жиноят қидирув органи ҳужжатларида марҳумни қандайдир юк машинаси туртиб ўтгани, ўзи эса ўлгудек маст бўлгани қайд этилган. Боёқишнинг онаизори — шўрлик аёл сочларини юмдалаб, қон йиғлагани, адолат истаб метин бўсағаларга бош ургани, охир-оқибатда хаёлпаридон бўлиб қолгани каттаю кичикка ҳам аён. Одамлар ўшанда денгиздай бир чайқалди, лекин қотиллар... вазмин кемалар янглиғ эмни-эркин устларида сузиб юрган қотиллар, ҳар қандай зарбага дош бериб қоядек керилиб турган Раис II, ҳокимият, куч уларни сескантирди. Уша — қўли қон кимсалар кейин ҳам хийла вақт даврини суриб яшашди.

Бу мудҳиш «операция»га дирижёрлик қилган Раис II эди. Кирдикорларини у элдан яшириб ҳам ўтирмади, окшора қилди. Унинг ёзув қудрати кишиларнинг иродасини синдирди, кўзлар қўрқиб қолди.

Кейин у ҳеч тап тортмай хешу ақраболарини тева-рагига йиғди, ўшаларга амал, ўшаларга обрў берди. Оқибат, тагин гуруҳбозлик, тагин уруғ суриш келиб чиқди.

Агар, мен янглишмасам, якка хукмронликка ҳам Раис II «асос» солди. Хўжалик ҳаётини бошқаришда муайян ўрин тутадиган партия ташкилотининг котиби, агроном, инженер, ихтисос ўзга мутахассислар аста-секин саҳнадан четлашди — фикр берувчи сифатида тугатилди. Улар қўл қовуштириб туришга, раҳбарнинг оғзидан чиққан гапни маъқуллашга одатланишди. Шунинг касри ўлароқ, алмашлаб экиш қоғозларга кўчди. Отулов бартараф этилди, гўё техникага кенг йўл очилди, кейин йигирмадан зиёд терим машинасининг «пўлат этаги» олиб ташланди-да, тракторигина ишлатилди, холос. Шу тариқа халқнинг мулки сомондек совурилди...

Раис IV сендан угина, мендан бугина қабилида иш юритди. Умуммажлисда бир сувчи ўтинди: «Раис бобо! Магазинчилар кирсавунни йигирма беш тийиндан, бир кило оққанди бир ярим сўмдан сотишяпти. Инсофданми шу?» У айтди: «Мушук ҳам офтобга бекорга чиқмайди, ука!»

Раис VII тоши енгил, беқарор одам эди, замон но-

тинч деди, курсисидан кўриб эл орасига айғоқчилар қўйди, тилёғламаларнинг бошини силади, ҳам ўзиники бўлган, ҳам йўриғига юрган мўминларни кўтарди, сафил кимсаларга мукофот улашди. У ва улар ношуд ва олчоқ башараларини қобиллик ниқобига ола билишди, гуруҳ бўлиб бир-бирини кўтар-кўтар қилишди, кўзбойлагич каби элнинг кўзини шамғалат қилишди, яъни шоир демишки, «Юзингни бир кўрай десам қўлингни пардалар қилдинг...»

Раис ким бўлмасин, қатъи назар, бу даврда хўжалик собиқ Раис II тасарруфида бўлди. Саҳнанинг ортида туриб бўлса-да, пир ва раҳнамо сифатида амалдагини бошқарган у. Кимки ишнинг кўзини билса — ўзиники бўлмаса — қувғин қилди, кимки бош кўтарса белини синдирди...

Афсус-надомат шундаки, буларнинг барчаси — ҳеч қандай юз-хотирсиз — элнинг кўз ўнгида қилинди, яъни шайтону лаин кишиларнинг елкасига чиқиб олди. Шунинг йўриғи йўриқ, дегани деган бўлди. Шу тариқа эътиқоднинг пойдевори заха еди, сўнг девори намиқди, зах тортиб нурай бошлади ва йиллар ўтиши билан бувим ишора қилган ўша кулбага жуда-жуда ўхшаб қолди у. Кишиларда ишонч йўқолди.

Лоқайдлик шундан. Ноумидлик шундан. Яхши билан ёмоннинг, ҳалол билан ҳаромнинг фарқи йўқолганлиги шундан. Юздан ҳаё, дилдан диёнат кетганлиги шундан аслида.

«Эҳтимол, сиз айтгандайдир. Гарчи шундай бўлса-да, ишлаган улушини талаб қилишга ҳақли-ку? Наҳот шунга ҳам қурб йўқ уларда, дея сўрарсиз. Англашимча, изчил давом этган аявчли кўргиликлар кишиларни зада қилиб қўйди. Шоир айтгани каби — юракларга қадар чекинди улар! Шунга чидаб, мутеъликка қаноат пайдо этишди. Бундай кўйга тушганлар битта, мингта эмас, миллионларни ташкил этади — иқлим яратадиган шулар!

Улар учун боғда бир ниҳол кўкарди нима-ю, кўкармади нима! Улар учун Шахс яхши одам бўлди нима-ю, ёмонотлиқ бўлди — нима! Улар — лоқайд, борига шукр қилишади; нега — шуни ўзлари ҳам идрок этмаган ҳолда бағоят хотиржам ишлайверишади. Улар бирон нарсани ўзгартириб юборишга қодир эмас, чунки бир маҳаллар чўғланган орзуларини кул босган, фикрлари ўтмаслашиб қолган, журъатлари адо бўлган — руҳ синган. «Чўлга жўнаш керак, деб буюришди — биз кетавердик...» —

кишиларимиз табиатига нақадар уйғун гап («Оқ олтин» устидаги қора кўланка», «ЛГ», февраль, 1987 йил). Капитолина Кожевникова билан Владимир Соколов буйруққа бўйсунган муте инсон қисматини шундай изоҳлайди: «Йигирма йил давомида Сирдарё областида қўним топмади. Жиззахга кўчиб ўтди. Энди, қариганда, пенсия ёшида, эҳтимол, набиралари ва болалари билан шу ерда яшаб қолар? Чол бошини чайқади, тилини чапиллатади. Йўқ, Булунғурга кўчиб кетади. У ерда аждодлари қабри бор, ҳақиқий ватани ўша ерда. Уғиллари ҳам бу ерда яшашни хоҳлашмайди...» Ўша чол шу майлни, гарчи ёши бир жойга борган бўлса-да, йўқотадиган ҳеч вақоси бўлмаса-да, рўйирост катталарга айта олмайди. Сабаби қуйидагича дейди муаллифлар: «Бу сизга ҳақиқатни ҳатто яратганнинг башарасига ҳам тик боқиб айтиб юборадиган Пенза ёки Ярославль остонасидаги колхоз эмас. Бу мураккаб анъаналар барқарор бўлган Урта Осиё...»

Эътирозга ҳожат йўқ. Шундайку-я, лекин гап фақат мураккаб анъаналарнинг барқарорлигидамикин?! Мураккаб анъаналар кўчки каби босиб ётган маҳали ҳам унинг бағрини тигдек тилиб, зулмга қарши бош кўтариб чиққан чинорлар бўлган-ку! Спитамен, Муқанна, Абдулла Набиев, Нурхон... Ахир, тўлиб-тошиб баҳор келганида тошни ёриб тошлолалар чиқади-ку! Шу маънода айтиш мумкинки, иллатнинг илдизи бошқа ёқда: инқилоб етмишга тўлаётир, мабодо, шу етмиш йил бадалида обдон тарбия берилганда борми, анави теримчи Қиз ҳам, мана бу Чол ҳам яратганнинг башарасига тик боқиб кўнглидаги гапни рўйирост айтиб юборган бўлар эди!..

## Х

...Она қишлоғим манзараларини қандайдир мусаввир бундан йигирма беш йил бурун чизган бир суратга менга-задим. Ўша мусаввир гўё оламдан ўтган-у, сурат қиёмига етмай қолган, турфа ранглар билан у бойитилиши, сайқал топиши, чирой очиши керак, бироқ шуни қилишга қодир кимсанинг ўзи йўқ!

Ҳолбуки, ўтган давр ичида озмунча оилада бешиктўйи бўлмади. Озмунча йигит-қиз олий маълумот олмади! Лекин юрт ташвишида ёниб яшайдиган юрагида ёли бор фавқулудда шахслар камлигидан ҳамон раҳбарлар но-

лишади. Шунда бенхтиёр ўйлаб қоласан киши: нега мактаб таълими бизни шунга йўналтирмайди? Ахир, Гельвещий таъбири билан айтганда, индивид ва жамият фойда кўрадиган эзгулик ҳам фазилат уруғларини дилларга сочадиган тарбия-ку!

Тарбиячилар эса, афсуслар бўлсинки, кўзи ожиз кимсанинг серқатнов йўлдан ўтиб олишига ёрдам бериш — олижаноблик, деб уқтиради ҳамон. Бировнинг сариқ чақасини топиб олган худо ярлақаб эгасига қайтарса, улуф фазилат саналади. Ҳолбуки, бу ҳар бир кимсанинг оддий инсоний бурчи, холос.

Қорчагинларга ҳавас билан қараб улғайдик биз. Лекин Павел бўлишимизга давр имкон бермади. Негаки, суягимиз кунни кеча қотди. Қорчагин эса ўттининчи йилларнинг қаҳрамони эди, ўз вақтида у қиларини қилди. Бизнинг йўлимизда, табиийки, бу куннинг муаммолари тўсиқ бўлиб турар; буни ечишга эса ҳали тайёр эмас эдик...

Биз ғалаба ҳақидаги минглаб киноларни кўрдик, бехисоб китоблар ўқидик, Матросов, Собир Раҳимов кабилар идеализмизга айланди (Тайёр эдим Раҳимовдай бўлгали фидо, Ўйлар эдим, дўстлар учун жангга ярасам»), Уруш-уруш ўйнаб эсимизни танидик; не-не «жанглар»да боболар мисол жасорат кўрсатмадик. Бу майл ҳамон бизда кучли, ҳамон у қонимизни қиздиради. Аслида шунга эҳтиёж борми ўзи? Ахир, тўйда аза очмагани каби азада қўшиқ айтилмайди-ку! Бенхтиёр Иван Криловнинг машҳур масали ёдга тушади. Ҳаёт Оққушга ўхшаб кўкка ўрламоқда. Тарбия бамисоли қисқичбақа. Биз чўртанбалиқ каби... Жамият эса...

Касалхонада ётган Раис VII нинг нолигани эсимда: «Бола-чақа деб... Э, падарига лаънат уларнинг! Етти ўғлим бир пичоққа соп бўлмади!»

Тарбиянинг яроқсизлиги билан изоҳланмайдими бу?

«Инсон қалбига бугун экилган яхшилик уруғи орадан ўн йиллар ўтгач униб чиқишини илмий асосда олдиндан кўрилмаса, шундай маҳорат касб этилмаса, тарбия — ибтидоий томошабинликка, тарбиячи саводсиз энагага, педагогика — фолбинликка айланиб қолган бўлур эди. Келажакни илмий асосда олдиндан кўра билиш керак — педагогик жараён маданиятининг моҳияти мана шунда» (В. Сухомлинский).

Таълим ва тарбия ўйинчиларнинг футболдан бурунги машқи сингарни вазифани ўташи лозим эмасмикин? Мур-

Ғақ қалбни парвариш этиш, унинг имкониятлари очил-  
диган йўлга солиш, давр гарданига юклаган вазифани  
теран англашига хизмат қилиш — шахсни юзага чиқар-  
иш, назаримда, тарбиянинг асосини ташкил этади...

«Одам боласи шуни унутмасинки, бу дунёнинг ижод-  
кори ҳам, соҳиби ҳам у» (Р. Роллан).

## Х

«Озмунча гуноҳ қилмадим, бу — рост. Ва лекин ҳеч  
қаерда оқар сувга банд қўймадим, ҳеч қачон унинг йў-  
лини тўсмадим, яъники энг оғир гуноҳдан тийилдим, бу  
ҳам рост!» — кўзини юматуриб Шахс шундай деган.

Бувим эса нураб бораётган кулбага ишора қилату-  
риб: «Мана шу уйда сенинг киндигингни кесганмиз, бо-  
лам!» деган, сўнг мийиғида кулган. Зеро, унинг уй дегу-  
лик суроби ҳам қолмаган, аллақачон сувоқлари кўчиб,  
зах тортган девори емирила бошлаган эди. Худди шу  
каби йиллар шамоли аъмолу эътиқодимизни озмунча  
емирмади, озмунча ҳисларимиз унинг намиққан тупроғи  
каби уқаланиб тушмади ерга! «Ўтма номард кўпригидан,  
Қўй, оқизсин сел сени!» дея қўшиқлар таралган бу за-  
минда не юзтубан кетиш бўлмади. У эврилди, одамлар  
эврилди, эътиқод эврилди.

Оқибат...

...араванинг ўқидан чиққан ғилдираги каби кишилар  
кутилмаган тарафга қараб оғиб кетишди. Табиийки,  
ғилдиракнинг қайгадир бориб қулаши, сўнг турғун — қо-  
тиб қолиши муқаррар эди. Худди шундай бўлди ҳам.  
Улус қандай тирикчилик қилаётгани билан, бу ёруғ  
оламда нелар содир бўлаётгани билан, ҳаётнинг муаззам  
дарёси қаён оқаётгани билан на шоҳ қизиқди, на гадо.  
Азонда қумғон қайнатиб бир пиёла чой ичиш, ҳуфтонга  
довур кетмон чопиш, кечқурун ёнбошлаб чучмал фильм-  
лар ҳақидаги чучмал янгиликни тинглаш — эл учун, план  
ва мажбурият, бойлик орттириш — раҳбарлар учун ода-  
тий ҳодисага, кунлар мазмунига айланди. Одамлар йил-  
лар бадалида тўрт девор орасида қолган каби зиқланиб  
яшади, руҳан толиқди, охир-оқибатда умид ва ишончдан  
буткул айрилди, ҳаммасига этак силкиди. Шу боис, бас-  
ма-бас йиллар ўтди-ю, кўчада ётган тошни бир четга  
олиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳоли келмади. Шу боис бутун  
бошли хўжаликда кўзни қувонтирадиган катта бир ўз-  
гариш содир бўлмади.

Куйлар ўзгармагани каби  
Тераклар ўзгармагани каби  
Палахмон ўзгармагани каби  
Ўзгармаганимиз ўша-ўша...

Шавкат шундай деб ёзади: Болалар, кампирлар, чоллар мудрайди, меҳнаткаш қўллари ёзиқлигича, бу доно йигитлар, бу дона қизлар ухлайди кўзлари очиқлигича...

Шулар орасида, агар, юрагида ўти бор бирон кимса бўлганида, жиллақурса, ҳар баҳор уйларни оқлатиши, Раис II рангини сомон қилган ерларда боғ барпо этиши қийин эмас эди-ку! Қабристонларни обод этиш қийин эмас эди-ку, ахир! Ҳолбуки, ўша ёққа сув чиқарайлик деб этакдаги далаларни шўрлатиб юборишди, Ҳолбуки, бор ҳовузлар қаровсиз. Ҳолбуки, болалар қўлида байроқча — бутефос сепаетган самолётга йўл кўрсатишади. Юрт — безга...

Ҳовуз бўйларида чойхона очиб, чоллар чақ-чақлашадиган гўша бинно этиш шунчалар қийинмиди? Шунчалар қийинмиди ахир — ҳаётга жиндайгина файз киритиш?!

Элу юрт кучини эзгу ишларга йўналтирадиган бир жонфидо топилмади, оқибат ботиний бу қудрат дамба солиб йўли тўсилган сел каби бир жойга йиғналди, кўпирди, тошди ва аста-секин кўлмакка — ўлик сувга айланди.

Мана, энди...

Янада баланд овоз-ла чақираман  
Борми қишлоғингизда уйғоқ бирор кимса?!

Мана, энди эҳтимол ҳаммасини: «Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Эслаб кўр! Отинг нима? Отангинг оти Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой!..» деб уқтирмоқдаман бошлаш керакдир?! Эҳтимол... лекин шуниси аёнки, унинг юраги муҳаббатга ташна. Ўзлигини танимай — кечмишини билмай туриб, киндик қони томган ерни ҳарорат билан севиши маҳол. Еруғ хаёлларга, юрагида самовий туйғулар чақнашига ташна у. Тагин қаддини ростлаб олишни истайди. Кўнгилга қувват ато этадиган оташ шеър, юракдан лавадек отилиб чиқадиган Сўздир. «Кўнғироқ садоси янглиғ дилни титратиб кишини ларзага соладиган ва доимо илгари ундайдиган уйғоқ Сўз керак» (М. Горький). Гал сизга — шоир дўстларим, нафасингиз хазонларни куйдириб, муз қотган тупроқни қиздирсин энди. Тўнган туйғулар Сизнинг меҳрингиздан уйғонмоғи шубҳасиз, замин яшармоғи шубҳасиз.



Бу бўз ерлар туби олтин-кумушдир,  
Терилса, барчаси сенга улушдир.  
Аммо энг аввало яшнат элингни,  
Соз эткил ичкару таш манзилингани...

1987 йил

## ЖАВОБГАРЛИК

«Сизни инсон зотининг сақланиб қолиши қизиқтиришига ҳақиқатан ишончингиз комилми: Сиз ва Сизнинг барча танишларингиз ёруғ жаҳонда бўлмаган тақдирда ҳам?» (Макс Фриш).

«Ҳа» дейсизми?

«Йўқ»?!

Нега?

Уйлаб кўрмагансиз?!

1980 йилнинг 18 январини. Дарахтлар шохида сумалак тўнгиб қолган. Изғирин кўз очирмайди, қор юзингга тиканак каби «санчилади». Токи қишлоққа кириб боргунча сўнгакларим музлаб қолаёзди. Уйга кирасолиб ечиндим-да, бозиллаган печга қўлларимни тоблай бошладим. Шу чоғ эшик очилди ва қат-қат рўмол ўраган Яхшигул момо кириб келди, у айланиб-ўргилиб ҳол-аҳвол сўрагач, «Шу тўйга келишингни билардим, болам, йўлингга кўз тикиб ўтирувдим ўзи!» деди, кейин ҳазин жилмайиб қўйди. Ростини айтсам қотди — ҳали нафас ростламай туриб... Гарчи унинг мунғайиб туриши юрагимни эзса-да, бари бир хиёл кесатиқ билан: «Тинчликми?», деб сўрадим. Қочиримни пайқамаган бўлиб, у деди: «Э-э, нимасини айтасан, ўргилай! Сапия синглинг туғруқхонада ётибди. Кўзи ёриганигаям икки ҳафтадан ошди. Буёқдаям иккита чурвақаси қолган. Кетай, деса унашмаётган эмиш!» «Нега энди?» Яхшигул момо айб устида қўлга тушган каби кўзларини олиб қочди. Гапга опам аралашди: «Икки кийимлик атлас бермаса чиқариб бўпти!» Яхшигул момо ҳокисор жавдиради: «Айланай, ўзинг биласан — қўлимиз калта. Атлас ўлгур отликқа йўқ. Тошкентдай жойда ишлайсан, сендан ҳайиқишар? Бориб, бир оғиз айт, айтиб кўр, зора кўнишса...» Нима деяримни билмай қолдим. Яхшигул момо энди сизсираб ялина бошлади. «Синглингиз боёқиш адоий тамом бўлди, ўргилай! Борсангиз, ўзингиз ҳам кўрарсиз, агар тилла берса бир соат ётмасдим шунинг жойида...» Унинг кўзларидан жовиллаб ёш

қуйилди. «Наҳотки шундай бўлса?» «Шундай-да, айланай. Эмаса...» Хуллас, уни юпатим-да, кейин...

Модомики, бутун бошли туғруқхонанинг каттаю кичиги менинг оғзимга қараб қолган бўлса, бориб шу бир оғиз гапни уларга айтай қани, деб йўлга тушдим.

Район маркази қишлоғимиздан беш-олти чақирим нарида, токи касалхонага етгунча: «Ишқилиб шуларга тўзим берсин-да», деб бордим. Ахир, овлоқ қишлоқлардан бу ёққа — касал кўргани қатнашнинг ўзи бўладими? На улов бор ва на автобус!

1980 йилнинг 18 январи.

Пештоқига «Марказий касалхона» деган ёрлиқ илинган бино (бурун шу ерда «Мактаб» деган битик бўларди) ҳовлисида оқ халатли қизлар кир ёйиб юришган экан. «Яхшигул момонинг зориллашида жон бор шекилли», деб ўйладим, ахир, оз эмас, кўп эмас, етмиш минг тонна пахта бераётган районнинг «Марказий касалхона»сида наҳотки кирхона бўлмаса? «Туғуруқхоналарингиз қаерда?» Уша қизлардан бири: «Ана», дея кунботар томондаги девори оқланган бинога ишора қилди.

Қор куралмаган, шу боис йўлак яхмалак бўлиб қолган.

Бориб эшикни очдим, бўсағанинг нарёғида ҳам ирkit қор ерпарчин бўлиб ётар, ундан икки қулоч нарига эса каравот қўйилган, каравотда...

...ўн уч кун бурун кўзи ёриган келинчак — кўзлари киртайиб, юзи қорайиб кетган: совуқда қотиб қолганга ўхшар эди у. Шўрлик бетиним бурнини тортар, устига ташлаб қўйилган юпқагина адёл жони бордек пир-пир учар эди. Нима азоб бу?! Қандай гуноҳи учун?!

Сал нарида яна бир каравот... каравотлар мунчоқдек тизилган ва уларда шу ердан чиқиб кетишга қурби келмаган ғариблар озиб-тўзиб, мунғайиб ётишар, ночорликлари ҳаққи азоб чекишар эди.

1980 йилнинг 18 январи.

Гуноҳга ботгандек зўрға бошимни кўтардим ва ёнимда турган оқ халатли кишидан: «Нима, сизларда ҳатто сандал ҳам йўқми, а?!— деб сўрадим, «Кимсиз ўзи?» деди у бурни танқайиб — энсаси қотганини яширмади. «Ёзувчиман». Истар-истамас изоҳ берди: «Қишнинг бошларида умумий иситиш тармоғининг қозони ёрилган. Шунга...» «Ия, шунақа денг? Унда, чақалоқларнинг ҳоли не кечяпти?» «Уларга барча қулайликлар яратилган».

«Барча қулайликлар яратилган» хонадаги ўн бешта

кичик каровот орасига тўртта электр печи тизиб қўйилган экан. Термометр ҳарорат ўн даражада эканлигини кўрсатиб турарди. «Бу ерда иқлим қандай бўлиши керак аслида?» «Ўн саккиз даража атрофида. Энди, начора, қўлимиздан келгани шу-да».

Бош врач ҳам айнан шундай деди: «Қўлимиздан келгани шу!» У иссиққина хонада, чир айланадиган юмшоқ креслода сигарет бурқситиб ўтирган кўйи «касалхонанинг истиқболи порлоқ» эканлигига мени — албатта, ўзини ҳам — ишонтирмоқчи бўлди: «Биргина ўтган йили қурилиш учун, ҳа, ҳа, фақат қуриш учун юз мингга яқин маблағ сарфладик». «Нима иш қилинди ўзи?» «Хў-ўш, қўшимча олтига хона қурдик!» Хужжатларда ҳам шундай, яъни касалхона ходимлари уни ҳашар қилиб тиклашгани қайд этилмаган эди.

«Сал кам юз минг қаёққа кетди?»

«...»

«Шу шароитда беморларни даволаш мумкинми ўзи?»

«Йўқ. Аслида совуқ тушгач, касалхонани ёпиш керак эди-ю...»

«Нега шундай қилинмади?»

«Энди... биздан ўтди. Тузатамиз. Қўйинг бу гапларни, ука. Бир пиёла чойимиз бор...»

«.....»

Чой ичилмагач, табиийки, кўнгил жойига тушмайди.

Кечга томон маҳаллий шоирлардан бири мени йўқлаб, уйга келди. Супада у қўнишиб турганча область газетаси редакциясида ишлаётганини айтди. «Ҳа, яхши», дедим. Кейин овозига кескинроқ тус бериб сўради: «Нима, махсус топшириқ билан келдингизми? Бориб, касалхонани текширипсиз?» «Йўғ-э, бир иш билан бориб қолувдим...» «Аҳвол ёмонми?» — Усмоқчилади у. «Ҳа-а, бундан баттари бўлмайди». «Нима, ёзмоқчимисиз?» «Ёзса ёзгулик... Касалхона эмас, жазо колонияси-ку бу!» Бўлади-да, шунақасям. Шаҳар эмас-ку бу сизга, қолаверса...» Хўш-хўш? «Бош врач бизнинг божа бўлади». «Шунақа денг?» «Нима бўлгандаям, ёзиб юрманг. Ўзи — мард, қўли очик йигит. Хў-ўш, ...қанча опкелай?» «Нима?» «Ёзмоқчимисиз?» «Қизиқ одам экансиз-ку!» «Бизга дангалини айтинг. Ёзганингиз билан бари бир, чиқара олмайсиз. Ундан кўра...» Нега чиқаролмас эканман?» «Шунақа-да!» Унинг кўзлари қисилди, кейин димоғини кўтариб кек билан тепадан қаради: «Осмонни ту-

тиб турган бўлсангиз, ташлаб юборинг, яхшими? Кўрамиз, қўлингиздан нима келар экан!»

Шу оқшом тўй ўтди, эрталаб йўлга отланиб турганимда дарвоза олдига оқ «Волга» келиб тўхтади, шофёр мени «шахсан биринчининг ўзлари» йўқлаётганлигини айтди.

Бордим. Йўқлаган киши ҳужжатимни сўради, кўргач, «Бизнинг область бўйлача мухбир эмас экансиз-ку, нега бориб касалхонани тафтиш қилдингиз?» деди. «Бунинг учун область мухбири бўлиш шарт эмас,— дедим мен,— қолаверса, тафтиш қилганим йўқ, бориб кўрдим, холос». «Биздан беижозат бундай қилишга нима ҳаққингиз бор?!» «Касалхонани кўришга ҳам руҳсат олиш керак эканми?» — шундай деган эдим, у тутақиб кетди: «Хў-ўй, сиз ким билан ўйнашяпсиз? Район оёқости қилинишига биз йўл қўймаймиз! Коммунистларни тинч қўйинг, ишласин улар! Қачондан бери газета райкомга, хў-ўш, партияга хўжайин бўлиб қолди ўзи? Шунни билиб қўйинг, агар керак бўлса... Қани, кўрайлик, қани, бир сатр ёзинг, нима қилар эканман, қариндош-уруғингизни кўчиртириб юборарман!»

Аламимни кимдан олишни билмай, бир четда талтайиб ўтирган бош врачга ёпишдим: «Қанақа одамсиз ўзи? Касалхонангиздаги аҳволни юқоридагилар билса каллангизни кундага қўйишади. Сиз бўлса шароитни яхшилаш ўрнига...» Бош врач кўзини лўқ қилиб ўтираверди. Унинг ўрнига ҳам «шахсан биринчининг ўзлари» ўдагайлай бошлади: «Еш коммунистларни ишлагани қўясизми-йўқми?» Мен бўғилиб кетдим, «Битта саволим бор» дедим... «Хўш?» Бош врачга юзланиб, «Қани ростини айтинг-чи,— дедим,— мабодо хотинингизнинг кўзи ёрийдиган бўлса, эл қатори шу туғруқхонага ётқизарминдингиз?» «Эл қатори?..— у силкиниб бир кулди, кейин гўё шунни билиб қўй, демоқчи каби таъкид билан:— Йўқ!»— деди. «Сиз-чи, сиз — фалонсиз, писмадонсиз? Ҳатто фашистлар ҳам бунчалик қаттол бўлмаган!», деганимда у пинак бузмади, менинг маломатимни шаънига номуносиб деб билмади. Рост, аввал бошда сескангандек бўлди, «шахсан биринчининг ўзлари» га кўз учида қараб олгач, шу тарафга пича сурилди ва бобосининг пинжидаги тойлоқ каби баттар талтайди. Унинг бек каби бепи-санд ўтириши, турқи-тароватида одам боласини таққирловчи, айни пайтда юракка қутқу солувчи нимадир бор эди.

Бағритошлик. Суллоҳлик. Палидлик. Кишини даҳшатга солувчи бундай иллатлар ва шунинг барчасини табиатига сингдирган қатоллар қаёқдан пайдо бўлади ўзи?

Яшашнинг маъноси ҳақида гап очилгудек бўлса, катта авлод болалик дамлари оғир кечганлигидан нолишади. «Умрнинг яшноқ фаслини уруш совурди, етарли билим ололмадик», дея ўкинишади. Урушгача ўтган суронли йиллар ҳам инсоннинг ҳар жиҳатдан камол топишига имкон бермади... «Сизларни деб, сизларнинг эртанги кунингиз нурга тўлсин деб, уч мингинчи йилга муносиб ворис сифатида қадам қўйинглар, деб маърифатдан бебаҳра қолганлар, қон тўкканлар, қурбон бўлганлар оза эмас, ҳа, ниманки лозим бўлса — қилинди, қилинаётир, шуниёда тутсангиз — бас. Совуққаю очликка ҳам, яраю-азобга ҳам — барча-барчасига чидадик, тишни тишга қўйиб яшадик, биз киндик қони томган ерни набираларимиз жаннатга айлантурсин деб қилдик бу ишни» (Виктор Астафьев).

Хўш, набиралар-чи? Боболар тилагини ушатишга шайми улар?

Шоир ёзади: Гарчанд, мен суянган китоб бурдадир, Ва минг ямоғи бор ёпинганимнинг, Гарчанд, эришганим ерда — мурдадир, Оёғи осмонда топинганимнинг!

...Ушанда, «шахсан биринчининг» кабинетидан адоий тамом бўлиб йўлакка чиқар эканман, умримда илк дафъа шоир айтган аянч ҳолатни ҳис этдим. Нега? Нега бунга биз ўттиз ёшнинг нари-берисидан англаймиз? Илк бор ноҳақликка тўқнаш келгандаёқ иродамиз синади, нега?

Катта авлод сингари таъна қилишга бизда асос бор: болаликнинг учқур хаёллари мезон каби эгатларда қолиб кетди. Ҳар йили йиғим-терим тугагач, амал-тақал қилиб бўлса-да, мактаб программаси ҳам ўзлаштирилганлиги рост. Лекин бу қандай самара берганлиги, мана энди равшанлашаётир. Тарихнинг бир саҳифаси бизга аён: Киев Руси қандай барпо бўлган; Наполеон қачон юриш бошлаган — биламиз. Лекин ҳу тоғнинг ортида ким яшайди, унинг ўтмиши қандай кечган — бу бизга қоронғи (чунки фурсат зиқлиги боис вақтида «Ўзбекистон ССР тарихи» қисқартириб ташланган). Адабиёт дарсларида инқилобчи боболари қисмати билан ошно бўлдик, бироқ Навоий деган «мардум» сўзининг мағзини чаққунча неча-неча йиллар ўтди. Буларнинг барчаси Ватан

тушунчасини том маънода англашимизга монелик қилмайди, ахир?!

Ислоҳот амалга оширилаётган айни шу кунларда мактаб программалари давр талабига уйғун тарзда тубдан қайта кўрилиши заруратга айлангани сир эмас. Албатта, бунда республика шароити мутлақо инobatга олғиниши шарт.

Инсоннинг камол топишида ўқитувчининг роли беқиёс. Бола оламга беғубор бир назар билан қарайдиган паллада мактабга боради ва ҳеч шубҳасиз, ўқитувчисига у таассуб қилади, ундаги борки хислатларни ўзлаштиришга интилади.

Ўқитувчи деганда кўпинча Тўхтамурод Эшмуродов кўз олдимга келади. У биологиядан сабоқ берар, ўзи камтар, камсуқум эди. Ун йил ўқиб, янги-янги костюм-шим кийганини ёки дабдабали тўйлар қилганини сира эслай олмайман, лекин дастўмолчасига довр дазмолланган бўлар, дарсини эса кўргазмали қуролсиз ўтмас эди. Табиат ҳақида гапиратуриб, у шоир бўлиб кетарди ва биз ҳам унинг кўзи билан оламга боқиб, тоғу дарёлар чиройини ҳис этар эдик. Биз — қишлоқдан бир қарич нарига чиқмаган болалар Эшмуродовнинг саъю ҳаракати билан мозий дарвозаси — Самарқанду Бухорога, Сармиш ва Зарафшон бўйларига сайрга чиққанмиз, бориб асрий обидаларни кўрганмиз — дунёнинг кенглигини англаганмиз. Унинг «Сарвқомат дилбарим»ни ўқидингларми? Сарвқомат деганда нимани тушунасизлар? Сарв дарахт, танаси адл ўсади...» қабилидаги талқинлари ҳали-ҳали ёдимда. Шу билим ва шу лаёқат билан унинг эл қатори яшаши мени ҳайрон қолдиради. Уша пайтлар, рости, ўқитувчиларнинг маоши ҳаминқадар эди. Ҳозир уларга яратилган шароитга ҳавас қиласан киши, лекин...

Бундан бир ойча илгари — августнинг охирида қишлоқда бўлдим. Ён қўшнимиз уй қураётган экан, унинг етти ёшар ўғли енг шимариб мардикорларга чой ташиб турибди. Шу бола эртага мактабга боради. Ҳўш, нима бўпти, дерсиз. Анави пахсакашлар эса... унга ҳарф ўргатиши лозим. Тўртта ўқитувчи, эртага — биринчи сентябрь деган куни: «Нима бўлсаям охирги пахсани кечгача уриб бўлайлик», деб куйиб-пишиб ётишибди. Қора терга ботиб ҳандақда лой қораётган ва халқ бир сўз билан «мардикор» деб атайдиган бу тоифани анави бола эртага ўқитувчи ўрнида жўрармикин? Уларнинг сабоғига қулоқ тутармикин у? Ҳурмат қилармикин?

Тўрт пахса девор уриб силласи қуриган муаллимлар эртага — биринчи сентябрь куни мактабга қай аҳволда боришар экан? Кечқурун дарсликни очиб қарашга қурб-лари етармикин? Ёки алдагани бола яхши деб аравани қуруқ олиб қочишармикин? Модомики, шундай бўлса, ўқувчиларнинг байрами — биринчи дарс шу тахлитда бошланса, у ёғи қандай кечар экан?!

## ЎҚИТУВЧИ ДЕГАН НОМ ОНА КАБИ МУҚАДДАС

Агар, янглишмасам, биринчи сентябрь куни — ўқувчиларнинг назарида — олам яшариб кетади. Уша куни мактабга янги ўқитувчилар келишади ва улар тонгда очилган гул каби яшнаб хаёлларни ўғирлашади. Эсимда, саккизинчи синфда физика бўйича ёш бир мутахассис бизга дарсга кирган, эғнида: оқ-оплоқ кўйлак, ингичка галстук ва тим қора костюм-шим. Ялтироқ туфлисида нақ аксинг кўринади. Сочлари силлиқ таралган. Хонага у виқор билан кириб келди-да, бориб доска ёнида турди, сўнг, қани кўрай-чи, сенларнинг зувалангдан нима тай-ёрласа бўлар экан, дегандек ҳар биримизни синчков назардан ўтказди. Ва айни пайтда табиийки, бизга ҳам у ғаройиб тилсимга ўхшаб кўринди. Ниҳоят, ўқитувчимиз тилга кирди: «Биз фан-техника асрида яшаяпмиз, Олам чексиз, унинг қонуниятларини билмай туриб, ҳақиқий давр кишиси бўлиш қийин. Соҳам бўйича керакли билим олишларнинг учун қўлимдан келганини қиламан, фақат сизлар ҳам қараб турмайсизлар, мен неки китобни айтсам, топиб ўқийсизлар». Албатта, томирга қуйилган тоза қон изсиз кетмайди.

Дастлаб чиндан ҳам сезиларли ўзгариш бўлди. Дарсдан кейин кутубхонага борган — ким, ўқитувчи топган ким, бир-биридан олиб ўқиган ким. Уша йили шу соҳа бўйича область, ҳатто республика олимпиадаларида мактабдошларим иштирок этишган, ғолиб чиққанлар бор. Ўқитувчимиз эса дастлаб илмий бўлим мудир, кейин директор муовини этиб тайинланди.

Мактабни битираётган йилимиз ҳеч кутилмаганда у ўзгариб қолди. Дафъатан, бўрни одатига хилоф равишда — қоғозга ўрамай қўлга олганини пайқадик. Кейин дазмол босилмаган шимини ғижим ҳолида кийиб келадиган бўлди. Дарсликка қўшимча қандай нашрларни ўқиш ҳақида ҳам лом-мим демай қўйди. Орадан кўп ўт-

май, директор муовинлигидан четлаштирилди, шунда у парво ҳам қилмади. Кун сайин, соат сайин худди у биздан, мактабдан узоқлашиб бораётгандек эди. Дарс пайтида бизга топшириқ бериб қўярди-да, ўзи деразадан ташқарига тикилган куйи ўй ўйлар, бармоқларини букиб пичирлар, бир ниманинг ҳисоб-китобини қилиб, жилмаярди. Ҳадемай кўча-кўйда ҳам соқол-мўйлови ўсиб юрадиган, ҳатто дарсга келмай қўядиган одат чиқарди...

Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Бултур ёзда уни Тошкентда, тоғаси бўлмиш таниқли олимникида учратдим. У озиб-тўзиб кетган, энгил-боши дазмол кўрмаган, бошида яғир дўппи, рости, мана шу одам бир пайтлар бизга тилсим бўлиб туюлган физика ўқитувчимиз эканлигига ўзимнинг ҳам ишонгим келмади. Тоғасининг айтишинча, у бир қаричлигида етим қолган, бу кишининг муруввати туфайли кўнгли ўксимай ўсган, ўқиган, уйли-жойли бўлган. Шундан бери энди қорасини кўрсатибди, тагин ўқишга жойлаб берасиз, деб бир бойваччанинг ўғлини етаклаб келибди, денг.

Тоғаси кўпни кўрган, бамаъни одам, чой ичиб ўтириб: «Сенга нима зарур, нима етишмайди сенга?» деб ўкинди. У индамади. «Очиғини айт, нега етаклаб келдинг?» Уқитувчи зимдан менга қаради, безовталанди. Тоғаси: «Айтавер, бу ўзимизнинг одам», дегач, бармоқларини букиб пичирлади, бир ниманинг ҳисоб-китобини қилди, сўнг: «Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир четида ўзинг ҳам ўтирасан, дейишади тоға. Сизгаям нафи тегарки, мен буни судраб юргандирман!» деди.

Олим тутақиб кетди «Мен аҳмоқ, ўзим емасам емадим, сенга едирдим, киймасам киймадим сенга кийдирдим, дуруст одам бўларсан деб. Сен... сен... данғиллама уйинг бўлса, «Волга»нг бўлса, бола-чақанг очидан ўлаётгани йўқ! Нимангга мунча жониқасан, а?»

«Волга»ни сиз обберганингиз йўқ, ўғирлик ҳисобига келмаган,— деди жиян тумшайиб,— манглай терим билан топганман барини. Ҳалол. Томорқамда ишлаб, узум сотиб, тийинма-тийин йиғдим пулни! Ҳалол!»

«Ҳалол эмиш!» Узинг-ку, майли, нима бўлсанг бўлсан, лекин болаларни нега бузасан? Қачон Қарманага борсам, катта ўғлинг бозорда — ё узум сотиб ўтиради ё пиёз. Эрта бир кун ким бўлади у — деб ўйлайсан? Сендан таълим олаётган шўрликлар ҳам...»

«Қаттиқ таъна қилдингиз-ку тоға. Бу гаплар... яхши. Лекин... қуруқ қошиқ оғиз йиртар экан. Бошимиздан ўт-



каздик буни. Сиз олиб берган костюм-шим тўзғича, тирикчиликдан орттириб энгил-бош олганимда, тўнғичимни даволаган врач қўлимга қарамаганида эди... Тоға, бу гап билан менинг бошимни эгишингиз қийин-ов. Тирикчиликнинг ўзи юзимизни ерга қаратган. Бировдан кам бўлмайин, дейсан, болаларимнинг илиги тўқ бўлсин, дейсан. Хуллас, истайсизми-йўқми, ўзингиз миямизга қўйганингиздек, ноль чексиздан катта экан-да! Қўйинг бу гапларни, тоға, бўладиганини айтинг! Анави болани...»

Олим кўкариб кетди, бир нема демоқчи бўлди-ю, афтидан тили айланмади.

Орадан икки ой ўтгач, 31 август кунни банагоҳ физика ўқитувчимни кўрдим. У, пахса ураётган ҳамкасбларини кузатганча сўрида ўтирган экан, имлаб мени чақирди, бордим, ўқитувчи уйига кириб бир шиша мусаллас олиб чиқди. «Бунга-ку унча ҳушим йўғ-а, лекин чироқ ёқсам кўнглим ёришмайди. ука». Бир оз ширакайф бўлгач, кўзида ёш ғилтиллади: «Тоғам ҳақ. Дастурхони бизникидай тўкин бўлмасаям, бари бир ҳақ-да. Қани энди шундай яшаб бўлса! Тирикчилик қурсин, тирикчилик. Кеча янганга айтдим, бас, дедим, одам болаларнинг кўзига қараёлмай қоларкан-да».

Биринчи сентябрь кунни тонг саҳарда у тагин ўғли билан «Волга»га узум ортаётганини кўриб, рости ёқамни ушладим. Кўриб, кўрмаганга олдим, лекин унинг ўзи йўлимни кесиб чиқди: «Ҳа, ука, қайтаяпсизми?— деб сўрашди-да, чуқур хўрсинди.— Буни қаранг, ўзи узиб қўйипти, «Бозорга опчиқиб сотиб келаман», дейди касофат. «Қўй, дарсга кеч қоласан!» десам ҳам, кўнмайди. Қанақа одам бўлди ўзи бу, ҳайронман».

Қанақа одам бўлди ўзи бу? Уни йўлдан оздирган ким?

Бола қалби шаффоф ойнага ўхшайди, ёмғир ҳам, шамол ҳам ойна юзида из қолдиргани каби ўқитувчи шахсидаги иллат ва фазилат ҳам ўқувчи тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатади. Таълим ва тарбияга лоқайд муносабат эрта бир кун бутун бошли авлоднинг фожиасига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозир қайси мактабга борманг, ўқитувчиларнинг кўпчилиги хотин-қиз эканлигига гувоҳ бўласиз. Шубсаҳиз, ишнинг кўзини биладиган, келажак насл тақдирига сизу биздан кўпроқ куюнадиган опа-сингил ўқитувчиларимиз оз эмас, лекин айтиш керакки, аксар ҳолларда кунни кеча институтни битириб келган сингил мактабда пича ишлагач, турмушга чиқа-

ди, фарзанд кўради, боласи боғча ёшига етгунга довур — бир ярим йил уйда ўтиради, кейин олти ой ишлайдими-йўқми, яна декретга чиқади, кейин яна... Хуллас, бу ҳол беш-олти бор такрорланиши мумкин. Шу давр ичида болаларни тарбияси билан у кўнгилдагидек банд бўлмаслигику табиий, айти пайтда ўқитувчилик фаолияти ҳам узилишлар, чалғинишлар ҳисобига чалажон кечади: номига кундалик ёзади, номига таълим беради, номига тарбия. Бундан табиийки, у манфаатдор — узлуксиз равишда маош олиб туради, лекин ўқувчи-чи? Жамият-чи?! Халқчи?!

Истайсизми-йўқми, ҳам идеал Она ҳам идеал Ўқитувчи бўлиш жуда-жуда қийин. Зеро, оналик ҳам Ўқитувчилик ҳам ўзингни бутунлай бағишлашни талаб этади. На ўз боласига, на ўқувчиларига бўлиша олмаган ўқитувчи уларни аросатда қолдириши муқаррар.

Бу ҳол катта миқёсларга кўчса-чи?

Институтда олима опаларимиздан бири адабиёт тарихи бўйича бизга икки йил сабоқ берган. Икки йил бадалида у олти юз марта дарсга кирган бўлса, эҳтимол шунча, эҳтимол олти минг марта бир жумлани такрорлаган: «...андоқким, ошиқнинг маъшуқага бўлган муносабати...» Навоий ижодида ўз ифодасини ундоқ топган, Аваз Утар ижодида бундоқ топган. Қайси шоир хусусида гап кетмасин, у қайта-қайта шу жумлани айтар ва ўгирилиб доскага бир чизиқ тортиб қўяр эди, холос. Наҳотки, ҳазрат Навоий шеърини «ошиқнинг маъшуқага бўлган муносабати» билангина чекланса?! Наҳот катта бир халқнинг адабиёти тарихи шундангина иборат бўлса?!

Шу олима ҳар йили юзга яқин студентнинг миясини «ошиқнинг маъшуқага бўлган муносабати» билан ғовлатган бўлса агар, яқин йигирма йил ичида шубҳасиз улар икки ярим минг кишини ташкил этган. Уша студентлар бугун ўқитувчи. Шу кеча-кундузда улар ўн минглаб қоракўзларга адабиёт тарихидан «ошиқнинг маъшуқага бўлган муносабати» ҳақида «сабоқ» бериб, доскага чиройли бир чизиқ тортиб қўйишаётган бўлса не ажаб?!

Бу кўрғиликнинг инсон тақдирида ўйнайдиган бемаъни роли шундан иборатки, зеҳнлар ўтмаслашади, умрлар елга совурилади. Жамиятнинг оёғидан ушлаб орқага тортиш дегани аслида шу бўлади.

Институтда рус классик адабиёти бўйича зукко домла Абдураҳмон Алимӯхамедов лекция ўқиган, у лекция ўқи-

маган, гўё қўлимиздан тутган-да, бир ғаройиб олам қўйнига бизни бошлаб кирган. Сўз санъатининг неки жозибасини, рус классик адабиётининг неки қудратини ҳис этган бўлсак, барчаси ўша киши туфайлидир. Тасаввур қилинг-а, курсдаги ҳамма йигит дабдурустдан печоринчилик «дарди»га мубтало бўлган!..

Алимухамедов имтиҳон чоғи қўққисдан бир қизга шундай деди:

— Синглим, Печорин мабодо сизнинг қўлингизни сўрагудек бўлса, розлик берармидингиз?

Қиз ерга қаради, пича ўйланиб турди-да, кейин бошини кўтариб, домланинг қиров инган сийрак сочларига тикилди.

— Айбга буюрмасангиз?..

— Хўш?

— Рози бўлмасдим.

«Наҳотки?» Қотдик-қолдик. Ҳеч ким ундан терс жавоб кутмаганди. Ниҳоят, домла тилга кирди:

— Наҳотки?! Ахир, сиз... ёлғизланиб қолган шундай гўзал қалбни... сиз-ку сиз, ҳатто мен ҳам рози бўлур эдим, синглим.

— Чунки, у... кўнглингизга яқин-да, домла. Ўзингиз айтувдингизку, уни тамоми фожиалари билан севаман, деб. Негаки, сиз ўша оламда яшайсиз. Мен эса... Русиянинг ўтган асрдаги нобоп муҳити майиб қилган бир оқсуяк деб биламан уни, тақдирга ачинаман, негаки...

Алимухамедов оқариб кетди, юзларида совуқ бир ифода зуҳур бўлди, лаблари титради, ниҳоят, у синиқ жилмайди-да қизнинг жавобини баҳолади. Баҳо биз кутганнинг акси бўлиб чиқди: «аъло».

Нега?!

Ги де Мопассаннинг «Азизим» романи асосида ишланган фильм Марказий телевидение орқали намойиш этилдию бир даврада ёшларнинг ғалати суҳбатига сабаб бўлди.

— Кўрдингларми? Мана, қандай яшаш керак!— деди кўзлари чақнаб ёш шоир.

— Шундай!— дея столни муштлади бошловчи ёзувчи.

Даврадагилар улуг бир ишга чоғланган каби ясланиб, стол тутқичларини маҳкам сиқиб ўтиришар эди. Инқилобчи боболаримиз, Ватан ҳимоясига чоғланган оталаримиз бир пайтлар шу алфозда ўтиришиб қасамёд қилишган, сўнгра жангга отланишган бўлса ажаб эмас.

Лекин уларнинг набиралари-чи? Азму шижоат билан нимага шайланишяпти? Дю Руа бўлишга!

Кейин улар Дю Руа эшикни қулфлаб, ўлжага ёпишган ваҳший каби Вальтер хонимга ташланганию хонимнинг қаршилиқ кўрсатганини, ниҳоят, «чин сўзим... чин сўзим... шу биринчи марта, биринчи марта», дея пичирлаганини эслашди ва ҳузур қилиб кулишди. Ўзларини Дю Руа чоғлаб, бир варакайига унинг гапини такрорлашди:

— Менга бунинг сира ҳам фарқи йўқ!

Мен эса «пластилин» шоввозларни зимдан кузатиб, ўзимча ўйлар эдим: эрта бир кун «Олтин бузоқча» фильми намойиш этилса, булар Остап Бендер бўлиб районларга чиқиб кетишса керак! Ахир, бизда маҳаллий тарзанлар, фонтамаслар бўлган-ку!

Шу даврада ўтириб, нега ўшанда Алимухамедов оқариб кетганлигини, кейин нега оғир ва узоқ ўйга толганини, ва, ахйири, қизнинг жавобини «қониқарсиз» деб эмас, нега «аъло» баҳолаганини англаб етдим.

Уша даврадагиларнинг биронтаси Жорж Дю Руа қайси миллатга, қайси жамиятга ва қай даврга мансублигини, умуман, у адабий қаҳрамон эканлигини ва шу қаҳрамонга Моласаннинг муносабатини ўйлаб ҳам кўрмаган. Ҳолбуки, адиб Иброҳим Фафуровнинг таъбири билан айтганда, авантюрист қаҳрамони, оддий деҳқоннинг фарзанди, кейинчалик буржуа матбуотининг ўтакетган «учар» қаламкашларидан ва қаламкашлар орасида сиёсатдонлардан бирига айланиб кетган, фақат ўз маишатини ўйлайдиган, фақат ўз манфаатини биладиган ва шу икки нарсани таъминлаш йўлида ҳеч нарсдан қайтмайдиган Жорж Дю Руа тақдир орқали буржуа жамиятининг иллатларини ва бу иллатлар инсон тақдирининг шаклланишида қанчалик даҳшатли бир роль ўйнашини кўрсатган — бу асарда.

Нега биз шуни фаҳмламаймиз? Нега студентлик чоғимизда ўзимизча Печорин бўлиб юрамиз?— Туйғуларимиз емирилади! Умрнинг яшноқ фасли табиатимизга зид майллар қурбони бўлади. Чунки мактабда олинган сабоқ «ошиқнинг маъшуқага бўлган муносабати»дан нарига ўтмаган. Ўзлигимизни англаб улгурмаганмиз. Зеро, миллий адабий заминга таянмай туриб, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан чин баҳра олиш мумкинми ўзи?

Даврада ўтирганларнинг аксарияти эртага адабиёт

Ўқитувчиси бўлишади, бу майли-я, уларнинг бири шоирликка даъвогар, яна бири ёзувчиликка!

Сиз билан бизга улар қандай асарлар ёзиб беришар экан?

Бултур қишлоқдан қайтаётиб, поездда Уктам исмли йигит ва Наргиза деган қизга йўлдош бўлдим. Йигит — дунё кўрган, ўттиз беш ёшларда эди чамаси, қизнинг ўн гулидан бир гули очилмаган ўзиям ўн саккизнинг ё нари, ё берисиди. Чой ичиб ўтириб, гап айланиб келиб адабиётга тақалди ва Наргиза ишқ достони бўлган бир китобни кечалари ёстигининг остига қўйиб ётишини айтди. Китобда эмишки, бошига кўп мусибатлар тушган йигит тирноққа зор бўлгач, хотинидан совипти, бошқа бир сулувга кўнгил қўйибти ва ундан ўғил кўришига ишонибти. Сулув ҳам, десангиз, бу йигитни севиб (гарчи оиласи бўлса-да!) унга ўзини фидо этибди!

«Ўзиям зўр ёзувчи экан-да,— деди Уктам,— худди кўргандай-билгандай, келиб-келиб Наргиз билан бизни ёзганини қаранг!»

Уктамнинг бу гапи, назаримда, самимиятдан холи эди, бироқ қиз қаттиқ таъсирланди, қизариб ерга қаради. Унинг лабларида ажиб бир маъсумлик сақланиб қолган, бурилганида у жажжи қизалоққа жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Пичадан сўнг Уктам сигарет чеккани танбурга чиқди. Мен, гарчи жоиз бўлмаса-да, масалани ўзим учун ойдинлаштириш ниятида қизни саволга тутдим: «Уктамбой қаерда ишлайдилар?» «Савдода». «Сиз-чи?» «Кутубхонада». «Анави китобни...» «Уктам акам совга қилганлар». «Нима, у кишининг фарзандлари йўқми? Қиз маъюс тортди. «Борликка борку-я, лекин ҳаммаси қиз-да», деди у ачиниб. «Нима, сиз севасизми уни?» Наргиза, китобий қаҳрамонларга монанд маҳзун бош чайқади, сўнг паст ва бағоят ўйчан овозда: «Севгилим армияда, яқинда келади у, қишда тўйимиз бўлади», деди. «Ростини айтсам, ҳеч нимага тушунолмадим», дедим мен. «Биласизми, нима — мен китоблардаги ҳаётни жонимдан ортиқ кўраман, Уктам ака — яхши одам, бошларига шунчалар кўп мусибат тушганки, асти сўраманг, тагин ўғилга зор! Ачинасан-да, киши. «Агар, сен бўлмасанг, юрагим тарс ёрилиб кетарди, Наргиз!— дейди у,— сенсиз менга дунё қоронғи, сендан паноҳ истаб келаман!» Шундай гапирадими, шундай гапирадими... «Унинг юзлари гулгун тус олди, ҳозир биров; «Сенсиз менга дунё қоронғи!» дея қуло-

ғига шивирлаётган каби маст эди у, бахтиёр эди у. Худди шу нарса менга ёқмади, у соддадил эди. Уктам, афтидан шунн билар ва уни авраб келарди,— уни сергак торттириш ниятида: «Тўйдан кейин нима қилмоқчисиз энди? Уктамбойдан?..» деб сўрадим. У на «ҳа» деди ва на «йўқ». Уялган бўлиб ерга қаради ва юзларига шундай бир парда тортдики, нимасидир менга ўша — бош врачни эслатиб юборди. Юрагим увишиб кетди.

Кечқурун мен жойимга чўзилгач, Уктамбой чироқни ўчирди ва улар бир ёстиққа бош қўйишди.

Мана, сизга жайдари Дю Руалар!

Ҳар гал ўша қизни эсласам,— лабларида сақланиб қолган ажиб бир маъсумликни ҳар қанча ёд этмай,— барибир бир сесканаман, «сизчи, сиз ҳам титрайсиз, титраб қақшаб яшайсиз», деган эди шоир. Кишини сескантирадиган нарса шуки, ўша қиз (эҳтимол, у жувондир) оғзидан чиқаётган гал шаънига иснод эканлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаган, ўзининг ботқоққа ботгани камдек, эрта-индин,— ҳийлаю макр билан, албатта,— севган йигитини ҳам домига тортишга шай эди у...

Орадан олти ой ўтгач, «уч дил достони»нинг аянчли хотимаси ҳақидаги миш-миш Тошкентга довур етиб келди, эмишки, тўй бузилибди, сир очилибди, куёв томон келин бўлмишни оқ эшакка тескари миндириб қишлоғига жўнатибди, яъни сазойи қилибди; юзидан ҳаё кетган қиз — отаси оқ қилгач — шармандаликка чидай олмай сирка нчибди. Уктамбой,— тўполондан омон чиқиш учун бўлса керак,— ўша куниеқ дам олиш баҳонасида Қримга учиб кетибди; шўрлик хотини эса кўч-кўронини ортмоқлаб онасиникига жўнабди, хуллас, бир дунё гап.

Куёвнинг мусибати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ун саккиз ёшида тирик туриб севгилисидан жудо бўлиш; тағин қандай денг, топингани, сифинганининг ҳеч қутилмаганда бундай бўлиб чиқиши... оғир савдо бу! Бу фожиа зарби эҳтимол унинг ҳаётини издан чиқариб юборгандир, эҳтимол, қайтиб ўзини ўнғара олмас у?!

Жамиятнинг бошланғич социал ячейкаси — икки оила бузилди, афсуски, уни чойнак-пиёла каби чегалаб ҳам бўлмайди. Бунга ким айбдор?

Уша қизни ўзимча Наргиза деб атадим. Эҳтимол, у сизнинг танишингиздир, қўшнингиздир. Сизнинг ё менинг синглимдир? Ҳар қалай, қайси тоифага мансуб эди у: енгилтакмиди? Тарбия кўрмаганмиди? Яроқсиз китоб туфайли заҳарланганмиди ё?! Қаёқдан у пайдо бўлган

эди — томдан тушмагандир, ахир?! Севги, онла, садоқат, деган тушунчалар, бурч унинг онгига қай мазмунда сингдирилган ўзи?!

Нурота районидаги ўн саккизинчи ўрта мактабда бўлган журналист ҳикоя қилади: «Биринчи соатда 5 «а» да география экан. Кирдим. Уқувчилардан: «Районингизда музейлар кўп, бориб турасизларми?» деб сўрадим. «Ҳа» дейишди. «Зоопаркларга-чи?» «Зоопаркларгаям!» дейишди улар. Ҳолбуки, район тугур областда ҳам биронта зоопарк йўқ. «Зоопарк нима ўзи?» деб сўрадим, улар жим бўлиб қолишди, кейин республиканинг пойтахти қайси шаҳар экалигини суриштирдим. Шунда журъатлироқ бир бола ўрнидан турди-да, паст овозда деди: «Қора денгиз». Маълум бўлишича, уларга савдо техникуминин битирган қиз географиядан сабоқ берар экан!»

Модомики, ўша қиз, ҳатто даштда юрган чўпончалик маълумотга эга эмас экан, нима қилади болаларни захарлаб — дарсга кириб. Дейлик, у молиявий манфаатга сомедир, бироқ мактаб маъмурияти қаёққа қараган? Уқувчиларнинг қандай билим олиб, мактабдан ким бўлиб чиқиши наҳот улар учун аҳамиятсиз бўлса? Наҳотки, улар жавобгарлик ҳиссини унутишган бўлса?!

«Ҳечқиси йўқ!» — шу қабилдаги лоқайдлик, қўл силташлар туфайли юқоридаги каби фожналар туғилмаётганмикан? Ахир, тушунча, дунёқараш, бинобарин, эътиқод мактабда шаклланади-ку!

Зеро, улугларнинг айтганича бор: «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиш керак (Карл Маркс).

Тушунчанинг мағзию дунёқарашининг пойдеворига асос берадиган дарсликдир. Амалдаги қўлланмаларнинг аксарияти илк дафъа чоп этилганида ҳали биз дунё юзини кўрмаган эдик. Ҳар қалай, кейинги нашрларини ўқиб, улғайдик, бугун болаларимиз сўнгги нашрларини мутолаа қилишмоқда.

«Шу китоб болаликда кийган куйлагимга ўхшаб кетади-я!» деган эди бир шоир «Ватан адабиёти»ни варақлай туриб. Эҳтимол, бу таъна меъеридан аччиқроқдир. Бироқ аслида ҳам чорак асрлик силжиш адабиёт дарсликларимизни шамолдаги ёмғир каби четлаб ўтиб кетмадмикан, деб ўйлаб қоласан киши.

Тўртинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган «Ватан адабиёти»да халқ эртаклари мазмунан уч асосий группага бўлинади: «ҳайвонлар ҳақидаги эртаklar, сеҳрли эртаklar ва ҳаётий-манший эртаklar».

Муаллифларнинг даъвосича, «сеҳрли эртақларда ўсимликлар ва ҳайвонлар одамларга ёрдам беради, сеҳрли узуклар, тароқлар, дастурхонлар, учар гиламлар ва бошқа нарсалар қаҳрамонларни истаган жойларига етказиб қўядилар, уларга куч-қувват бағишлайдилар». Рост, шундай эртақлар бор, уларда яхшиларнинг бошига иш тушса Семурғ йўлдош бўлади, сеҳргар кампир ҳимоя қилади. Лекин нега энди улар «сеҳрли эртақлар» дейлиши керак?! Ахир, эртақ мазмунан яхшилик ва ёмонлик, садоқат ва хиёнат, жасурлик ва қўрқоқлик ҳақида бўлиши мумкин-ку. Эртақ билан танишган ўн бир яшар бола, шубҳасиз, буни англайди, бироқ юқоридаги таъриф уни чалғитади. Шу боис у «Зумрад ва Қиммат» мазмунан яхшилик ва ёмонлик ҳақида эканлигини гарчи фаҳмлаб турса-да, таъриф «сеҳри» оқибатида уни «сеҳрли эртақлар» тоифасига киритиб юбориши ҳеч гап эмас. Чунки унда сеҳргар кампир иштирок этади.

Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ ёки Паризод» достони ҳақида сўз юритиб, муаллифлар даъво қилади: «Поэмада халқимизнинг ростгўй, мард ва баҳодир фарзанди Бунёд тасвирланган». Наҳотки, шундай дейилса?! Бунёд тарихий шахс эмас-ку ахир, «халқимизнинг ростгўй, мард ва баҳодир фарзанди» бўлса...

«Сиз қуйида ёзувчининг «Олтин водийдан шабадалар» романидан олинган «Уктам» ҳикояси (?) билан танишасиз», дея уқтирилади яна шу китобда. Сал қуйида эса «Уктам» дея сарлавҳа қўйилади ва изоҳ берилади: «Олтин водийдан шабадалар» романидан парча».

Бу каби чалкашликлар тўртинчи синф ўқувчиси тугул ўқитувчини ҳам шошириб қўйиши турган гап!

Адабиёт дарсликларини ҳеч қўлингизга олиб нарақлаганмисиз? Уларнинг аксариятида гализ жумлалар, юзаки, чалкаш тавсифлар шунчалар беҳисобки, кўравериб, рости хафа бўлиб кетасиз. Тилини айтмайсизми, шу қадар руҳсиз ва қашшоқ, нафосатга муҳаббат уйғотиш ўрнига у киши ихлосини қайтаради. Бундай дейишдан мақсад, дарсликларни камситиб, муаллифлари дилига озор етказиш эмас, асло. Уларнинг бир қанчаси вақтида таълимга бағоят хизмат қилган, неча-неча авлод уни бағрига босиб улғайган. Лекин тараққиёт бор экан, аёнки, ҳар қандай нарса эскиради, жумладан, дарсликлар ҳам. Улар гарчи амалда бўлса-да, маънавий жиҳатдан кўҳнаргани ҳақида энди гапирилаётгани йўқ. «Адабиёт нега ўқитилади?» мақоласида Хайриддин Султонов «Ўқиш



китоби»ю «Ватан адабиёти»даги, Анвар Обиджон («Алифбе»даги сирли қоп») «Алифбе»даги яроқсиз жиҳатларни нохуш мисоллар воситасида батафсил таҳлил этишди. «Ёшлик» журналида бу мақолалар чиққанидан буён ҳам анча вақт ўтди. Рост, болалари тақдирига ичи ачиб, юраги тўлиб юрган кишилар адабиёт дарсликларининг бугунги даражаси кўнгилдагидек эмаслигидан ташвишланиб мактублар йўллашди. Бироқ дарслик муаллифлари-чи? Дарсликни тасдиқлаган ва нашр этган муассасалар-чи? Улар жим — оғир сукутга толишган. Мана шу сукут, ажабки, бир неча йиллардан буён давом этиб келяпти!

Дарслик — муайян йўналишдаги дастуруламал, шу манба озиғи неча-неча насллар тафаккур оламига сингади, шу манба уйғотган тушунча уларнинг дунёқарашига асос бўлиб қолади.

Шу бонс ҳам у тўғри йўналиш бериши, ҳар бир сўзи қуйма бўлиши, қудрат касб этиши ва муқаддас калом янглиғ жаранглаб туриши лозим.

Ҳаётни издан чиқариб юборадиган нарса — чалкаш Тушунчалардир.

Мактаб шундай бир оламки, айнан шу ерда эртанги кунимиз бино бўлади. Уларнинг қандай бўлиши эса, табиийки, дарсликларга ва шунга таяниб иш кўрадиган ўқитувчиларга боғлиқ. Шу маънода ўқитувчи яратган эгамга яқин туради.

Унинг синфни битирган ҳар бир ёш жамиятимизнинг бугунги манзаралари ҳақида ҳаққоний тасаввурга эга бўлиши лозим. Шоир айтганидек, «равон йўллар қаршингизда турибди муштоқ», дея уни чалғитмаслик керак. Биз ҳатто етуклик аттестати, кейин маълумотимиз олийлигини тасдиқловчи диплом олганимизда ҳам, ростки, гўдак эдик, ҳаёт ҳақидаги тасаввуримиз жўн ва ибтидоий, ўзимиз бағоят хаёлпараст, ҳамон Печорин эдик. Чунки ўн беш йил бадалида «Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фироқ Даста-даста китоблардан» таълим олгандик. Оқибат шу бўлдики, эндиликда қораланаётган расмиятчилик, қаллоблик, порахўрлик каби иллатлардан бино бўлган деворга келиб бошимиз билан урилдик. Бундай кўргуликнинг аянчли томони шундаки, киши майиб, руҳан мажруҳ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

«Сен асло ёдингдан чиқарма: кимники қўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳаминша жавобгарсан» (Антуан де Сент-Экзюпери).

Бугун айтилаётган иллатлар ҳали хаспўшлаб турилган пайтлардаёқ сўз санъаткорлари унга муносабат билдирган, биз тенгилар ҳаётнинг ички тўлқинларини илғаб олишади, ҳар қалай шу китоблар асқотган. Мавжуд воқелик ҳақида муайян тасаввур уйғотиши мумкин бўлган бу асарлар эса, афсуски, дарсликларда нари борса санаб ўтилади, холос. Рўй рост айтар бўлсак, қўлланмаларимизда эллигинчи йиллар муҳри ҳамон сезилиб туради. «Албатта, 20—30 йиллардаги айрим шоирларимиз ижоди бир андазага сиғавермайди, ўта зиддиятли. Аммо бу мазкур шоирлар ижодий меросини адабий жараёндан буткул ўчириб ташлаш керак, дегани эмас». Яқинда «Литературная газета» саҳифаларида Евгений Евтушенко билдирган юқоридаги фикрга мен ҳам қўшиламан. Дарҳақиқат, «адабиёт тарихида муайян из қолдирган бирон ижодкор унутилмаслиги керак!»— Абдулла Орипов Буниттифоқ ёзувчилар съездида айтган бу фикр дарсликларга ҳам тегишли, албатта. Дарсликдан биз, адабиётимиз солномасининг ҳар бир саҳифаси, жумладан, бизга елкадош ёрқин истеъдодларнинг ҳам, яқин ўтмишда яшаган салафларимизнинг ҳам ижоди ўзининг нозик таҳлилга бой теран ифодасини топишини истар эдик. Дарсликлар юксак талаб ва нозик дид билан, оддийдан мураккабга қабилида изчил тартиб билан, бир-бирини тўлдирадиган шаклда қайта тузилмас ва ўқувчининг руҳий оламига таъсир этишга қодир мукамбар тилда битилмас экан, бирор натижага эришиш маҳол.

Нечундир адабиёт ўқитувчиларининг аксарияти ҳали ҳам чет эл адабиётини «иккинчи даражали нарса» деб билишади. Шундайлардан бири аттестация пайти, ҳорижий ёзувчилардан кимларни биласиз, деган мазмундаги саволга қуйидагича жавоб берибди: «Шекспир, Отелло, Фучук, Тагор...» «Яна?! «...Хў-ўш, ҳалиги борку, ҳалиги — онасига уйланадиган?» «Ким?» «Ахийри сўқир бўлиб қоладию! Шукур Бурхон ўйнаган!...» «Шоҳ Эдип»ми?» «Ҳа, ҳа! Студентликда...»

Дунё халқларининг жавоҳироти — камалакдек товланиб ётган бу адабиёт ҳақида борки тушунчасини шу тарзда баён эта туриб, ўша ўқитувчи Наргизага ўхшаб номига бўлсин, уялмапти ҳам, чунки унинг имони комилки, ёлғиз эмас, атрофида ўзига ўхшаган ўнлаб, юзлаб ҳамкасблари бор, шу боис у хотиржам. Ҳолбуки, дунёвий адабиётнинг бугунги миқёсларию ундаги яшариш ва йўналишлари, жиллақурса, улкан сўз санъаткорлари-

нинг она тилимизга ўгирилган мумтоз асарларини билмай туриб, адабиёт ўқитувчиси бўлиш мумкинми ўзи?!

Авваламбор, дарсликлардан жаҳон адабиёти ўзининг ботартиб, тўқис ва кўламли ифодасини топиши лозим, шекилли.

Модомики, адабиёт инсоншунослик экан, мактабда уни бевосита инсон, жамият ва ҳаёт ҳақидаги таълимга айлантириш эҳтиёжи бордек туюлади. Бунинг учун хрестоматиялар ҳам медалнинг ҳар икки томони ҳақида бирдек тасаввур уйғотишга қодир, давр руҳи билан суғорилган баркамол асарлар ҳисобига янада бойитилиши лозим.

Бола бошидан, дейди машойихлар. Наслнинг аввал бошдан мушоҳадакор, мустақил ва курашчан бўлиб ўсишига эришилса, бунинг меваси зиёда бўлиши табиий. Шу маънода жамиятшунослик фани, эҳтимол, қуйроқ синфларда ўқитилиб, юқори синфларда фалсафа ва ҳуқуқдан сабоқ берилса ўсмирнинг мушоҳада олами кўлам касб этармиди, жамиятнинг тараққиёт қонунларини англаб этармиди, деб ўйлаб қоласан киши. Ахир, ўн етти-ўн саккиз ёшида муайян бир маслакка эга бўлмаган манқурт бугун ёки эрта бир кун жамиятга қандай наф келтириши мумкин; айниқса, ишлаб чиқариш илмий асосга қурилаётган бизнинг даврда?!

«Сиз, инсониятнинг яратган билими, тўплаб келган нарсаларни ўзлаштириб, билиб олмасдан туриб, коммунист бўлиш мумкин, деган хулоса чиқармоқчи бўлсангиз, жуда катта хато қилган бўласиз. Ҳамма билимларни ўрганиб ва билиб олмай туриб, коммунистик шиорлар, коммунистик фан хулосаларинигина билиб олиш кифоя қилади, деб ўйлаш хато бўлар эди, чунки коммунизмнинг ўзи ана шу жаъми билимларнинг оқибат натижасидир...» (В. И. Ленин).

Чархнинг ўйинини қарангки, бир пайтлар, гарчи алифни калтак дея олмаса-да, бизнинг мактабда мураббийлик қилганлар бўлган...

Олтмишинчи йилларда педагогика институтлари эшикларини ланг очиб қўйишди, шекилли, монёрлар дейсизми, бошқалар дейсизми, ишқилиб, ёши қирқни қоралаб қолган турфа тоифа бу даргоҳларга адашиб оёқ босишди, сиртдан ўқиб, эртақларда нақл қилинганидек, бир думалаб муаллим бўлиб олишди. Умуман, биров шу ёшдаки ўқишни орзу қилибдими, демак, унинг юрагида ўти бор, буни қадрламоқ керак. Яхши ният — яхши-да.

Лекин негадир, ўша кишиларнинг саъй-ҳаракати илдам-лаб кетаётган поездга чиқаман деб бели чиққан кимсани эслатади менга...

Яқинда таниқли шоирлардан бири Навоийнинг фалсафий қарашлари ҳақида гапириб, деди: «Мабодо шеърятга ихлос қўймаганимда ва, агар, ҳозир ҳам қирқ ёшнинг нари-берисиди турмаганимда, ҳеч иккиланмай улуг бобомиз ижодининг шу қиррасини тадқиқ этишга ўзимни бағишлар эдим. Энди кеч, на у ёқлик, на бу ёқлик бўлиб, ўрта йўлда қолиб кетасан киши!»

Бир думалаб муаллим бўлганларнинг анчагинаси — қўлида диплом — ҳойнаҳой, на у ёқлик, на буёқлик бўлиб, ўрта йўлда қолиб кетишди. Иқтидорли одам қирқ ёшида киришса ҳам бир ёқни обод қилар, лекин ўрта-ҳол киши-чи?.. Зеҳни ўтмаслашгунча тирикчилик деб елиб-югурган монтёр сиртдан ўқиб бирдан бекам-кўст ўқитувчи бўлишига ҳеч ишонгинг келмайди-да. Уқитувчи тадрижий билим олиши, муайян камолотга эришиши, ўз соҳасининг олими бўлиши керак. Ахир, ўттиз-қирқ болани ўзингга эргаштириш, уларга маърифат улашиш осонми?!

Орзуга айб йўқ. Лекин муаллимлик қилиб кўпчиликка зиён етказандан кўра, дейлик, монтёрлик қилиб, элга нафинг теккани афзал-ку! Умуман, педагог тайёрлайдиган олий даргоҳлардаги сиртқи таълим ўзини оқлайтимкин ёки йўқми?!

Ҳа, бизнинг мактабда алифни калтак дея олмаса-да, мураббийлик қилганлар бўлган, бу рост. Туфлаган носи мўйловига ёпишиб қоладиган ўша одам мактаб устахонасида ивирсиб юрар, эшик, ром ясаб сотар эди. Меҳнат дарсларида эса ўқувчиларга «таълим» берар, яъни бориб биз ҳам унга ёрдамлашар эдик. Ҳозир ёзги таътил пайтлари пахса уриб юрадиган ёшгина ўқитувчиларни кўрсам, бу ўша одамнинг касри эмасмикан, деб ўйлаб қолам. Уқитувчига мардикорлик муносибми, ахир!...

Ростини айтсам, меҳнат, расм ва ашула бизнинг мактабларда фан ҳисобланмас, айниқса, йиғим-терим тугагач, дарслар тифизлашган урҳо-ур пайтларда шундай фанлар борлиги бировнинг хаёлига ҳам кириб-чиқмас эди.

Лекин мактабимиз пештбқиди «Санъатсиз турмиш — ваҳшийлик» деган ҳикматнома гап ҳаминша осифлиқ турарди!

Тасвирий санъатга ва Ғарб классик мусиқасига безъ-

тибор муносабат ҳамонки бор экан, бунинг асоси мактаб таълими билан изоҳланмайдими?

Ҳар жиҳатдан комил инсонни вояга етказишда шубҳасиз адабиёт, санъат ва фалсафага таянилади. «Мактаб мушоҳада масканига айлангандагина ҳақиқий мактаб саналади» (В. Сухомлинский).

Чинозда Бобур номли мактаб бор: неча йилдирки, мактабнинг аълочи ўқувчилари гуруҳ-гуруҳ бўлиб қишқи таътил пайти мамлакатимизнинг тарихий жойлари ва қадимий шаҳарлари бўйлаб сайр қилишади. Албатта, бундай сафарлар катта харажат эвазига бўлади, табиики, мактабга оғирлик қилади. Чинозликлар эса тадбиркорлик билан иш юритишган: болалар дарсдан кейин, ёзги таътил пайтлари ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида меҳнат қилишади, манглай тери билан топилган пул эса хайрли сафарларга харжланади.

Шу тариқа меҳнатга кўникма ҳосил бўлади, айни пайтда ўқувчилар дунё кўради. Москва, Ленинград, Волгоград, Брест қалъаси, тарихий обидалар, хуллас сайр чоғи неники кўришса, бу уларнинг тафаккур олами бойишига, Ватан ҳақидаги тасаввурлари муайян замин касб этишига хизмат қилади.

Барча мактабларда ишни шундай йўлга қўйиш қийинми? Нега?

«Болаларни севинг!..» деди у бирдан, «Севинг!..» деб ҳайқирди, кўзида ёши...» Бундан тўққиз йил муқаддам, айни шу кунларда бу нидо таралган — «Кейнц Стедидум»да; яшил майдонни тарк этатуриб, бир оғиз сўзига илҳақ мингларча мухлисларига Пеленинг айтар гапи юрагидан отилиб чиққан: «Болаларни севинг!..»

Ўшанда тўртинчи синфда ўқир эдик. Охирги дарсга қўнғироқ чалинган ҳамон Исоқул деган синфдошимиз отилиб эшикдан кирдида, «бахши келибди, бахши!» деди. Одатда Ғужбоғга кино келса биз шундай севиначдик.

Дарсдан кейин барча мактаб ҳовлисига йиғилди. Уртада — ўриндиқ, унда ўтирган озғингина, дўппи кийган киши иймангандек болаларга жавдираб қаради-да, кейин дўмбрасини қўлига олиб куйлаб юборди: «Оймомажон, оймомо, Қуйруқларинг мой мома...» Бу — Ёдгор бахши Исҳоқов эди. Шу-шу, бахши деса ўша киши кўз олдимизга келадиган бўлди. Мана, орадан йигирма олти йил ўтди, бироқ унинг мунғайиб ўтирган кўйи шеър ўқиши, ора-сира ўзича жилмайиб қўйиши, ҳар бир хатти-ҳаракати ҳали-ҳали ёдимизда. Шоир, ёзувчи ва ёки уму-

ман, адабиёт ҳақида гап кетгудек бўлса, мактабдошларим ҳамон Ёдгор бахшини эслаб юришади. Бежиз эмас бу, албатта, юз эшитгандан бир кўрган афзал, дейди халқимиз.

Мактаб маъмуриятлари (хусусан, қишлоқ шароитида), район халқ маорифи бўлимлари таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказишни негадир хаёлларига ҳам келтиришмайди. Улар шу ишни бошлаб юборишса ёзувчилар ташкилоти ҳам оталиқ қилиши таянқу!

Диёримизда адабиёт ва санъат, тарих музейлари, ёзувчиларнинг уй-музейлари оз эмас. Қишлоқдаги ўқувчилар тугул мураббийларнинг ўзи ҳам бу даргоҳларга йиллаб қадам босишмаса керак! Ҳолбуки, бу даргоҳлардаги ҳар бир кўргазма кишини мушоҳада юритишга ундайди, бир қадар ақлни пешлайди.

«Гоҳо менга, қандайдир бир хатарли куч мактабдаги барча ишларнинг оёғини осмондан қилиб юбораётгандай бўлиб туюлади,— деб ёзади Днепропетровск шаҳридаги 19-ўрта мактаб директори В. Бажкунов «Правда» газетасида босилиб чиққан «Директор амаки, сиз ноҳақсиз!» мақоласида,— болаларда меҳнатга кўникма ҳосил этайлик дейман-у, мактаб эса гоҳо уларни меҳнатдан бездиради. Аслида ўрта маълумот берилиши керак, лекин дарслигу программалар шу қадар мураккаблашиб кетганки, битирувчи қандай маълумот олганлигини ҳам билиш амри маҳол. Успиринни кўз қорачиғидай асраш, ёмон кирдикорлардан имкон қадар сақлаш зарур, биз бўлсак амал-тақал қилиб уни саккизинчи синфгача олиб борамиз-да, кейин ҳунар-техника билим юртига жўнатишнинг, ростки, ундан қутулишнинг пайида бўламиз. Гапнинг пўсткаллеси, нега саккизинчи синф ўқувчисини бошқариш мунчалар қийин бўлиб қолаётгани ҳақида бош қотирмаймиз. Ўқитувчини ҳам улар энди мўътабар зот деб билмайди. Шунақа, биз ўзимиз уни шу кўйга солиб қўйдик...»

...Мана шу шароитда ўқиб-улғайган бош врач, шундай қилиб, 1980 йилнинг 18 январиди менинг: «Мабодо хотинингизнинг кўзи ёрийдиган бўлиб қолса, эл қатори мана шу туғруқхонага ётқизармидингиз?», деган саволимга силкиниб бир кулди, кейин гўё шунки билиб қўй, демоқчи каби таъкидлаб айтдики: «Йўқ!»

«Сиз-чи, сиз — фалонсиз, писмадонсиз! Одам боласи бунчалик бағритош бўлмайди?» деганимда у пинак буз-

мади, менинг таънамни ҳақорат деб билмади. Рост, аввал бошда сезгандек бўлди, «шахсан биринчининг ўзлари»га кўз учида қараб олгач, шу тарафга пича сурилди ва отасининг пинжидаги тойлоқ каби баттар талтайди. Унинг бек каби беписанд ўтириши, турқи-тароватида одам боласини таҳқирловчи, айти пайтда юракка қутқу солувчи нимадир бор эди.

Бундан даҳшатга тушмаслик мумкин эмас эди.

Ушанга довур ҳаётда шундай палид кимсалар учраши мумкинлигини, рости, хаёлимга ҳам келтирмаганман.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг тошқин янглиғ ҳаётга кириб борган адолат ўша нопокларни ҳам оқизиб кетди: «шахсан биринчининг ўзлари» ўн беш йил йилни бўйнига олиб, қамоққа равона бўлдилар (унинг бисотидан ҳазилакам ўмарилган маблағ чиқмади); бош врач ҳам ишдан четлаштирилди. Лекин улар ва бугун қора курсида ўтирган, яъни жиноятчи сифатида айбланаётган юзлаб кишилар кунни кеча сизларнинг ўқувчиларингиз эди-ку, муҳтарам устозлар?!

Сизлар — юзлаб, минглаб ҳалол ва фидойи, жонкуяр мураббийлар келажак насл тақдирига қайғуриб мактабларда заҳмат чекишаётганингизни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бошқалар-чи, ёнингиздагилар-чи? Нега улар хотиржам? Нега улар ўқитувчи зиёли, маърифатпарвар ва ижодкор бўлиши лозимлигини унутиб қўйишган?

Ҳозирги ёшлар орасида қандайдир бегона ҳис этаман ўзимни, деб ёзади Чингиз Айтматов. Бу ёшлар ичида Сиз — мураббийлар ўзларингизни қандай ҳис қиласиз? Мабодо сизлар ҳам ўзларингизни ноқулай ҳис этаётган бўлсангиз, нега жимсизлар? Агар, бу туйғусизларга ёт бўлса, нега шундай?

Хўш, «сизни инсон зотининг сақланиб қолиши қизиқтиришига ҳақиқатдан ишончингиз комилми: Сиз ва Сизнинг барча танишларингиз ёруғ жаҳонда бўлмаган тақдирда ҳам?» (Макс Фриш).

«Ҳа» дейсизми?

«Йўқ»?!

Нега?

Ўйлаб кўрмагансиз? Унда жавоб беришга шошилманг. Чунки сизнинг «ҳа» ёки «йўқ» деган бир оғиз сўзингиз неча-неча насллар тақдирини ҳал қилади...

## ЮРАҚДАГИ ЕЗУВЛАР

— Ҳозир биз ўтадиган кўприк оламга машҳур, агар ўқиган бўлсангиз!..— Лилиананинг товуши ҳаяжон юқидан холи эди, зеро у худонинг берган ҳафтаси шу кўпикдан ўтади ва йўлдошларига юзланиб, синиқ пластинка каби нуқул шу сўзларни такрорлайди: «Агар, ўқиган бўлсангиз!..» Унинг учун бу одат тусига кирган. Эҳтимол қачондир, илк дафъа ўтатуриб, у ҳам кўприкка ҳайрат ила боққандир, шу сўзларни илк дафъа айтатуриб, овоз ҳаяжондан титраб кетгандир, бироқ бу ҳақда сўз очиш шу тобда унинг ҳаёлига ҳам келмайди, дейдики, бу кўприк XVI асрда...

Тоғликман деган чайирдан келган бўлади; юзлари сариққа мойил Лилиана Шаламон ҳам новчагина, хипчабел, русчани у хиёл бузиб талаффуз қилади, айтишича, саккиз йил бадалида тил ўрганган, шунинг баробарида, дейди у, инглиз, француз ҳам немис тиллари мактабда ўқитилар, табиат ва жуғрофия амалий сабоққа айланган эди...

Чошгоҳ маҳали. Анча чўзилган тошнелдан отилиб чиққан поезд осойишта шаҳар қўйнига шўнғиди. «Белград», Вокзал пештоқига шундай деб ёзилган эди. Деворлари оқ, томи қирмизи, бири бирига ўхшамайдиган уйлар, тор, шинам, камқатнов кўчалар,— бизнинг шаҳарлардан ҳеч бирига ўхшамайди у,— нозиктаъблик билан бино этилган иморатлар бир-биридан нечоғлик фарқ қилса, районлар ҳам бир-бирдан шунчалик ажралиб турарди. Кўчаларда қатновнинг камлиги, йўлакларнинг ҳувиллаб ётиши қандайдир эриш туюлади, худди шаҳарни ташлаб одамлар бир ёққа кўчиб кетгандек, лекин кўрасанки, юзлаб тошбақасимон машиналар иншоотлар олдида мунчоқдек тизилиб турибди, шунда ҳайрон қоласан: «Наҳотки булар!..» Одам боласининг шунчалар интизомли бўлиши мумкинлигига ҳадеганда ишонгинг келмайди...

Сешанба куни Байна-Башта шаҳридан чиқиб, йўл-йўлакай Дрина дарёси дамбасига бордик, шу дамба туфайли тоғлар оралиғида адоғи йўқ сунъий кўл бино бўлган эди, кемага тушиб уни сайр этдик, шунда элликолтмиш чоғли бола бизга ҳамроҳ бўлдилар, кейин ойдинлашдики, улар пойтахт мактаби ўқувчилари экан, табиат дарсининг амалий машғулотида бу ерга келишибди. «Буларнинг тийрак назар билан боқишини қа-



ранг, катталарга ўхшаб ўзини тутишини қаранг!»— дейди дўстим ёзувчи Олим Отахонов. Шунда армон билан ўтган болалик дамларинг, мезон янглиғ елга учган орзуларинг дилингни ўртаб юборади. Бу йил Ўзбекистон болалари йигим-теримга жалб этилмади ҳисоб, бунга шукроналар айтмоқ баробарида ҳамон кемадаги йўлдошларимни мамнуният билан эслайман: кўлнинг зилол сатҳидаги сокин мавжларга ҳам, тошлоқ соҳилни тилка-пора қилиб чиққан арчаларга ҳам, пешонаси кўкка тугаш тоғларга ҳам улар на ҳайрат ва на томошабин назари билан, балки боғини айланиб юрган боғбон каби меҳру ихлос, эрта-индин юртга эгалик қиладиган киши сиёқида термулиб туришар эди. Кейинчалик, Адриатика денгизи сари боратуриб, сўнг «Қарвон» дам олиш гўшасида, қайтар маҳали Босния қишлоқларида, ҳар дам, ҳар қадамда шу тарбия, шу муҳаббат дарахти ҳосил бериб турганлигини кўриш мумкин бўлди, тоғ белида камар янглиғ чўзилиб ётган асфалът йўлнинг равонлиги, поёнсиз қирлар, жарликлар, ҳатто чўққиларни тутиб кетган турфа хил дарахтлар, ҳу дара тубида солланиб оқаётган дарё, сувнинг шаффофлиги — кўзнинг қорачўғи каби асралган, ибтидий малоҳатига тиг тегмаган табнатнинг жозиб чиройи кимнинг дилини орзиқтирмайди, кимни шайдо этмайди дейсиз! Шунда ҳали бокира туйғуларинг заҳа емаган беғубор болалик дамларингга рўпара келиб қолгандек бўласан киши.

— Оролнинг қисмати кишини ташвишга солади. Ҳар қалай, денгиз сувининг тортилиши ҳисобига халқ хўжалигида нимагаки эришган бўлса, йўқотишларимиз ҳам бундан кам эмас. Орол теварагидаги ерлар сондан чиқди, шўрхок кўчкилар боғларга путур етказди, балиқчилик ҳам барбод бўлди. Энди...— Александр Леонидович бир чора излаётган каби ўйга толиб, денгиз мавжларига кўз ташлайди. Сокин чайқалаётган бу денгиз Орол эмас, Адриатика эканлигини, Мўйноқда эмас ҳозир, балки Дубровник шаҳрида турганлигини у тамом унутган. Олис элатда, ҳатто сафар чоғида ҳам халқ дарди, Орол дарди билан яшаётган ватандошининг нуроний чеҳрасига тикила туриб, дилда меҳринг жилва қилади. Академик Александр Леонидович Яншин. У айтадики, ҳали умид йўқ эмас, ҳали умид бор!..

Умид эса муҳаббатдадир. Модомики, дилда шу туйғу бўлмас экан, айтаётган гапимиз кўзбойлагич пуркаган

оловдан ҳеч тафовут қилмайди. Бу олов ёлқини эҳтимол кимнингдир кўзини қамаштирар ва лекин...

Бундан ўн йилча муқаддам... кўрдимки, хўжалик билан шартнома тузиб ишлаётган навойлик пиёзшунос ниҳол устига ҳовучлаб ДДТ сепаетир. Айтишларича, бу дори турли ҳашоратларни қириш баробарида ёввойи ўтларни ҳам куйдириб ташлар экан. Ҳолбуки, у пиёз пўстлоғи орасида сақланади, кейин инсон танасида ҳам йиллар бадалида таъсир кучини йўқотмай яшайди, бинобарин, турфа касалликлар туғдиради. Шу боис ҳам партия ва ҳукуматимиз бутифосга довор — йигирма йил бурун ДДТ ни таъқиқлаган. Чироқчида эса у ҳамон пиёзчиликда қўлланилаётган экан. Шунини эшитиб, ёспирай деб ёқа ушлайсан киши, ҳали бир масала ҳал бўлмай туриб, нега бу абжир манфаатпарастлар ўзга бир муаммони кун тартибига кўндаланг қилиб қўйишади!!! «Ахир, табиатга мурувват ҳам керак-да!» дейди академик Яншин. Ҳа, табиатга мурувват керак, инсоннинг ўзига, бир-бирига ва эртаги кунига ҳам...

Белграднинг жанубий шарқида шундай хиёбон бор: «Ёшлар гулшани». У нотекис замин узра тўшалиб ётган шаҳарнинг сарбаланд жойида бино этилган; фалакка қадалиб турган телеминора ҳам шу ерда. Богнинг кўкка қучоқ очган тепалигида Озодлик ҳайкали бор. 1937 йили тикланган бу ёдгорлик сийнасида уруш асоратлари сақланиб қолган — снаряд парчалари мармар шоҳсупа бағрини тилиб юборган. Шаҳарнинг қайсики бурчагидан қараманг, ям-яшил бўлиб кўзга ташланиб турадиган кўркам бу боғ комсомол ёшлар тасарруфида, зеро, уни барпо этганлар ҳам, Озодлик ҳайкалига олиб чиқувчи айланма йўлни қаричма-қарич қурганлар ҳам, хиёбонни бу даражада озодда сақлаётганлар ҳам аслида шулар!

Шу хиёбондан чиқиб токи Адриатика денгизига етиб боргунингча сал кам икки кунлик йўл юрилади. Автобусда кетатуриб, кунчиқар тарафдаги кўкни тилган Черногоре чўққиларига термуласан, банагоҳ улар орасида отнинг бели каби ингичка тортиб турган кўприкка кўзинг тушади. Бу кўприк шу қадар омонат туюладики, ваҳмдан юрагинг увишиб кетади, кейинги чўққилар орасида дорбознинг доридек бўлиб яна бир кўприк кўзга ташланади, «Нима азоб, дейсан, қанча маблағ кетган, қурбонлар бўлгандир? Ахир...» Теварак-атрофни назардан ўтказасан ва англайсанки, энишдаги дов-дарахтлар-

га зиён етказмаслик учун, бир қарич бўлса-да, текис жойни исроф қилмаслик учун... тоғу тошни тешиб, чўққилар орасида кўприк ўрнатиб... темир йўл ўтказишган. Тағин тоғ ўрмонлари чиройига путур етмасин деб шундай қилишганки, поезд кўприкдан ўтган ҳамон тоннелга кириб кетади. Бу каби ҳол, онда-сонда учраса-ку, ҳа, энди, мажбур бўлиб тоғ ичида йўл чиқаришган чиқарда, дейсиз, бироқ ҳар бири неча-неча ўн километрга чўзилиб кетган ўттиз учта тоннель қазиб, йўл чиқариш... оламдаги саккизинчи мўъжизани яратишнинг ўзгинаси бўлса керак, ҳар қалай. Бу ҳайратангиз йўл, нарёғини сўрасангиз, атиги олти ой ичида қурилган экан. Буни ҳам вақтида комсомол ёшлар,— тағин ишҳақи олмасдан,— барпо этишибди. Уларнинг исму шарифи ҳеч қаерда қайд этилмаган, ўзлари ҳам тоғу тошларга номларини ёзиб қолдиришмаган.

Қишини ўзига маҳлиё этадиган жиҳат шуки, на бу ва на ёнбағридан йўниб чиқарилган асфальт йўл тоғу тошлар малоҳатига зиғирча зиён етказмаган.

Машойихлар дейдики, ҳар жойда бордир тошу тарози албатта, уларда ҳам қанча муаммолар ечмини кутиб ётибди. Экин экадиган текис ернинг тақчиллиги югославларни ҳамиша ўйлантирса керак. Тоғ этагию ўрмон қўйнида кафтдек равон жой учраса, дарҳол иморат қуришган, уйлари икки-уч қаватли, бу эҳтимол ерни тежаш туфайлидир. Уйларни айнан шу тарзда қуриш эҳтиёжи, агар янглишмасам, ҳозир бизда ҳам мавжуд, она қишлоғим Ғужбоғ юз гектарлик бригаданинг «маркази» эди, бундан ўттиз йил бурун қишлоқда элликта хонадон, бинобарин, уч юзга яқин «келажак эгалари» бўлган. Ҳозир шуларнинг ҳар бири уйли-жойли, бола-чақали. Қишлоқ ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб, узлари тирикчилик қиладиган бригада даласининг тенг ярмини ишғол этди. Бугунги кунда «келажак эгалари бизмиз!» деб юрган ғужбоғлик болакайлар эрта бир кун уйли-жойли бўлишса, шуни билингки, бир қарич ҳам ер қолмайди. Республика миқёсида аҳвол шундай. Ернинг чекланиши ҳали биз туш кўрмаган муаммолар туғилишига сабаб бўлади. Шундай экан, кишиларимизнинг таъбига мос қўшқаватли уйлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, қишлоқларимизни замонавийлаштириш ҳақида ҳозирдан ўйлаш лозим.

— Агар, эътибор берган бўлсангиз, архитектурада индивидуал ёндошув ҳосиласи шундоқ кўзга ташланиб

турнбди,— дейди меъмор Андрей Соколов,— биз танлаган йўл ҳам шу, фақат ишга бир қадар кеч киришдик. Югослав қишлоқларида ҳар бир хонадон бетакрор ўзига хосликка эга, буни таъминловчи омил шундан иборатки, ҳар ким кўнглига мос буюртма беради, хусусий ташкилот шартнома тузади, кейин буюртмачининг таъбига яраша иморатни тиклайди.

Мамлакатимиз қурилиш материалларига бой. Ёғоч дейсизми, гранит, мрамор дейсизми, истаганча топилади, лекин улардан фойдаланиш масаласига келсак... истайсизми, йўқми, юксак маданият талаблари даражасидан қаралса, ҳар қадамда хўжасизликка, исрофгарчиликка тўқнаш келамиз. Шунга кўникиб қолганмиз, биз. Боз устига, умумий фаолиятда шундай бир бюрократик муносабат занжири мавжудки, прогрессив кучнинг интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишига у ҳаминша тўсқинлик қилади.

Ер остию темир йўллар, кўприклар қуриш борасида Югославия пешқадам саналади. Черногоре чўққилар ўйилиб, шунинг ичидан олиб ўтилган темир йўл ҳамда афсонавий кўприкларни кўз олдингизга бир келтиринг-а! Нима, шундай ишлар қилишни истамаймизми биз, бизнинг қўлимиздан келмайдими ё? Қодир эмасмизми? Йўқ, истаймиз, қўлимиздан ҳам келади, лекин...

Амалдор йўриғи, план ва мажбурият, расмийчилик йиллар бадалда ишни ҳаракатга келтирувчи қудратга айланди, бу «темир йўл»дан чиқиб кета олмадик, биз мушоҳада, муҳокама, шахсий ташаббус, интилиш каби хусусиятлар итоат, жарангдор сўз, қўшимча мажбурият... кабиларга ўрин бўшатиб бердик, одамлар ўзи учун эмас, давлат учун ишлайди, планни бажариш учун қуради, қўлидан кетгунча — эгасига етгунча қабилида! Қонимизни совутган лоқайдликка кўникиб, бир-биримизни алдаб келдик... Булар, ҳар қалай уйга ўзи учун қураётганлигини унуттирмайди, унинг кўркем бўлишини истайди, сизу бизни ажаблантирган сифатнинг омили шу, аслида. Биз — меъморлар қурувчига қараммиз, унинг майлига қараб лойиҳа ўзгариб кетади, югослав қурувчилари меъмор лойиҳаси бўйича бурчларини ҳалол ўтайдилар чамаси. Ҳар ким бурчини виждонан бажармас экан, дуруст натижага эришиш маҳол...

Сутеск дарёси ҳам тоғ оралаб ўтади, дарё бўйидаги Миллий боғни кезар бўлсангиз, асрладан буён ўйга толиб турган бўйчан арчаларга кўзингиз тушади, боғ шу

қадар сокин ва осойиштаки, ҳадемай ўзингиз ҳам шу осойишталикка банди бўлиб қоласиз, шунда бу ҳол сизга минг йиллардан буён давом этаётгандек бўлиб туюлади. Ҳолбуки, яримасрча бурун шу замин сийнаси ўқлардан чок бўлган, снаряд парчалари арча шохларини учириб юборган, дарё суви қон қуюлиб қизарган. Ҳар қарич ер учун партизанлар жон олиб, жон берган. Ушақирқ биринчи йилнинг еттинчи ноябрида — фашизм Европани зир титратиб турган бир пайтда Ужиц шаҳри аҳли партизанлар билан бирга улуг инқилобни шарафлаб, тантанали намойиш ўтказишган!

«Ёриб чиқиш» — Миллий боғдаги монумент шундай деб аталади. У жангдаги шаҳид кетганлар хотирасига қўйилган. Ёдгорлик қад кўтариб турган тепаликка — қайд этилишича — 3301 киши дафн этилган: югославлар, италиянлар, албанлар...

Белград. Биродарлик қабристони. Қабр тепасидаги мрамор лавҳа. Ёзув: «Майор Усмон Зокирович Ёқубов». Унга бақамти тўртта қабр, кейингиси: «Шойим Назиров...», «Исмоил Хасанов», «Зоҳир Мираҳмедов», «М. Шоҳалиев...» Белград тупроғини озод қилатуриб, шаҳид кетган ҳамюртларимиз номи ёзилган лавҳаларни артаётганимизда бўйнига фотоаппарат осган кекса бир киши ёнимизга келди, русмисизлар, деб сўради, албатта, мен ёзган каби содда тилда эмас, балки «русшен?» деб. Шунда биз — тил билмас сайёҳларга теккан касал — чалакам-чатти қилиб Ўзбекистондан эканлигимизни айтдик, унинг юзлари яшнаб кетди ва бизни бир қабр тепасига бошлаб борди: «Василий Митрофанович Гончаров». Қария: «Ташкент, Ташкент», деди англашимизча, Гончаров бизнинг ҳамшаҳаримиз экан, акаси ҳар йили Тошкентдан бориб укаси қабрини зиёрат қиларкан. «Айрофат Атанасович Каропетян», арман, дея тушунтирди ҳалиги киши. Қабртошга кўзлари чақнаб турган учувчи йигитнинг сурати ўрнатилган эди, айтишича, капитаннинг отаси келиб шу ишни қилган, то у вафотигача Биродарлик қабристонига қатнаган, кейин Айрофатнинг акаси ҳар йили келиб, қабр тепасида туриб укасини ёд этган, ўтган йили Арманистондан келатуриб, йўлда поездда...

Қадам босаётган тупроғнинг қонларга беланган: унда бизнинг ота-боболаримиз ҳоки туроби, айрилиқ доғи куйган аяларимиз, уруш беваларининг саргардон ха-

ёллари, ҳасрат ва армонлари ҳамон мезон каби учиб юргандек...

Меъмор Миодраг Живкович Сутескда «Ёриб чиқиш» ансамблини бино этибуриб, қонга беланган кечаги кун ёдини ҳар бир унсурда ифода этишга интилган, музей-сарой деворларига мусаввир Кресто Хогедушич чизган суратлар ҳам бўёқлардангина иборат эмас, жангоҳнинг ранг-тасвири аста-секин муайян аслаҳалар — занг босган, автомату гранаталарга уйғунлашиб кетган. Партизанлар ҳаракати ҳақида ҳужжатли фильм ҳам саройда намойиш этилди, табиийки, унда югослав қишлоқларининг уруш давридаги аҳволи муҳрланиб қолган, мўнағайиб турган тахта уйлар шу қадар ночорки, кўрсанг, ичинг ачиб кетади, саройдан чиққач, ўта замонавий, кўркама биноларга кўзинг тушиб, ярим аср бадалида шунча ўсиш содир бўлганлигига, рости ҳайрон қоласан. Шунда Иво Андрич айтган бир гап хаёлингдан кечади: «Биз оламдан ўтгач, нени мерос қолдирганлигимизни... ўрганишларинг мумкин...»

— Уй-жойга эҳтиёжманд ёшлар талабини қондириш мушкул муаммо, дейди Лиллана Шаламон,— буни ҳал этиш яқин йиллар ичида ҳеч кимнинг қўлидан келмаса керак! Бу ҳол, табиийки, бўлак қийинчиликлар туғдирмоқда, бизда ижарадорларнинг кўпчилиги греклар, улар пулдор, шу сабаб ижара ҳақига катта пул сўрашади, олган маошининг ярми шунга кетади, тагин марка ҳисобида тўланиши керак, хуллас, ёшларни танг аҳволга солиб қўяпти бу, натижада уларнинг аксарияти иш ҳақи биздагига нисбатан бир неча ҳисса баланд бўлган Австралия, ГРФ ё бўлак ҳорижий мамлакатларга бориб, ўша ёқда ишлашмоқда. Шунақа, бошқотирмалар кўп биздаям...

Иво Андричнинг «Йўл ёқасидаги аломатлар» китобида шундай қатра бор: «Сараевода гўлаҳ Жамил Куртович — собиқ партизан — хотини Шоҳой ҳамда мактабда ўқийдиган икки қизи билан ката-лакдай хонада яшаб, кенг-мўл, чарағон уйга эга бўлсайдим, деб орзу қилади. Шу гўлаҳ журналистга айтадики:

— Нечоғлик ҳузур-ҳаловатда яшаётганлигимизни билгимиз келса, одатда радионинг қулоғини бураймиз...

—?!

— ...Ундай шоду ҳуррамлик оламда йўқ!»

Шундай, худди шундай Сараеводан бўлак жойларда ҳам...

Турмуш маданиятининг ўсиш шитоби ўзидан асо-  
ратлар қолдирмаслиги ҳеч мумкин эмас-ку, ахир. Белг-  
радни сайр этар экансиз, тор тошкўчаларнинг ҳар икки  
тарафида қалдирғочдек тизилиб турган машиналар-  
ни кўрасиз, улар дунёнинг турли мамлакатларида иш-  
ланган, турфа хил, шаҳарда гараж қуришга жой йўқ,  
шу бонс кечаю кундуз кўчада туради, айтишларича, ҳар  
тўрт белградликнинг бирида машина бор. Лилианадан,  
бу хушбичим тулпорларни қўли эгри нокаслар опқочиб  
кетмайдим, а? деб сўрашга эса, рости, иймандик. Бош-  
қа шаҳарларда ҳам худди шу каби манзаранинг гувоҳи  
бўлиб, пича ажабланиб юрдик, кейин-кейин кўникиб  
кетдик.

Пойтахт тугул мамлакатнинг олис жанубидаги қиш-  
лоқ магазинлари ҳам кийим-кечагу истеъмол моллари  
билан бадастир, шуни кўриб, шоир Йўлдош Эшбек:—  
Халқнинг турмуши чатоқ шекилли,— дея тахмин қил-  
ди,— одамларда пут йўқдирки, шунча мол дўкон пеш-  
тахталарида қалашиб тургандир?

Эҳтимол, шоир дўстим ҳақдир, ҳар қалай, масаланинг  
моҳияти билан изчил шуғулланишга, рости, бизда им-  
кон бўлмади. Шу бонс ҳам кўзни қувонтириб пештахта-  
да турган тухумни кўрдигу товуқни кўрмадик. Ишчилар  
турмуши ҳақида эса шофёримиз Милан пича нақл қил-  
ди, у вазмин, бамаъни йигит, мана, бир неча йилдирки,  
тоғу дарёлар оша сайёҳларни олиб юрар экан, энди бу  
йўлнинг нечоғлик хатарли эканлигини таърифлаш ма-  
ҳол, биз Миллий боғга кириб боратуриб йўлнинг қуйи  
ўзанида мунчоқдек тизилиб турган машиналарни кўр-  
дик, энди шом пардаси қуйилаётган пайт эди, машина-  
ларнинг чироқлари ёнбағирни ёритар, икки ўртада юк  
машинаси ағанаб ётарди, Милан тушиб бориб билиб  
келди, фалакат рўй берган экан, икки киши...

Шундан кейин то Сутескка етгунча имиллаб-симил-  
лаб йўл юрдик...

Адриатикага боратуриб ҳам худди самолётда кета-  
ётган каби йўлнинг кунчиқаридаги маҳобатли тик да-  
рани, тепадан дарёни кузатдик, шунда фалокат босиб  
жарга учган бир неча машинани кўрдик, уларни олиб  
чиқиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас; Югославиянинг  
икки арава аранг сиғадиган серхатар йўлларидан ваз-  
мин Милан бизни манзилга бехтар етказди, шу йигит  
оладиган маош уч юз минг динор экан, енгил машина

олиш учун камда у тўрт миллион динор йиғилиши лозим!

Тоғ бағрини чулғаб ётган қуюқ арчазор, булут илиниб қолган чўққилар туман чўкаётган даралар... бу диёр кўрку таровати билан кишини ҳайратга солиши муқаррар ва лекин ниманидир қабул қила олмайсан сира инкор этгинг келади, шуни. Эҳтимол, шу шарқликлар феълига унча ботишмайдиган яланғочликнинг кўзга яққол ташланишидир. Ҳар қалай, бундан бир неча йил муқаддам югослав шоири Радован Зогович ярим-яланғочлик, шаҳвониятни тарғиб этувчи санъат келтиражак зиён ҳақида пича ташвиш чекиб ёзган эди. Маданият юксалиши баробарида хорижда русум бўлган хуш, нохуш жиҳатларнинг турмушга сингиши табиий, лекин масаланинг моҳияти бунда эмас шекилли. «Югославия сабоғи» («ЛГ», 14 август, 1987 йил) да қайд этилишича, мамлакат бугун негаки эришган экан, бунинг барчаси ўттиз етти йилдан буён амалда бўлган ўз-ўзини бошқариш усулининг ҳосиласи аслида. «Нин» газетаси редакция ишчилар кенгашининг раиси Александр Тиянич:

— Ўз-ўзини бошқаришнигина эмас, ҳокимиятнинг кризисини ҳам бошдан кечиряпмиз ҳозир,— дейди.— Нафақат кадрлар сиёсатида, балки иқтисодий соҳада ҳам ноўрин қарорлар қабул қилинди. Хорватиялик пенсияга чиққан собиқ раҳбарлардан бири айтадики, инвестиция сиёсати чоғидаги унинг гуноҳи атиги ярим фоиз экан. Бунинг салмоғи қанча. Загребнинг ёшлар газетаси собиқ раҳбар етказган зиён миқдорини шу захотиёқ чўтга солиб, биргина иши — алюминий ва йўл бўлмаган, электр қуввати етмаган жойда алюмин заводи тиклатганини айтишди, бу 250 миллион доллар зиён келтирган экан, тўлаб қўйинг буни, дейишди. Уша завод қуришга қурилди, лекин паф келтирмайди, ишламайди ҳозир. Унинг тикланиши шундай бир даврга тўғри келдики, биз социализм ҳар нарсага қодир, деб шошиб қолган эдик: алюмин йўқми — қидириб топилади, йўл йўқми — қурилади, электр қуввати... — келтирилади!..

Бугунги кунга келиб, хориждан олинган жамнки насия (кредит)лар еб бўлинди, оқибат жуда ночор аҳволда қолдик. Келиб тўхтаган жойимиз шу бўлдики, энди биз ўзимизни югославиялик деб эмас, балки сербиялик ё хорватиялик, словениялик ё черногориялик деб ҳис қилаётирмиз. Шундай қилиб, биз бошбошдоқлик назариясининг нақ чўққисига чиқиб олдик.



Келгуси кундан бир нима кутаётганлар кам, умид шундаки, бу танг шароитдан ҳам бизни партия халос қилади.

Янгича, албатта, социалистик ғояларга эҳтиёж туғилган, зеро, улар кўникилганидан тамомила фарқли бўлсин. Демократиянинг болалар боғчасига қатнаб турибмиз ҳозирча, лекин биз мактабга борадиган пайт келди!..

— Кўприк донғини оламга таратган зот анави уйда истиқомат қилган,— Лилиана Шаламоннинг ишорасига итоатан ўгирилиб, йўлнинг кунботар тарафига қарадик, кўрдикки, қишлоқ мактабларимизга жуда-жуда ўхшаб кетадиган узун, бир қаватли бино. Улуғ адиб чироғи ёнган бу уй ҳам, XVI асрда турклар бино этган муаззам кўприк ҳам, Вишеград деб аталмиш тоғ этагидаги бу шаҳар ҳам, ростки, ҳайратдан ёқа ушлашга ундагани йўқ, бизни, зеро, Бибиҳоним, Исмоил Сомоний, Регистон каби обидалар қаҳқашони ичра улғайган киши учун ҳайрон қолгулик ёдгорлик бормикин оламда?! Гарчи шундай бўлса-да, «Дрина кўприги»ни юзага келтирган қадимий кўприкка, Нобель мукофотиغا сазовор шу асар ёзилган уйга нисбатан дилимизда чексиз эҳтиром ҳисси йўқ эмас эди.

Иво Андрич...

Унинг қадамжосини зиёрат қилиш ниятида Дрина соҳилга тушдик; «Мени меҳнат қутқарди», Андрич шу заҳматнинг ҳийласини анави уйда чеккан, мумтоз асарини сўзма-сўз битар экан, неча бор мана шу кўприк хаёлидан ўтган, неча бор келиб шу дарё сувига термулган, ёзажак тафсилотларини ўйлаган: «Назаримда, инсон қўли бунёд этган иншоотлар ичида энг қимматли ва ажойиби кўприқдир. Уйдан ҳам керакли, ибодатхонадан ҳам муқаддас у, зеро, умумники. Сизгаям, менгаям, яъни барчага бирдек тааллуқли, ҳожат раво, эҳтиёж туфайли эзгу ният билан қурилган, ҳар қандай иншоотга нисбатан яшовчан, пинҳона ёвузликка буткул берона...»

Дрина кўприги....

Унинг тошдан тикланган ингичка устунлари сувга ботиб турибди, асрлар ғубори инган бу кўприк не жангу жадалларга шохид бўлмаган дейсиз, ҳамон у дарё иккига айириб ташлаган шаҳарни камалак янглиғ туташтириб турибди. Кўприкнинг кунчиқар бетида дўконча бор, пештоқида машҳур адибнинг сурати осифлик,

пештахтасида «Дрина кўприги»нинг хорижий тилдаги нашрлари, турли миллатга мансуб сайёҳлар келиб уни харид қилаётир, шунда бенхтиёр армон билан ўйлайсан киши: наҳот шундай қилиш мумкин эмас бизда? Регистон майдонида «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси» (Одил Ёқубовнинг ушбу романи Лилиана Шаламоннинг айтишича, Югославияда яқинда қайта нашр этилибди), Бухорода «Хаким ва Ажар» ёки Миркарим Осимнинг қиссалари, Хивада Хоразм тарихига оид асарлар шу йўсинда турфа тилларда харидга чиқарилиши қийин эмаску, ахир! Бу асарлар бизнинг кечаги кунимиз, улуғ аجدодларимиз ва ўзимиз ҳақимизда хорижийлар тасаввур ҳосил этишига восита бўлади-ку! Уларни турфа тилда нашр этиш имкони бор «Радуга» нашриёти Тошкентда ишлаб турган бўлса, юзлаб сайёҳлар қадимий шаҳарларимизга ҳар кун ташриф буюраётган бўлса!..

Адриатика соҳилида Дубровник деган ажойиб шаҳар бор, бир учи кеманинг тумшугига ўхшаб денгизга суқилиб кирган ва унинг тошдевор қалъаларига тўлқинлар келиб урилади. Шаҳар дарвозасидан ичкарига кирган ҳамоно ўзингизни театрда, ўрта аср ҳаётидан олиб ёзилган аср премьерасида иштирок этаётгандек ҳис қиласиз, муҳитнинг ўзи тақозо этади шунини, бинолар, тош майдон, тош ётқизилган йўллар, ҳатто дўкону тамадди-хоналар, ҳамма-ҳаммаси аввал бошда қандай бўлса худди шу ҳолича сақланган. Шунда бенхтиёр деворлари емирилиб нураётган мадрасалар, ётоқ ва ёки омборхонага айланган обидалар хаёлингдан кечади. Ҳозир шу сатрларни ёзатуриб, биродарлар, бу ишимиз номақбул-да, деган фикрни айтишдан йироқман, ишонинг, шу боис таққосга мойиллик сезаётганим йўқ, асло, югославлар тўтиё билган ва сайёҳларга кўз-кўз қилаётган тарихий манзиллар ҳам, аксар ёдгорликлар ҳам бизни унча банди этмаганлиги рост, сабаби, эҳтимол илдизи олис кечмишга бориб тақаладиган ва салоҳияти билан ақлни шоширадиган улуғвор обидаларимиз борки, улар тарихнинг унча-мунча саҳифаларига соя ташлаб туриши муқаррар, биз эса шуларни оламга кўз-кўз этишни билмаймиз, ҳолбуки, шу ҳисобдан дастурхонга барака киритиш, элу юртни тўйинтириш мумкин, шунини ҳис этиб, кўра-билатуриб, Дон Кихот каби... У билан олишганимиз олишган! Бу афсус-надомат туғдирмайдими юракда?!

Эзгулик ва адолат ҳақида, ниятларимизнинг холис-

лиги ва улуғворлиги ҳақида, элнинг дарди билан ёниб яшаётганлигимиз ҳақида, рости, кўп ёздик, беҳад кўп гапирдик, дилларни титратиши мумкин бўлган айтилмаган гап ҳам қолмади, дўстларнинг татбиқ этгулик тажрибаси эса шуни англатадики, «ҳамма ёқни боғу бўстон қилиш керак!» дея улуснинг эътиборини ўзингга қаратгандан, пуч олқиш олгандан баҳорда битта ниҳол эккан афзал, чунки эрта бир кун ҳосил берадиган шу!..

1987 йил.

## ЧАНОҚДАГИ КЎЗ ЁШИ

Гўдак жон бераётганда алаисти  
ҳам қайғуради.

*Мақол*

Лахта-лахта қор, лайлак қор... у ҳавода чир айланади ва оламни оқиш ғуборга кўмади. Аллаким шу қорда гул кўтариб, анҳор лабида турибди, у — безовта, кўприкнинг нариги тарафига умидвор кўз тикади. Кўприкнинг нарёғи деярли кўринмайди — оқиш ғубор чулғанган.

Дераза ортидаги ниҳолнинг шох-шаббасига довр қор босган, унинг ҳамон бандини тарк этмаган япроқлари куз кеч оёқлаганини ёдга солади.

«Биз тарафларда қор қалин, совуқ игна санчади. Биласиз, илк қор учқунлаган ҳамона қишлоқларда базмоғ — чодир тикилади. Ҳали бешик тўйию ҳали келин тушарди дейсизми, ишқилиб доиранинг «така-тум»и оламни тутиб кетади. Қишимиз, қишлоғимиз, шу билан файзлида! Лекин бу йил тўю томошага кўп ҳам ошиқилмади. Ростини айтсам, кўнгилхушлик унга татимай турибди. Билсангиз, биринчимиз қамалди, областнинг ижроқўми ишлаб турган жойида ҳибсага олинди, ундан каттамыз ҳам ҳозир турмади. Халқ суяниб қолган жуда кўп раҳбарлар обрўси бир кунда «тўкиб» ташланди. Нимага, кимга ишонарингни ҳам билмай қолдинг, киши. Шунақа гаплар...

Хатирчида ҳам озмунча одамнинг уйи куймади, ука. Нима қиламиз энди, кўргулик. Топширқ берган, ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган ўзлари, бугун қозилик қилиб чархни тескари айлантираётган ҳам шулар. Нима қиламиз энди, пешона,.. Энди, ука, шу гап. Ўзингиздан қо-

лари йўқ. Бизнинг тилимиз узун — бировдан кўрқадиган жойимиз ҳам йўқ. Лекин одамларга куясан киши, оддий тракторчилар — бир этак боласи бор — қамалиб кетяпти, ука!

Деҳқоннинг кўрган куни қурсин. Узингиз биласиз-ку шуни... Беихтиёр киприкларинг намланади, юрагинг чайқалиб кетади. Оламча хотира ёдга тушади.

Уша кезлар ё беш, ё олтинчи синфда ўқирдик. Ҳар куни тонг қоронғусида отам пийпаб уйғотар, тур, кийин, кечагидай тош қотиб қолма яна, деб тайинлар, кейин акам иккови барг қирқишга жўнаб кетишар эди. Қани энди, шу гапни сен эшитмаган бўлсанг, қани энди ширин уйқунингни бузмасанг. Ниҳоят, одатлагидек, сабр косаси тўлади — энамнинг койингани эшитилади: «Қуриб кетсин барг-марглариям. Мунинг дастидан бола бечорагаям тинчлик йўқ. Турақол энди, тагин отанг келиб, койиб ўтирмасин!» Хуллас, иссиқ кўрпадан чиқилади, барг ташилади. Совуқ барг, совуқ ташвишлар...

Хўроз қичқирмай туриб, шудринг тушган пайкалга кириш, чанокдаги кўз ёшига қўлни уриш, кун бўйи неча юз минг марта эгилиб, букилиш — азоб бу, азоб. Баъзан мен, ҳар қалай, пахта теримида ўзига хос романтикаям бор-ку, деб ўйлайман, қизларнинг гоҳо жарангланган кулгуси, тенгдошлар ҳазил-мутойибаси баъзан чарчоғингни тарқатади. Қишлоқ қизининг бир қиё боқиши нималарга қодир эмас! Лекин шу ҳам унча-мунча йигитни далада тутиб қололмайди.

Адабий танқидчиликда гоҳо: «насрода пахтакор ҳаёти кўлами тарзда ўз ифодасини топмаётир», дейилади. Ёзувчига айтилган асосли эътироз бу. Бизнинг ҳаётини пахтасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бироқ адиблар, хусусан, ғўзапоя орасидан чиқиб келган, пахтакор захматини миридан-сиригача биладиган адиблар бу мавзудан қочади, имкон қадар уни четлаб ўтади. Нега Ўзи билган заҳматкашлар ҳаётида нафосат кўрмайди, бу жабҳа поэтик бўёқлардан маҳрум бўлиб қолган. Болалиги эгатда кечган, энг нозик, латиф туйғулари пайкалда янчилиб битган бирон-бир ижодкор шу мавзуда ёруғ асар яратишига ишонгим келмайди. Бунга муваффақ бўлиш учун бу ё содда, ё беҳад романтик бўлиши керак ва ёки...

1969 йил. Кечагина ғўза қатор ораларини чопиқ қилиб юрган Ғужбоғнинг бир тўда боласи, қўлимизда бесўнақай чамадон, чамадонда ё варақланган, ё ўн йил

Бадалида очиб қаралмаган дарсликлар, ҳарсиллаб Тошкентга, ўқишга келдик. Бир томони — ор-номус, қо-лаверса, ўша — қизларнинг ҳазин саслари таралган ёвондан биратўла оёқни узиб олай деган илинж боис мук тушиб ўқишга тутиндик. Арманистондан келган абитурент ҳам биз билан бирга турар эди, бир кун у, намунча қорига ўхшаб ёд олмасанг, деб қолди менга. Энди, журналистикага киришнинг ўзи бўладими, дедим. «Журналистикага? — у ажабланди, — нима азоб сенга? Ё... Қизиқ» — у кулди. Табиийки, мен анқайиб қолдим. Буни кўриб, ҳеч молиявий жиҳатлариниям чўтга солиб кўрдингми ўзи, деб сўради у. Бу гап ўшанда менга га-лати туюлган, жирғанганман. У эса истеҳзо билан ку-либ қўйган, холос. Кейинчалик унинг мийигидаги ана шу кулгини ҳаёт кўп марта эслатди менга...

Биз барг ташиган пахта терган кезлар масаланинг молиявий жиҳатини ҳеч ким ўйламаган, бориға барака қилган. Шунинг нуқси урганми, ҳақ-ҳуқуқимизни кеч танидик. Энди сир эмас, уч-тўрт йил илгари гўшт план, сут план баҳона, неча-неча сохта ҳужжатлар тузилган, масаланинг аянчли томони шундаки, ҳужжатнинг қал-бакилигини кўра-билатуриб, гарчи зиғирча манфаат кўрмаса-да, одамлар унга имзо чекиб юбора берган. Бир кун келиб, шу имзойим учун жавобгар бўлмайин тағин, деб ўйлаб ҳам кўришмаган! Лекин бугун...

Мен бир кишини биламан: умри эгат орасида ўтган. «Ҳалим бобонинг ўғли» десангиз — бас, Хатирчи томон-да уни танимайдиган кам, «Абдухолиқ бобоми» деб ку-либ қўйишади.

1985 йилнинг октябри, қама-қама авжига чиққан. «Делоси тоза, ўзи ҳалол, принципиал, мактаб яратган одам» деб менга шу кишини тавсия қилишди. «Делоси тоза одам»ни ахтариб қишлоғига бордим, кун бўйи из-лаб, ахийри, пахта қабул қилиш пунктида унга рўпара келдим. У дарвозадан чиқиб келар, гарчи ҳақ бўлса-да, ноҳақ таҳқирланган киши авзойида эди. Юзлари бўғри-қиб кетган, сўрашиш ўрнига у чангалидаги бир сиқим пахтани силкиб: — Мун қаранг, оппоқ, қуйруқдай пах-та-я! Айби нима бунинг?! Ахир, қизил карвон билан келган кунимиздапоқ иккинчи сортга олишяпти. Қан-дай гап бу ўзи? — деган лаблари титраб, анчага довур ҳаяжонини боса ололмагани ҳамон ёдимда. Рост, унинг бу қадар тутақиши ўшанда менга пича эриш туюлган, кейин тушлик пайти у газета варақлайтуриб, «Пахта-

зор — жасорат майдони» деган сарлавҳага ишора қилди ва мийиғида кулганча, гапниям зира-пиёзлаб, тоза боппайсизлар-да, деди. Ҳалимовнинг истеҳзоси асосли эди. Терим пайти дала оралаган одам бунга амин бўлади. Ҳали тонг бўзармай сигир соғиб, ҳовли супурган, сўнг этак боғлаб, минг эгилган кўйи пахта тераётган келинчакни ҳеч кўрганмисиз? Унинг гард инган киприклари-га, киртайган кўзларига тикилганича: «Сиз жасорат майдонида жавлон уряпсиз!» Яна бир зўр берсангиз, марра сизники!» дейиш қулаймикан? Шундай дейишга тилингиз борармикан ўзи?

«Мен ўйлайманки, газетачилар ҳар нарсани ўз номи билан атайдиган пайт келди,— деб ёзади Ҳалимов ўз хатида,— афсуски айримларнинг ёзганлари ҳалиям сув бетигади кўпикка ўхшайди! Кўклам кезлари эди, бир газетачи укамиз келиб, гектар бошига неча центнердан олмоқчисизлар, деб сўради. Фалон центнердан, дедим. Шунда у таклиф киритди: «Жичча қўшсак-да, қирқ центнердан деб кўрсатсак!» Мен ажабландим. Нега? Унинг айтишича, қирқ центнер деган гап бўлакча жаранглар эмиш! Уқиганлар ўрнак олармиш... Вожаб. Наҳотки шундай бўлса? Бу ҳавойи руҳ қонимизга қачон сингди экан? Ақл бовар қилмайди...»

Мана шу гаплардан кейин, табиийки, қуйруқдай пахтаси иккинчи сортга ўтаётганидан тутақини мен учун эриш туюлмай қўйди.

— Бош урмаган жойимиз қолмади, ука,— деган эди у бир гал.— Ҳой, сенларда инсоф-диёнат борми ўзи? Мунанақада кўр бўласанлар-ку ахир, деб бордик. Қани энди қулоқ солишса! Мана кўринг, қаранг, ахир ўзи иккинчи сорт бўлса, биз нима қилайлик, дейишади. Миямга қон уриб, сенларниям тартибга чақирадиган одам бордир, деб тўғри обкомга, секретарнинг олдига чиқиб бордим. Бу қандай гап, дедим, ҳам меҳнат, ҳам туҳмат...

— Гапингиз жўяли, Абдухолиқ ака. Ўзиям, бир ҳафтага довр кўзингиз қонталашиб юрди-э! Қўйинг, ака кўп куюнманг, ўзингизни ўтга сувга урган билан энди бефойда. Бунинг ўрнига «тўқсон беш»дан босиб-босиб ичинг, давланангиз тушади, дейман, қани, гапга кирса. Энди ука, катталар ҳам келиб кўришди, ҳеч ками қолмади — асбобнинг ўзики иккинчи сортни кўрсатиб турганидан кейин улар ҳам бир нима дея олмас экан-да!

— Кўпам куйиб, ўзимни қўярга жой тополмай юрсам, бу Фармон тегишади, ўзингизни ўтга-сувга ургунча

«тўқсон беш»дан босиб-босиб ичинг, дейди. Ҳаммани ўзига ўхшатади-да, дунёни сув босса тўпигига чиқмайди бунинг!

Улар кулишган бўлди. Аслида иккаласи ҳам бир ни-мадан, ҳар қалай, энг азий нарсасидан айрилиб қолган кишиларни эслатар эди. «Оппоқ, қуйруқдай пахта-я! Тағин биринчи терим... Ёвирай, алам қилар экан!» Абду-холиқ ака икки гапнинг бирида шундай дегани-деган. Сорт ҳақида гап кетса бас, тутаб, юзлари чуйканиб ке-тарди. Сариқмағиздан келган, бўйдор, қийиқ кўз бу одам, сиртдан қараганда, кулиб тургандай кўринади. Аммо гапига қулоқ тутсангиз, юрагингизга ўт тушади.

— Хатирчининг халқи, ука, кў-ўп меҳнаткаш, аммо-лекин зиғирча қилвирликни кўрса, тамом, аямайди, ёз-гани-ёзган. Шунисигаям шуқр. Куйбишев номли колхоз-га ўн уч йил раислик қилдим, ўн уч йил-а. Шундай пайт-лар бўлди — ўн кунликда ҳаммани чанга қолдириб кетдик, ана олдик байроқни, мана олдик, деб дўппини осмонга отиб турганимизда орқаваротдаги абжир бир «сапчиб» улоқни илган-кетган. Э, номард, деб, бурунга қўлни тикиб қолаверганимиз, аммо қинғирлик қилмаган миз. Мана, энди ҳаммаси очиляпти. Яқинда ўша хўжа-ликни ҳам ўбдон ғалвирдан ўтказишди, йўқ, бизнинг ишдан ишқал чиқмади. Ҳатто текширганларнинг ўзиям ҳайрон, яна бир карра тафтиш қилишгач, келиб бизга раҳмат айтишди. Бу, раҳматни эшитган бор, эшитмаган бор. Шунгами, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди! Ҳаммаси, неча йиллаб ўртача хўжалик, дея танқид эшитганларимиз ҳам, қанчадан-қанча байроқларни олол-май қолганимиз ҳам бир сидра хаёлимдан ўтди. Май-ли-да, ҳақ қарор топар экан-ку! Ота-бобомиз ҳам ерга тирмашиб ишлаган, биз ҳам шу манглай теридан бошқа нарсага ишонмаймиз, тўғрими, Фармонбой?

— Тўғри...

«Тўғри» деган — Фармон Болтаев. У миқтидан кел-ган, кулча юз, чамаси, эллик ёшларда. Эски ҳисобчи-да, ҳануз чаккасига қалам қистириб юради. Чорак аср бу-рун — осмон зангор, қуёш чарақлаган куз кунларининг бирида хўжаликнинг янги раиси Абдухолиқ Ҳалимов шу бригаданинг дала шийпониде йиғилиш ўтказди. Иш-ни юрита олмаган бригадирни вазифасидан четлатишга четлатди-ю, ўрнига муносиб одам тополмай гаранг бўл-ди. Шу пайт ҳисобчи Болтаев вазмин одимлаган кўйи шийпон ёнидан ўтиб қолди. Абдухолиқ ака уни чақир-

ди, «Қарасам, юришинг дадил-дадил, мана шу бригадани ортмоқлаб кетадиган кўринасан?» деди у. Болтаев индамади. Сукут — аломати ризо. Болтаевнинг бахтига, ўша йили ҳосилдорлик бирданига йнгирма центнерга ўсди. Шундан кейингина, у, бир кун Абдухолиқ ака даласига келганида: «Ушанда гапингизни икки қила олмадим, энди шу ғурбатдан бизни халос қилинг», деди, ўтинди. Ушанда Абдухолиқ аканинг аччиғи чиққани рост: «Нимага мунча қалтирайсан, Фармон?! Ахир, оёғингнинг остига мундай бир разм солсанг-чи! Қара, қандай тупроқ! Дур унади унда, дур!» Кейин у муғомбирона кулганча қўшиб қўйди: «Қара, қанча юлдузлар қоришиб ётибди унга...»

Абдухолиқ ака беҳудага гапирмаган экан, ўша юлдузлардан бири чиндан ҳам Болтаевга насиб этди. Узи-ям, ғирт беҳаловат одам-да. Қачон қараманг, эғнида китель кўкимтир галифе шим, оёғида... оёғида кирза этик, бошига эса шоҳи белбоғ танғиб олган. Тиним нима билмайди. У — ҳокисор, сиз гапирсангиз, у қўл қовуштириб, жилмайинқираб, оёғингизга қараб туради. Истараси иссиқ, кўкимтир кўзлари эса болаларники каби мусаффо.

Гапнинг рости, пайкал оралаб елиб-югуриб юрган бу одамни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони дейишганида унча ишонгим келмаган. Шунинг учун ҳам:

— Герой бўламан деб меҳнатнинг остида эзилиб кетибсиз-у, Фармон ака,— дея ҳазиллаган бўлдим. Фармон ака шунда ҳам бир сўз демади, кулимсираб турабери. Ҳалимовнинг, чамаси, энсаси қотди:

— Нега ундай деётибсиз, ука?

— «Юлдузли қаҳрамонлар» бошқачароқ бўларди, шекилли?

— Энди, бу — Фармонбой телевизорларга, минбарларга камроқ чиққан бўлса бордир. Аммо кўпроқ тер тўккан, кўпроқ захмат чеккан. Бундан кейин, қаҳрамон, дейишса шу кишини кўз олдингизга келтира беринг. Мавриди келганда айтиб қўяй, анойидай кўринсаям, бу — Болтаев бировда ҳақини қолдирмайдиганлар хилдан...

Эртаси кун Фармон Болтаевнинг бригададошлари планни бажаришди, уни йўқлаб бориб, ёвон адоғида учратдим, у пайкал ўртасида турган агрегатдан кўз узмасди. Бир йигит, афтидан, шпинделни ювар, иккинчиси эса бункер устида — пахтани жойлар эди. Ниҳоят, мо-



тор гуриллади, трактор бункеридан чанг чиқариб, ўрнидан жилди. Шундан сўнггина Болтаев хирмонга қараб юрди.

— Ҳорманг, Фармон ака! Қалай, ишлар яхшими?

— Тузук.

У хийлагина ҳорғин кўринарди. Эҳтимол, шу боисдир, мажбурият учун пахта топшираётганларини ҳам, анави икки механизатор — ўғли Баҳром билан қайниси Мамасоли Раҳимов салкам тўрт юз тонна пахта терганини ҳам айтмади. Фавқулодда жиддият билан сорт масаласи бизни қийнаб ташлади, деди. Унинг айтишича, қўшни Ойдин Ҳайдаровнинг бригадасида «108-Ф» нави экилган, шундан эллик центнергача пахта олинбди. Сорт ҳам кўнгилдагидек эмиш. Ҳар чаноқ пахта тўрт-олти граммча салмоққа эга, ўша ерга «Тошкент» нави экилса борми, жонни жабборга бериб қирқ центнер атрофида, «Самарқанд»дан эса атиги ўттиз бир центнер ҳосил олиш мумкин. Буни биз беш қўлдай биламиз, дейди у, аммо мутахассислар-чи?!

— Улар умумий кўрсатма беришади. Ҳолбуки, уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Фалон нав экилсин, деган кўрсатма оламиз. Бу нав ер шаронтизмизга тўғри келадими-йўқми, ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Уларнинг йўриғига юрсангиз, бир кун қарайсизки, ишингиз — хуржун. Шунинг учун ҳам мутахассислардан хафамиз-да! — Ойдин Ҳайдаров ҳам Фармон аканинг гапини қувватлади. — Ҳозир бор гапни рўй-рост айтадиган замон. Дангалидан келсак, «Тошкент» навлари вақтида иш берган. Олимларимизнинг меҳнатини камситмаслик керак. Лекин ҳозир-чи, ҳозир? Нав айниди. Нуқул шохлаб кетгани кетган. Вилтгаям бечидам. Ҳосилиям кам. Яхшиямки, «108-Ф» бор экан, шунгаям шукр. Бир амаллаб турибмиз. Бўзчи белбоққа ёлчимайди, дегани асли шу шекилли. Нарёғини суриштирсангиз, сон-мингта олим устида иш-лаяпти. Нонинг ҳалол бўлгурлар бир яхши нав яратиб беришса бўлмасмикан, а?..

Асли гап сорт масаласидан чиққан эмасмиди, айланиб бориб яна шунга тақалди: олдин бундай машмашалар бўлмаган, дейди Абдухолиқ ака, биринчи теримми, демак, ҳосил биринчи сортга ўтган. Ёмғир тегмаган бўлса, бас. Ҳозир-чи? Йў-ўқ! «Унақа гап кетмайди энди», дейишди. Аввал-бошдан иккинчи сортга олишди. Буни эшитиб, одамлар далага чиқмай қўйди. Нега? Чунки йил-ўн икки ой заҳмат чексанг, манглай теринг билан

пахта етиштирсанг-у, уни иккинчи сортга қабул қилиш-са қўлинг ишгаям бормай қоларкан-да. Ўзи! Ахир, бизнинг ризқ-рўзимиз, тирикчилигимиз шунинг орқасдан-ку. Энди, сорт масаласида мен бир нима дея олмайман. Пунктда ўтирган лаборант қизлар ҳам бир нимани биллишар, қолаверса, пахтамизни иккинчи сорт дегач, улар ҳам шуни исботлашга уринишяпти. Майли. Лекин уруғ тарқатганлар йил бошида қаёққа қарашган экан? Ахир, ҳар бир нав муайян инструкциясига эга бўлиши шарт-ку! Қани ўша? Биз ўша кўрсатмаган таяниб, ғўзага ишлов берар эдик, қандай бўлмасин, биринчи сорт пахта етиштиришга ҳаракат қилар эдик. Кейин, сен ўлиб-тирилиб етиштирган ҳосилнинг тақдирини пунктда бир одам ҳал қилса, яъни истаган жойидан қўл тикиб, бир сиқим олса-ю, сорт белгиласа? Бу қандай гап ўзи? Ахир, одамга алам қилади-да. Қани замонавий техника? Биз тонгдан шомгача ишлаб чиқаришни интенсивлаш ҳақида гапирамиз-у, амалда аҳвол бу! Роботлар машина йиғаяпти, роботлар станокда ишляяпти, нега, нега бизда ҳатто сортни аниқ белгилайдиган ускуналар йўқ, бори ҳам ишламайди. Ҳамма талаб қилишни билади-ю, ҳеч ким бу ҳақда бош қотирмайди? Нега? Бир ярим асрдирки, дунё олимлари пахта териш машиналари устида бош қотиради. Ҳамон аҳвол — бу! Бизга асосан иккита нарса керак: бири — эрта пишадиган серҳосил, дефолиациясиз, барги табиий равишда тўкиладиган нав; иккинчиси — технологик ишлаш жараёни юқори савияда бўлган терим машинаси. Шунга эга бўлсак, агар...

У жим бўлиб қолди. Негадир, бошини солинтирди. Қарасам, ўқувчилар пахта тараётган пайкал ёнидан ўтаётган эканмиз. «Шуларни кўрсам, юрагим эзилиб кетади,— деди у,— ҳалиги икки нарсага эга бўлсак, ҳаммасини ўзимиз эплардик, буларнинг жонини эговламасдик».

Бенхтиёр, тонг қоронғусида этак тутиб, шудринг тушган намчил пайкалга кириб борганларимиз ёдимга тушди. Салқин саҳарларда намиқиб турган момиққа қўл уришнинг ўзи бўлмайди. Шу қабилда мисқоллардан миллионлар уюшнинг машаққати эса ақл бовар қилмасдир. Ҳар қалай, бу фаслнинг ёш-ялангларга ошно гашти ҳам йўқ эмас: гоҳо қизларнинг пиёланнинг жарангидек жаранглаган кулгиси, тенгқурларнинг ҳазил-у мutoйибаси толгин руҳингга озиқ беради. Қизлар кулгисининг оҳанграбоси ўзгача, бироқ бу ҳам унча-мунча йигитлар-

ни далада тутиб қолишга қурбсиз. Демак, яна нимадир кам, нимадир етишмайди, нимадир қилиниши керак.

«Боя оғзимдан бир гап чиқиб кетди,— дейди Абдухалиқ ака,— яна кунимиз «108-Ф»га қолди, дедим. Навнинг зўри шу ўзи, аммо кеч етилади. Агар, эртапишар нав яратилса борми, жуда кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ўрни, йиғим-терим эрта бошланади, бу эса ҳосил қорли-қировли кунларга қолмасидан жамғарлишини таъминлайди. Бу ҳосилнинг, табиийки, сорти ҳам юқори бўлади. Шудгор ҳам эрта бошланади. Хуллас, хосияти кўп. Ер ҳам тирик жон, дам олиши, тиниқиши, мадор йиғиши керак. Ҳосил мўл бўлсин деб минг хил химикат берамиз, биласизми, оқибатда нима бўляпти, ер ўляпти, ҳа, рост гап! Шу кетишимиз бўлса, ҳадемай унияма «Қизил китоб»га ёзишади-ёв! Уни парвариш қилиш ўрнига...»— У яна жим қолди. Атроф — жим-жит, онда-сондагина қизларнинг «эгатимдан қоч!», ё, «қанча тердинг, Ҳалима?» дегани эшитилар, қайдадир, анча нарида трактор тариллар эди. Ўзинча ўй суриб бораётган йўлдошимнинг хаёлини бузгим йўқ эди. Шу тобда у нималар ҳақида ўйлаётган экан?

«Далаларимизнинг бу кунги аҳволи ҳақида гапирганимда сиз ажабланган эдингиз,— деб ёзади Ҳалимов хатининг давомида, ер ҳам аслида оналарга ўхшаш. Кўзи ёригач, аёл нечоғлик ҳолдан кетса — у ҳам шу. Меҳрга, парваришга мақтаб бўлади. Биз эса...

Яқинда олимларимизнинг кузатишлари билан ҳам танишиб чиқдим. Улар ҳам ўттиз-қирқ йил бадалида босиб пахта экилган ерлар сондан чиқиб қолаётганидан ташвишда. Бундай ҳолда тупроқ унумдорлиги буткул камайиши, турфа ҳашорату вилт ружу қилиши сир эмас! Академик А. Имомалиев дилимдагина топиб айтибди: тупроқ унумдорлигини таъминламай ҳосилдорликни кўтариш маҳол. Унинг, деҳқончилик маданияти алмашлаб экишни йўлга қўйиш миқёси билан белгиланади, деган фикрига қўшилмай бўлмайди. Шу йўл билан ҳосилдорликни ўн центнерга ўстириши, ғўзанинг вилтга чалинишини ўн баробар камайтириш мумкин экан! Тағин тупроқнинг нам сақлаш хусусияти кучаяди, ўғитларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири сусаяди; айна пайтда, суғоришни бир мартага қисқартириб, икки миллион куб метр сув тежаш имкони туғилар экан! Албатта, бу айтишгагина осон, жорий этиш қийин. Бунда олимларимиз ёрдами, ҳа, принципаал ёрдами асқотади бизга!»

Фармон аканинг гапига қараганда, хўжалик бўйича ҳар йили камиди етти-саккиз миллион сўм даромад қилинади, «ўлдим» деган йили — бултур силласи қуриган кезлар хўжалик чўнтагида бир миллион уч юз минг сўм бор экан. Бу йилги хирмон салмоғи ҳам кўзланганидан зиёда бўлди — етти юз минг тоннадан ошди у. Агар шу ҳосил биринчи сортга кетгандами, бунинг даромади ҳам шунга яраша бўлар эди. Нима бўлса — бўлди, дейди Фармон ака, лафзимизни ҳалолладигу ерни «ошлаб» қўйдик. Лекин мунақаси энди кетмайди — керак бўлса, мутахассисларниям гирибонидан оламиз, ҳосилниям биринчи сортга тайёрлаймиз, шунга топширамиз ҳам. Ундан кейин, сўнги чаноқдаги пахтага кўз тикиб ҳам ўтирмаймиз, кони — зарар! Хуллас, ишни изга соламиз, аксинча — бўлмайди.

Эҳтимол, унинг тилаклари рўёбга чиқар, аммо ҳали бунга анча бор, қолаверса, бу орада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми халқнинг кўзини очди, буни ҳар қадамда ҳис этиш мумкин. Бу йил мактаб ўқувчилари ҳам йиғим-теримга нисбатан кам жалб этилди. Ҳолбуки, уч-тўрт йил бурун улар айрим ташкилотлар томонидан бошқариладиган роботларга айланиб қолган эди. Улар болаликдан эрта айрилаётган, эрта улғайишаётган эди...

Абдухолиқ ака янги, эртапишар навлар, мукаммал агрегатлар йўқлигидан зорланди. Агар шу нарсаларни яратаман, деб бош қотираётган илмий ходимларнинг аксарияти ёшлигини мана шу пайкалларда қолдириб кетганлигини инobatга олсак, анча-мунча муаммо равшанлашади. Шу маънода, навнинг, сортнинг, ернинг ташвишини чекиш баробарида эртанги кун учун ҳам қайғуришимиз керак. Зеро, бугуннинг орзусини рўёбга чиқариш, биз истаган навларни-ю, терим машиналарини ихтиро қилиш мана шу авлоднинг — куни кеча тенг саҳарлаб шудринг тушган пайкалга кирган, эрта бир кун қизларнинг сирли шивирлашлари ҳам қулоғига кирмай, олис шаҳарларга ўқишга отланадиган ёш-яланларнинг зиммасига тушади. Уларнинг қўл кучидан кўра заковатлари фойдалироқдир...

— Мана шу ер — бизнинг чегара,— деди Абдухолиқ ака анҳорга етгач ва кўприк четидаги ёрлиққа ишора қилди. Унда «Партия XXII съезди» колхози дея қайд этилган эди. Хайрлашгани қўл чўза туриб, яна бир сид-

ра унинг юзига назар солдим: кулиб турган кишига у жуда-жуда ўхшар эди, аммо ташвиши ҳаддан зиёда.— Бутун умид шу ёқда,— деди у кўприkning нариёғига ишора қилиб, бу ёқда эса — Тошкент, Тошкентда минглаб олимлар бор...— Э-э, нимасини айтасиз, мана шунақа гаплар-да, ука. Агар, суриштириб келсангиз, ҳаммасига ўзимиз айбдормиз. Кимки пахтанинг шавкатига шерик экан, аравани баравар тортсин! Тўғрими? Шуни талаб қиламиз энди, бошқа илож йўқ. Шунда бизга ҳам, фарзандларимизга ҳам енгил бўлади. Ва бунга эришамиз ҳам. Хўп, хайр...

У машинасига ўтирди-да, шофёрига ўгирилиб, қани Ойдиннинг бригадасига ҳайда-чи, кейин — пунктга; ҳали мажлисга улгуриш керак, а?..

Иил — ўн икки ойдирки, деҳқоннинг турмуши — шу. Гарданидаги бу юкни кўтариб юришга ёлғиз угина қодир. Бу юкни ҳар ким ҳам кўтара олмайди. Шу боис шаҳарга яқинлашган сари унинг ташвишларидан холос бўлгимиз келади. Шу боис, болаликнинг ғамгин хотираларини эслашдан ўзимизни тиямиз...

«Ҳовуз бўйидаги йиғин ёдингиздами,— деб ёзади Ҳалимов хатини яқунлар экан,— ўшанда биз Одил Ёқубовдай ёзувчимиз келибди-ю, бир учрашув қилмаслик қандай бўлар экан, деб ўйлаган эдик. Оқсоқолни ёшлар кўрсин, бир гапини эшитсин, деб эдик. У киши...

Худонинг берган куни болалар орасида юрган одам уларнинг ермитти бўлиб ўсаётганлигини сезмас экан. Ўзига тўймай термулаётган ўқувчиларга қараб туриб, оқсоқолнинг йиғламоқдан бери бўлгани ҳамон кўз олдимда, ўксиниб, ўпкаси тўлиб айтган гаплари ҳамон юрагимни тилкалаб тургандай.

— Сизларга мен нимаюм дейишим мумкин, сингил-жонларим, укаларим? Пахта юки елкангиздан босавериб, ҳаммангизни эзиб ташлабди. Мен шуни кўриб турибман. Ғайрат қилиб ўқинг, шомни тонгга улаб ўқинг. Биласиз, қалдирғочлар қишнинг нафасини сезиши билан пессик томонларга учиб кетади, шундай доно бўлинг, шаҳарларга бориб ўқиб олим бўлинг, яхши навлар, яхши терим машиналари яратинг, меҳнатнинг остида эзилиб ётган опа-сингилларингизни қутқаринг. Шунга сиз қобилсиз, чунки пахта заҳмати нима эканлигини ҳеч ким сизчалик билмайди, ҳеч ким сизчалик уларга куюнмайди...»

Қор... лахта-лахта қор чир айланиб тушади. Дераза

ортидаги ниҳолнинг қор босган шох-шаббаси тобора эгилади. Анҳор лабида турган йигит бежо, умидвор кўзлариши кўприкнинг нарёғидан узмайди у. Бу ва Абдухалиқ аканинг гаплари Иво Андричнинг «Кўприклар»ини ёдга солади. Адиб ҳикоя сўнгида, борки умидимиз — нариги ёқда, дейди... Йил охишлаб, янгиси бошланар палла кўприкка қиёс этгуликдир. Чиндан ҳам борки умид — кўприкнинг нарёғида...

## СУҚМОҚДАГИ БИТИКЛАР

### I

#### Лайлаклар

Қоровул чол ҳикояси

— Одамларгаям ҳайронсан. Қўй, тегма. Турсин шу. Масжид билан нима ишинг бор? Ҳа, ўша... «Обод қиламан, боплайман», деб қилганинг шуми энди? Анави пианисталарни қайси гўрдан топиб келди бу? Ё тавба-а. Минг аттанг деганминан энди жойига тушмайди. Нос чеки-иб ўтириб, лайлаклардан айрилиб қолдик-да, болам. Лайлак келса — қут-барака келади, элда тинчлик, омонлик бўлади, дегич эди отам. Қани энди келса шу!.. Билмадим, бу одам энасининг қорнида қандай ётган? «Қўйгин-ов, қўй, дедим, худонинг зорини қилдим, йўқ, билганидан қолмади. Энди амалга минган кезлар эди, бир ўзини кўрсатгиси келдимми ё, ишқилиб, тўртта туруми йўқни етаклаб кеп... нима қилса шулар қилади. Э-э, болам, айтгулиги бўлса экан, айтсам. Ҳавозага дунёнинг тахтасини совуришди-э. Ҳай-ҳайлаганча қолавердим, бир пасда девор сирлариниям кўчириб чиқишди. Сўнг... кетишди-боришди. Астаффурилло-о. Нима эмиш, уддасидан чиқолмаган эмиш, энди ўзи Самарқандга борармиш, таъмирчиларнинг пирини бошлаб келармиш. Боплайсан. Отангдан нима ёруғлик чиқувдию сен нима каромат кўрсатардинг, тентак. Анавиларнинг қўлансиган шишаларини йиғиштирганим қолди-да, ука. Буям майли, қанча тахта нобуд бўлди, бунгаям ичим куймади. Бош омон бўлса, дўппи топилар. Лекин лайлакларга ачинаман, лайлакларга! Машойнхлар, лайлакда ҳосият кўп, деган. Э, аттанг! Жониворлар масжидга кўрк бериб туришарди-да. Илгариям буёқларга ҳеч йўлинг туш-

ганми? Унда ўзинг кўрган чиқарсанг, гумбаз устида ларқу булутдай бўл тургич эди, а? Бир оёқда, худди амирдай керили-иб... Эсиз, эсиз!

Бурноғи йил шу кунлар — жавзонинг бошлари, ҳовуз бўйида, чорпояда ёнбошлаб ётсам — Юсуф тентакнинг ўғли — янги раисмиз даб-дурустан кеп қолди. Тўртта-сини, эргаштириб олган, дейдики, анавилар уста эмиш, масжидни таъмирлаб, мазоратни обод қилармиш. Сиеқларига қараб туриб, буларингнинг қўлида бит ўлмайди, дедим. Раис мени силтаб ташлади. Тентак-да, эмаса, дордан қочган каззобларни бошлаб келадими. Бир новчаси бор эди, бенмон. Ҳар на қилса, шу қилди. Аввал бошда тайсаллаб туришди, кейин... битта миҳ қоқса, бир стаканни «уриб» олади ҳалиги. Ҳўй, унақа жой эмас бу! Масжиддасан-а, масжидда. Тағин бир томонинг қабристон бўлса, десам, кофирлар кулади, мазах қилгандай ишшаяди.

Шуларга дастурхон ёзиб, чой дамлаб, иссиқ совуғига қараган — мен ҳам тентак. Садқаи одам кет-э!

Шу эсимга тушса, тепа сочим тикка бўлиб кетади, ука. Нимасини айтайин, чошгоҳга довур тўнғиздай сасиб ухлашади. Туриб, пича ишлашадими-йўқми, дарёбодга қараб жўнаб қолишади. Яна бир алфозда — иштончанг... Фаҳм-фаросат бўлмасаям қийин эканда. На бола, хотин-халажлардан тап тортади. Ҳалиги новча қўшоғиз кўтариб олади, де. Қолган учови паст-баланд бўлиб унга эргашади.

Берида — тўрва, берида — қармоқ. Буларнинг сиеқига қара-аб нашъа қиласан. Епирай, бандасини турли қип яратаркан-да ўзи.

Узиям, худо урган кун эди — бир иссиқ, бир нос элтиб, чорпояда ётибман, бир пайт лайлак чунонам чирқирадики, чунонам чирқирадики, кайфим учди-кетди. Шундай қарасам, нар лайлак кўринмайди, модаси бежо, чир айлаиб чирқирайди.

Одам бўлиб, лайлакнинг мундай куюб ногора чалганини энди эшитиб туришим.

Шўрлик чарх уради, кейин дарёбод томон учади. Кўзюмиб очгунингча яна кеп қолади. «Ё худо. Тинчликми?» Биласан, лайлак мардум дарёбоддан чиқмайди; шу ёқда ризқини териб юради.

Ирғиб турдим-да, дарёбодга тушиб бордим. Дарёбод дегани — чибин бижғиган дим тўқай, на одамнинг қораси кўринади, на зоғнинг. Қўлимни соябон қип қарадим,

хув қиёқзордан тутун кўтариляпти экан, Уриб бордим, борсам... Э-э, гапиргулига бўлсаю гапирсам, ука. Нақ шайтони базм устидан чиқдим-да. Бизнинг усталар амирдай ялпайиб, харом терга боти-иб ўтиришипти. Шисшалар очилган, ҳалиги зорманда истаканларга қуйилган. Бировнинг маишатини кўриб, ичим куядиганлардан эмасман, худога шукр, феълим кенг, ичса ўзининг пулига ичади, менга нима, тўғрими? Лекин... новчанинг ўтиришини кўрдиму ақлим шошди. «Шу касофат бир балони бошлаган», деб ўйладим, Шўрва ҳиди гуп этиб думоққа урилди. Қарасам, декча қайнаяпти. Вой, тўнғизлар-эл ўчоқ бошида оппоқ патлар... Жон-поним чиқиб кетди.. Жаҳл чиқса, ақл кетади, дейди, шу рост экан. Ешим бир жойга борганда қамалиб кетишимга сал қолди. Ҳар қалай, яратган эгам паноҳида асради... Йўқ, кейин касофатлар кетишди. Кетишгани дуруст бўлдиям, йўқса битта-яримтасини... Шулар бўлмаганида олам гулистон эди, ука... «Лайлакнинг униси-чи?» дейсанми? Униси шу кеча алламаҳалгача чирқираб, тоза юракни қон қилди. Боёқиш кўнгил узолмай ини устида бирам чарх урди, бирам чарх урди, ҳеч мунақаси бўлмаган, бир қарасанг, оппоқ бўлиб дарёбод сари кетади, тагин келиб...

Хуллас, тонготарда у бира-тўла кетди. Манави томонга — кунчиқарга қараб учиб кетди-борди. Шу-шу, қайтиб келмади сира, Худонинг берган йўли кўз тикаман, қани энди келса, оппоқ бўлиб, ловуллаб кеп қолса, дейман, йўқ. Ахийри, қоровуллигиниям топширдим, шу ёққа сира оёқ тортмайди. Файз қочди-да, файз...

Эс-эс биламан, Ғужбоғда Отақул деган алп йигит бўларди, қаллиғиям паризодлардан эди. Узукка кўз қўйгандек бир-бирига ярашиб тушгандилар. Энди буларнинг ишқ достони ҳеч бир таърифга сиғмасди. Ғужбоғ шуларминан Ғужбоғ эди. Келиб-келиб, шу келинчакка Эргаш мингбошининг ишқи тушган, муни қара касофат Отақулдай йигитни жувонмарг қилди, ойдай келинчак... Шундай қилиб, Отақулнинг ҳовлиси хувиллаб қолди. Уйи чўпкори экан, бир қишга чидади, икки қишга... ахийри, деворлари уқаланиб тушди, синчи бирёнга қийшайиб, хунук қўнқайиб қолди. Кўзинг тушса, юрагинг вайрон бўларди... Лайлакларнинг инини айтаман-да, ука, уни қара, худди Отақулнинг уйдаи қўнқайиб турибди. Э, тавба, э тавба...

Сенга айтсам, бу дунёнг тирик жонминан кўркли-да, ука...



## Аянчли хатолар ташвиши

Бозорда мева-чева нега қиммат? Нега оддий меҳнаткаш бориб кооператив дўкондан колбаса ва ёки гўшт харид қила олмайди? Нега унинг дастурхони фэйзсиз?

Муттасил ўсишда бўлган нарх-наво қандай қийинчиликлар туғдирмоқда?— «Литературная газета» яқинда худди шу масалани илгари сурди. Зеро, ҳозир кўпчиликнинг кўнглида норозилик туғдираётган, менимча, айнан шу масала.

Ёдингизда бўлса, бундан уч-тўрт йил муқаддам қўқ-қисдан «ун тортилармиш!» деган миш-миш тарқалди. Ташвишга тушган одамлар ўзларини тўрт тарафга уришди. Чинозда ўша кезлар ҳам кулгили, ҳам аянчли бир воқеага шоҳид бўлганман: нуфузли идорада ишлайдиган ўғил ишдан қайтган заҳоти ичкаридан онаси бўш қопни кўтариб чиқди ва айтдики: «Қопнинг тагидаги юқини қоқиб ҳозир нон ёпдим, болам! Магазинга ун кепти. Бориб, уч-тўрт қоп опке!» Шунда ўғил деди: «Ўзим шу ёқдан келяпман, ойи. Ундан умид қилманг» Раис, илғор механизаторларга беринглар, депти, мукофот эмиш». «Мукофот бўлса, опкетмайдими, болам, нима қилади магазинга қўйиб — ҳаммани интиқ қилиб?» Ўғил бошини эгганча хўрсинди «Олишга... пуллари йўқ экан-да ўшаларнинг, ойи!»

Гап ўн саккиз сўму эллик тийин устида бораётган эди. Арзимаган шу пулни тополмаган кишининг — тагин у илғор механизатор — турмуш тарзини кўз олдингизга бир келтиринг-а! Бориб кооператив дўкондан қайси пулига у колбаса олади? Қайси пулига гўшт олади, қайси пулига кийим ва қайси пулига «Жигули» олиб минади?

Ҳолбуки, унинг ҳам тузукроқ яшагиси келади! Ҳолбуки, унинг ҳам бола-чақаси турфа хил нозу неъматлардан тотинсам дейди! Модомики, кооператив дўкондаги нарсаларга унинг қўли етмас экан, бундай дўконнинг ва бундай неъматларнинг кимга кераги бор? Ахир, биз қайта қуриш фаслида айнан шунга, яъни жамиятимиз аъзолари орасидаги табақаланишга қарши курашаётирмиз-ку!

Имтиёзли, шунингдек, юлғич ва порахўр кимсалар, табиийки, нарх-навони писанд этмайди. Ва лекин ҳалол

кун кечирадиган оддий меҳнаткашнинг қўлига тегадиган маош билан бугунги нарх-наво ўртасида сезиларли даражада номутаносиблик борки, менимча, кўпчиликни бу бирдек ташвишга солаётир.

Қандайдир тадбиркор кишилар гўё давлат мавфаятини кўзлаган бўлиб шундай ишлар қилишадики, бу аслида жамоатчилик норозилигигагина сабаб бўлади, холос. Дейлик, яқинда, айтишларича «пассажирларга қулайлик яратиш учун» Тошкентда ягона аботомент системаси жорий этилди, энди йўловчи трамвай, троллейбус ва автобус учун алоҳида-алоҳида аботомент олиб юриши шарт эмас, янги аботомент транспортнинг ҳар учала турида бирдек қийматга эга. Бу қулайлик яхши, албатта. Ва лекин шу баҳонада трамвай ва троллейбус йўлкираси беш тийинга чиқариб қўйилгани-чи? Буни қандай тушуномқ керак?

Аҳоли имкониятидан ўсиб кетадиган нарх-наво жамият келажигага тушов бўлади, холос.

Рўй-рост айтадиган бўлсак, оддий меҳнаткашнинг турмуши кишини ташвишлантирадиган аҳволда. Унинг иш шароити ҳавас қилгулик эмас, оғир. Шунга яраша қандай имтиёзларга эга у? Қайси қишлоқ магазинида сариёғ, қай бир дўконда гўшт бор? Қайси қишлоқда шаҳардаги каби яшаш — ювиниш, дам олиш, турмушни маънилироқ кечириш мумкин бўлган қулайликлар мавжуд? Ҳолбуки, аллақачонлар қишлоқ хонадонларида фойдаланса бўладиган душлар ишлаб чиқиш мумкин эди-ку! Шундай қулайлик жилақурса дала шийпонлари қошида яратилиши лозим эди-ку!

Ҳамон келинчаклар чақалоғини шийпонда қолдириб, ўзлари тушга довуруқнинг тиғида чопиқ қилишади, терлаб, чангга беланиб келишади-да, ювинмай-таранмай оч-наҳор боласинга кўкрак тутишади. Она сутини эмиш баробарида ўша гўдак қанча микроб ютади шунда! Устига устак, аксар дала шийпонларига оёқ босиб бўлмайди, зах, на пол бор, на бошқа нарса. Бола-чақа тупроққа қоришиб юради, кейин пайкалдан чиқиб келадиган дори юқи сувга чўмилиб, шу сувдан ичишади. Шу боис улар касалманд, шу боис болалар ўлими миқдори йил сайин ўсаётир. Биз эса ҳамон шаҳар боғчаларидаги шўх-шодон кичкинтойлар суратини журналларда босиб чиқарамиз ва ҳамон Ўзбекистон болалари бахтиёр, деб бир-биримизни ва ўзимизни алдашга уринамиз. Ҳолбуки, шу сурат ортига, шу олис қишлоққа назар со-

ладиган, қишлоқ болаларининг қисмати ҳақида жиддий бош қотирадиган пайт келди. Ҳолбуки, қишлоқларни тўлиқ водопроводлаштиришга аллақачон шаронт етилди.

Биздан уч-тўрт кўйлакни зиёд йиртган бир шоир гапдан гап чиқиб, яқинда шундай деди: «Бизнинг шўримиз бор экан — уруш пайтида дунёга келдик, очлик, қаҳатчилик нима эканлигини кўрдик, илигимиз пуч ўсдик, билмадим, олтмиш йил умр кўрагимизми-йўқми, лекин ростини айтсам, сизларга ҳавасим келади!..» «Бизнинг болалик-ку бутефоснинг ичида кечди, қурғурнинг заҳрини энди сезаётимиз,— дедим мен,— агар бировга ҳавас қилгингиз келаётган бўлса, ана, келажак наслларга ҳавас қилинг, бутефос таъқиқланди. Оролим деб, она ерим деб одамлар куйиб-ёнаётир, ҳар қалай...» Шоир ўйга толди. «Гапингиз жўяли,— деди у ниҳоят,— лекин сизу бизнинг жисмимиздаги заха келажак наслларингизга кўчмайди деб ким кафолат беради, ука?»

Дарҳақиқат, шундай.

Боболаримиз инқилоб қилишди. Ватаннинг бошига иш тушганида оталаримиз қўлларига қурол олишди, қон тўкишди, душмандан уни ҳимоя қилишди. Биз-чи? Бизлар-чи?

Қўриқ ерларни обод қиламиз деб дарёларни, боғроғларни, денгизни қуритдик. «Оқ олтин» деб она ернинг қонини сўрдик. Сохта обрў, сохта шон учун не балолар қилмадик, бутун бошли ҳаётни издан чиқариб юбордик. Эрта бир кун сизу бизнинг номимиз наҳотки шу тавқилаънатларга боғлаб эсланса?

Менимча, хатоларни тузатиш пайти келди.

Менимча, ён-веримизда содир бўлаётган ҳар бир ўзгаришга, ўзимизни қуршаб турган моддий оламдаги ҳар бир йўқотишга куюнчаклик билан, жилла қурса, фаол граждандлик муносабатида ёндошадиган пайт келди!..

### III

«Бизга ҳам ёғмасми маломат тоши...»

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан буён инсон умрини бот-бот қайта бошлашга, яъни руҳини тозартиришга эҳтиёж сезиб яшайди. Зеро, нобол ташланган ҳар бир қадам имони бут кишини шу оғир исканжага гирифторм

этади. Инсон умрида содир бўладиган бу ҳол, табиийки, жамият ҳаётига ҳам тааллуқлидир.

Сир эмас, кечмиш гоҳо тўфонли, гоҳо турғун йиллардан иборат бўлди. Бу йиллар муаззам кошоналар баробарида оғир мусибатларни ҳам бизга мерос қилиб қолдирди.

Ҳа, қону тер билан йўғрилиб кам-кам,  
Шундоқ барпо бўлди даврон мухташам...

Бугун ҳар бир гражданинга шундай имтиёз берилдики, у XXI аср бўсағасида туриб, қайрилиб ортига қараётир — босиб ўтилган йўлга назар солаётир, нимаки эзгу бўлса маъқуллаётир, нимаки ўзининг бинобарин, жамиятнинг табиатига ёт бўлса рад этаётир, айни пайтда тупроққа қоришиб ётган олтин заррачаларини ажратиб олишга ҳам ҳаракат қилаётир, шунинг ҳисобига, албатта, қайта қуриш неъматлари унинг дастурхонига файз киритаётир. Набоков ёки Гумилев, Фитрат ёки Чўлпон асарларининг маънавий мулкимизга айлана бошлаганлиги шундай дейишга асос беради. Адабий жараён ва мерос билан боғлиқ кечмиш хатоларнинг бугун рўй-рост айтилаётганлиги, айни пайтда тузатилаётганлиги қувончли, лекин шуни ҳам айтиш керакки, қайта қуришдан кўзда тутилган мақсад фақат шу билангина чекланиб қолмайди, албатта.

Қайта қуриш, бу инсон нуқтаи назарининг ўзгариши, ҳақ-ҳуқуқини, аввало ўзлигини таниши, демакдир. Маълумки, қуюндай кечган йиллар шиддати кишиларнинг ишчанлик фаолияти бир неча баробар ўсишини тақозо этди, ишга кўмилиб қолиш ўз навбатида уларни маърифий такомилдан маҳрум қилди. Теварак-атрофда содир бўлаётган вақеа-ҳодисалар ҳақида жиддий мулоҳаза юритиш имкони бўлмади уларда. Ўзлари чексиз ишонч билан қараган шахсларнинг қабих ва тубан жиҳатлари очилгач, эътиқодга дарз кетди. Юсуф Самад ўғли айтгани каби йўлдан озган муҳитнинг нобоплиги туфайли кишилар йўлдан озди, дарёлар йўлдан озди, денгиз йўлдан озди...

Ҳаётда улуғвор силжиш бўлганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Ва лекин юртимизнинг бугунги аҳволига жиддий бир назар ташланг сиз: бир ёнда неча минг киши чўлларга чигит экаётибди, ҳу нарида эса азалдан деҳқончилик манбаи бўлган ерлар ўлаётир; Сирдарёнинг кунботарида юзага келган Ҳайдар кўл Томдига довур

чўзилиб бормоқда, ҳу нарида эса шўрлик Орол жон бе-  
раётир! Нақадар чигал ва аянчли манзара!

Ўзбекистон табиатидаги мувозанатга бугун путур  
етгани йўқ, бунга анча бўлди. Одил Ёқубовнинг «Диё-  
нат», Асқад Мухторнинг «Чинор», Эмин Усмоновнинг  
«Меҳригиё» каби асарларида вақтида бу ифодасини ҳам  
топган. Лекин бугунги куннинг талаби, менимча, бош-  
қача, эндиликда гап фақат ана шу фожиалар, уларни  
туғдирган омиллар ҳақидагина бўлиб қолмаслиги керак,  
ахир биз ҳориждан келган сайёҳ эмасмизки, нобоплик-  
ни кўриб муносабат билдирсак, она табиатни асл ҳолига  
келтириш унинг нафс қурбони бўлган ибтидоний мало-  
ҳатини қайтариб бериш зарурати кун сайин кучаймоқда.  
Хузуур-ҳаловатдан кечиладиган, манфаат кўзланмай  
яшаладиган, дунёга кенгроқ қараладиган палла бу!

Бугун биз кечаги кун ва ўтганлар устидан ҳукм чи-  
қармоқдамиз. Ва лекин шуни унутмаслик керакки, қай-  
та қуришлар тарихда ҳаминша бўлиб келган, жамият  
ҳамиша руҳи-жонини поклашга интилган. Орадан йил-  
лар ўтиб, бизнинг ҳукмлар устидан ҳам ҳукмлар ўқилад-  
жак. Шубҳасиз, келажак насл янада одил, янада шаф-  
қатсиз бўлади. Уларнинг қарғишига қолмаслик учун  
омонатга хиёнат қилмаслик, унга етказилган зиён-зах-  
мат ҳаққи тавон тўлаш талаб этилади...

Шу маънода мен Одил Ёқубов ва Владимир Соко-  
ловнинг «Литературная газета»да эълон қилинган  
«Қишлоқдаги фожиа» ҳамда «Виждон хасталиги», қо-  
рақалпоқ адиби Урозбой Абдураҳмоновнинг «Оролим —  
дардим менинг» каби юрак қони билан битилган пуб-  
лицистик чиқишларини алоҳида таъкидлаб ўтишни ис-  
тар эдим, айнан шу ва шу каби асарлар қайта қуришга  
астойдил хизмат қилаётир. Халқ бошига неча йиллар-  
дан буён кулфат солиб келаётган бутефосдек заҳар таъ-  
қиқланган экан, бу ҳам адибларимиз чеккан риёзатнинг  
ҳайрли якунидир. Ҳаётни изга солиш учун эса бундай  
риёзатлар, бундай хайрли якунлар кўплаб керак бўлади  
ҳали. Уйлайманки, экологик мусибатга бизникичалик  
кўмилиб ётган, ҳар қайси муаммоси эрта бир кун фав-  
қулодда фожиа туғдириши муқаррар бўлган бирон юрт  
ер юзида бўлмаса керак! Булар барчаси, менинг назар-  
римда, ҳаётга, она заминга, тоғу дарёлар қисматига  
жиддий кўз билан қарашни, сўзда эмас, амалда унинг  
жароҳатига малҳам бўлишни, содда қилиб айтганда,  
онадан қандай туғилган бўлсак, шундай — мусаффо

кўнгил билан яшашни, нафсни ўлик тутиб руҳни ардоқлашни тақозо этади.

Ҳар лаҳза мозийга гарчанд кетажак,  
Лекин олдда бизни кутар келажак,  
Гар қолур биздан ҳам эзгулик, карам,  
Лекин дегайларми бизни мукаррам?!  
Мудроқ виждон учун, сохта шон учун,  
Беҳуда тўкилган қанча қон учун,  
Заминнинг тузалмас жароҳати деб,  
Мовий дунёларнинг ҳаловати деб,  
Бир кун эгилмасми одамзод боши,  
Бизга ҳам ёгмасми маломат тоши?..

1988 йил.

## МУНДАРИЖА

<b>Одил Еқубов</b>	<b>3</b>
Шафқатсиз ҳақиқат ва шафқатталаб кишилар	3
Қишлоқдаги фожиа	8
Кеча ва бугуннинг сабоқлари	17
Умидли дунё	26
Сабоқлардан сабоқ чиқардикми?	31
Ўқитувчининг қадри	41
<b>Ғаффор Ҳотамов</b>	<b>49</b>
Эврилиш	49
Жавобгарлик	81
Ўқитувчи деган ном она каби муқаддас	87
Юракдаги ёзувлар	104
Чаноқдаги кўз ёши	115
Сўқмоқдаги битиклар	126
Лайлаклар	126
Аянчли хатолар ташвиши	129
«Бизга ҳам ёғмасми маломат тоши...»	131

Массово-политическое издание

*На узбекском языке*

АДЫЛ ЯКУБОВ, ГАФАР ХАТАМОВ

## УРОКИ ПРОШЛОГО И НАСТОЯЩЕГО

Издательство «Мехнат» — Ташкент — 1989

Редакция мудияри — С. Мўминов  
Расом — З. Мартинова  
Бадний редактор — З. Мартинова  
Техн. редактор — Ю. Сидоренко  
Корректор — М. Саядбоева

ИБ № 954

Теринга берилди 27. 06. 88. Босишига рухсат этилди 06. 07. 89. Р 10660. Формат 84x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. № 2 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 7,14. Шартли кр.—отт. 7,35. Навир. л 7,52. Тиражи 16000. Заказ 3205. Баҳоси 50 т.

«Мехнат» нашриети, 700129, Ташкент, Навоий, 30. Шартнома № 22—89.

Ўзбекистон ССР Нашриетлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Ташкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлиши ширкати 1-босмадонаси. Ташкент Ҳамза хўчаси 21.